Эртаси эрталаб Бобур Хожа Абулмақорим, Қосимбек ва қолган барча беқлари билан кенгаш ўтказди. “Ўлгимиз ҳам, тиримиз ҳам шу кўрғон ичида бўлади,” дея қарор қилди. Маслаҳатга кўра Улуғбек мадрасаси томига оқ чодир тикилди. Бобур шу чодирда ўтираётган бўлди. Дарвозалар мустаҳкамланди. Қалъанинг айланаси бўйлаб деворлар устида назорат масофалари тақсимланди. Белгиланган жойларга яхши кўролланган соқчилар қўйилди. Мудофаа учун ҳамма чора-тадбирлар кўрилди.

Икки-уч кун ўтгандан сўнг Шайбонийхон кўшини билан қайтиб келиб шаҳар атрофига кўчди. Душманнинг шаҳарга яқинлашганини билган маҳаллалардаги йитиг-яланглар норозиликлар билдиришиб, душман билан урушмоққа чиқибшарди. Хар вақт, хар жойда хайқирик, чакириқлар бўлиб турарди. Душман билан майда-майда тўқнашувлар ҳам бўларди. Бобур оқ чодирда ўтириб ҳаммасини кузатар, тоҳо ўзи ҳам кўрғон деворлари устида юриб, беқлари қатори назоратчилик ҳам қиларди. Уйку деярли йўқ эди. Феруза дарвозаси ва Шайхзода дарвозаси оралиғида отда юрилса, у ётига пийда юришга тўғри келарди. Чунки у ёти тор ҳам ноқулай эди. Кўрғонни айланиб чиққунча тонг ёришарди. Бобур хар намоз ўқиганида Тангри таолодан мадад қилишини сўраб дуога кўл очарди. Камал ана шундай давом этарди. Хозирча Бобур учун ҳеч қандай нажот йўқ эди.

Бир кунни Шайбонийхон Оханин дарвозаси билан Шайхзода дарвозаси орасида уруш бошлади. Ҳамманинг диққати шу ерда қаратилди. Бобур ҳам шу ерда бўлади. Гозуристон, Сўзангарон дарвозаси тараф эгибордин четда қолади. У ерга қўйилган соқчилар ҳам жанг бўлаётган жойга келадилар. Ҳеч қим қолмайди.

Шайбонийхон 20 чотли аскарларига тезда 2 киши чиқа оладиган шоти ясаптиради. Бу шотидан етти-саққиз юз нафар йигитларни чиқишга тайёрлайди ва жанг бошлади. Дарҳол у тарафга кўч ташланади. Девор устига чиқаётган ёв қайтарилади. Деворга чиқаётганлар мудофаачилардан чекинишга мажбур бўлади. Бу ерда айниқса, Қосимбек, Бобурнинг энг садоқатли бети бошлик йигитлар мардона жанг қилиб, уларни анча масофагача қувиб улоқтириб ташлайдилар. Кўрғон ана шундоқ тарада химоя қилнади.

КАМАЛ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ОРТДА ҚОЛДИ

Мана шундай камал содир бўлиб турган вақтида энди ёз бошланганди. Дон пишиб-пишмаган чотлар, Шаҳарга атрофдан халидон ўрилиб, янчилиб етиб келмаган пайт. Йўғон чўзилиб, интичка узилган деймизми. Хар ҳолда озик-овқат танқислик фурсатлари. Камал давом этарди. Шайбонийхон кўрғонга қиролмас, аммо кўрғон атрофидан нари ҳам кетмасди.

Бобур эса ҳамон мақкам турар, кўрғонни тошпиришни сира-сира нстамаасди. Аммо у эскилар айтган “кўрғонни химоя қилмоққа бош керак, икки кўл керак, икки оёқ керак,” – деган гап борлигини ҳам яхши англади. “Бош бошлайди – етакчилик қилади. Икки кўл – икки томондан келадиган кўмак ва мадад бўлади. Икки оёқ кўрғоннинг озука захираси билан суви бўлади.” Бобур бу гапнинг мохитини чуқур тушуниб етарди. Лекин унга икки тарафдан келадиган мададнинг ўзи йўқ эди. Чунки атрофдилар ўз дардлари билан ўзлари эди. Уларнинг дардлари бошқа эди. Улар қўшилиш, бирлашиб туриб мақсадга интилишни сира ўйламас эдилар. Улар майда манфатлар ортида сарсонун-саргардон эдилар. Худди бизга замондош бўлган Базил одамлар сингари. Чунки улар бугунги одамларнинг ота-боболари эди-да.

Камал киши жараяни узокка чўзилгиб кетади. Атрофдан ёрдам бутунлай тўхтаб қолади. Озука етишмовчилиги бошлаб башланади. Камбағал одамлар ит, эшак этини ейишга мажбур бўла бошлашади. Отларга емиш қолмайди. Тут, кайрагоч барглари едира бошлайдилар. Баъзилар курук ёғочларни рандалаб, кипитини сувда пивитиб, отларига беришга мажбур бўлади. Шайбонийхоннинг кўрғонни камал киши кўрғон ичидашундай ҳолатлар содир бўлишга олиб келди. Элга кўп отир, танкислик бўлди.

Кўрғон ичидашуз берган етишмовчилик, танкислик одамларни бездирди. Улар энди кўрғонни ташлаб кетишга мажбур бўла бошладилар. Девордан ошиб кочиб содир бўла бошлади. Хатто Бобурга яқин беқлар ҳам кочиб кетдилар. Вайс Шайх, Вайс Лоғарийлар кочиб кетдилар. Шайбонийхон эса камални кучайтира бошлади. Худди шу фурусатда Узун Ҳасан, юкоридашайтиб ўтганимиз фитначи, ўн-ўн беш навқари билан камалда тиларни ёриб кўрғонга кириб келди. Бобур кутмаган ҳодиса содир бўлди. (Бу албатта, Бобурнинг Узун Ҳасанни авф этганига жавоби бўлса керак). Буни билган, яъни Бобурга кўмак келганидан хабар топган Шайбонийхон Ғори ошқон мавзесига келиб, сулх сўзини ўрмага ташлайди. Сулх мактубида Шайбонийхон Бобурнинг ошаси — гўзал Хонзода бетимни ўз никоҳига сўрайди. Шундан айтиш керакки, атарда Бобур учун етарли захира, атрофдан яхшигина ёрдам бўлганда у сулх сўзига ҳеч қандай розилик бермаган бўларди. Кўнди. Икки тараф сулхта келишди. Бобур Шайхзода дарвозасидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бобур онаси, оиласини кўрғондан бирта олиб чиқиб кетди. Улар тунда чиқиб кетишди. Қоронги кечада кўп йўл юришди. Йўлда бир неча бор адашдилар ҳам. Тонг отай деганда Хожак Дийдор деган жойдан ўтишиб, Қорбут тепалиқларига қараб йўл солишди. Худак кентининг этаги билан Илонўтти деган манзилни мўлжаллаб юришди. Куёш кенгликларга нур сочган. Одам чарогон. Бобур неча фурусат камал изтиробларини торта-торта ўта толликкан эди. Шахар муҳити оғир, изтиробли онлар ортда қол-

ганидан у ўзини қафасдан чиққан қушдек ҳис этар, осмону-фалакка қараб ўчиси келар, мусаффо ҳаво бағрида энгликиб-энгликиб нафас оларди. Бирдан кайфияти кўтарилигандай бўлди. Ҳаммаси учутипти чочи, у ўзига ўзи қулимсиреди. Ёнида келаятган Қосимбекка боқди. У ўйчан эди. Қамбар Аллага назар солувди у ҳам шундай.

— Ҳей, йитиллар, — деди у жарангдор овозда. — Қани ким аввал! У отига қамчи босди. От шундан кутиб тургандек ўкдек олдинга қараб ўчди. Қосимбек ҳам, Қамбар Али ҳам “демак, пойға”, дейишди-да улар ҳам отларини савалашди. Уч отлик ниматадир елдек ўчишар, гўё қулоқлари остидан гувуллаб ўтаётган шамолларга етадигандек бир-бирларидан қолшимасди. Отлар ҳам “мен сендан қолмайман”, деяётгандек бир-биридан ўтишга интилиб тезроқ қочинишга интиларди. Бобурнинг оти анча илгариллаб кетди. Икковлари эса ортда қолди. Бобур улар қанча масофада қолганини кўрмоқчи бўлиб, ортга қараган эди, эгарни тутиб турган айил бўшаб қолган чочи, айланиб кетди. Яхшики от бир оз секинлаган эди. Бобур кутилмаганда боши билан ерга йиқилди. От такка тўхтади. Шахзода сакраб ўрнидан турди. Отига минди. У ўзини хушсиз сеза бошлади. Каттик зарб емаган бўлсада боши чайқалган эди. Хушсизлик кечгача давом этди. У бир оз эсини йўқотгандек эди. Ҳамма нарса унга туш бўлиб кўринар, воқеаларни ўз холича идрок қилолмай қолганди. Кечкурун Илонўттида от сўйишиб қабоб қилишди. Шу қабобдан бир-икки тишлам еган чотдагина у хушга келгандай бўлди. Воқеалар энди унга аслидай бўлиб кўринди.

Отлари дам берилди. Ўзлари ҳам бир оз нафас ростлашган бўлишди. Яна йўлга тушишди. Тонг отмай Халифия қишлоғига етиб келдилар. Ундан Дизакка. Дизакда Хофиз Муҳаммад дўлдойнинг ўгли Тоҳир дўлдой кўрғонбеги эди. Улар Бобурга яқин кишилар эди. Яхши кутиб олдди. Зиёфат ташкил қилди. Дастурхонга нон, мева-чева, қовун-тарвузлар тортишди. Бобур дастурхондаги узум, олма, ноз-неъматларга боқиб туриб, фалокатлардан омонликка, тақчилликлардан сербачиликка етишганига

Аллоҳга дилдан шукрлар айтаркан, куйидаги байтга беихтиёр хотирлаб кўйди:

**Ваҳму усратини амонг монмур,
Янги жон, моза жаҳонг монмур.**

Энди ўлим ваҳимаси дилдан кўтарилиб эди. Очлик даф бўлганди. Бобур худди шу дақиқаларда омонлик ва серобчилик кадрини қалбдан янада чуқурроқ хис қиларди. Ҳамроҳларида ҳам худди шу ҳолат эди. Шунинг учун баъзан ўртага чўккан сукутнинг “ўзингга шукр, Яратганга шукроналар бўлсин!” деган сўзларни айтиб беэзаб турардики, бу фалокат, машаққат, оғир кўрликлардан кейинги ишрат, фароғат, лаззат албатта, бандасига яхши кўриниши табиий эди. Энди улар очлик азобларидан кутилишиб, роҳат-фароғатга етишган эди. Душман балоси даф бўлган эди, Бари ортда қолганди.

Улар уч-тўрт кун Дизакда роҳат топинди. Дам олдидлар. Ўзларига келишиб, у ён-бу ён назар солгандай бўлишди. Ўзларини, уловларини тартибга келтиришгач, Ўратепата қараб йўл олишди. Албатта, уларни иззаг-икром қилган, хурматини жойига қўйган, мезбонликни яхши эди этган манзил эгаларига каттадан-катта миннатдорчиликлар билдирилди. Улар билан хайрлашишар экан, Бобур Мирзо Тоҳир дўлдой кўронбегни билан кучок олиб туриб хайрлашди. Шайхулислом уни узоқ дуо қилди. Кафтлар юзларга суртилгач, илтик хуш сўзлар айтилиб отларга минилди. Энди олд-динда Ўратепата эди.

НҲЁН КЎКАЛДОШНИНГ ҚИЛИЧИ

Бобур Ўратепата сари ўтиб бораркан йўл устида, тўғрироғи чегидга жойлашган Пашағор кўрғонига бир муддат тўхтаб ўтмоқчи бўлди. Илгари бу ердан бир ўтган эди, лекин у ерни тузукроқ кўрмаганди. Атрофни айланиб кўрғонга кирганда онаси Кутлуг Нигор хонимнинг хизматкори Отин ойини учратди. У Самарқанддан чиқиб пайтида улов етишмай, қолиб кетганди. Отин ойи

улар ортида пиёда йўлга чиқиб шу ерга етиб келган экан. Сўрашдилар. Бобур учрашиб қолганидан хурсанд, уни онаси хузурига олиб борди.

Нихоят улар Ўратепата етиб келишди. У Муҳаммад Хусайн Мирзо билан кўришиб, у билан Ўратепата кентларидан Даҳхатда қишлоғини ўтказишга келишиб олади. Онаси унга Ўратепатага келишганда синглиси Хўб Нигорхоним оламдан ўтганини, Авдиконда қолган отасининг онаси — қатта буянси вафот этганини эшиттиради. Бобур ўтганлар хақиқа онаси олдига тиз чўкиб дуо-фотиҳа қилади. Улар жанозасида қатташа олмаганидан ифсусланиб, онасига таскин беради. Ўз жигар-батириларини ўн уч-ўн тўрт йилдан бери кўрмаган Кутлуг Нигорхоним Тошкентга йўл олади. Онаси Меҳр Нигорхоним Самарқанддан келади. Шу фурсатда Бобурнинг онаси қаттиқ касал бўлиб қолади. Бобур ҳам онаси билан бирга эди. Онасининг касаллиги уни жуда кўркинча юборди. Яхшики Аллоҳ шифо бериб, у соғайиб кетди. Бир неча кундан сўнг Бобур хон тоғаси лутф қилиб Ўратепани берди деган умидда эди. Йўқ, умиди амалга ошмайди. У қайтиб келиб ўзига қарашли хонадонларни Даҳхат аҳолиси уйларига жойлаштиради. Ўзи қатта бир оила хонадонига жойлашади. У жойлашган оила соҳиб итмишларга кирган киши эди. Қари онаси бор экан. Қария бир юз ўн бир ёшга қирибди. Бобур онахон билан кўришиб суҳбатлашади:

— Шахзода болам, — дейди қария. — Темурбек наслдан экансан. Хуш келибсан. Менинг амаким, Темурбек Хиндистонга юриш қилганда лашкарлари билан бирга жанг қилган эди. Ўша фурсатда лашқарга хиндлар йўллаган илонлар кўп зарар етказган экан. Шунга айтиб бергани ҳамон ёдимда.

Бобур она билан суҳбатлашиб, хозир шу қишлоқда унинг небара-эваралари жами тўқсон олти жон ялашини, ўлганлари билан онадан тарқатганларнинг ҳаммаси икки юзта эканини билди олди. Бобур мулозимларига юкларни ташишда кўмаклашаётган йигирма олти-йигирма етти ёшлардаги қол-қора соқолли йигит ҳам унинг эвараларидан эканлиги Бобурни хайратлантиради.

Айниқса, онанинг Темурбек даврини хурмат билан тилга олиб, Темурийзода бўлган Бобурга эхтиром кўрсатишларидан у анча таъсирланди. Кариндошнинг лашкарлик фаолиятига боғлиқ кўп нарсаларни билиб олди. Шахзода табаррук ёшли она билан ана шундай суҳбатлашди.

Дехкатда Бобур анча хотиржамликда яшади. Деярли ҳар кунни теварак-атрофни айланиб тоғ манзараларини мунгазам томоша қилди. Сайр унинг баҳри-дигини очар, широна қалбига жўшқинликлар бахш этарди. Аксар ялангоёк юрар, бу билан ўзини чиниктирар, кўп ялангоёк юрғанидан оёқлар тоғ-тошни унча сезмас, пишиб борарди. Ҳшандай сайр жилиб юришганди. Вақт намозгар ва намозном ораси эди. Узоқдан кўзга ташланаятган ингичка йўлда бир қорамол тепадан тушиб келарди. Бобур ёнида келаятган Хожа Асадуллоҳга қараб:

— Йўлни қаранг, қорамолни қаранг. Қорамолдан кўз ўзманг, уни йўқотиб қўйманг, токи йўлнинг қаерга боришини билиб олайлик, — деди. У ҳазил аралаш, дутф қилиб форсийда: Тов гум шавад чи қор кунем? — деди. Кулишди.

Бир томони киш эди. Баязи бир йигитлар харбий сафарлардан зериккан ҳам эдилар. Шулардан бири Бобур қаршисига келиб тавзим қилди ва Андижонга кетиш учун руҳсат сўради. Шу вақт Қосимбек Бобур ёнида эди.

— У Хукмдорим, руҳсат берсангиз, бир оғиз гап. Бу киши Андижонга бораркан, Жаҳонгир Мирзога энг яхши ўз кийимингиздан юборинг, — деб жўнатди. Қосимбек бу гапни тўлиб, бир оз ҳаяжон билан гапирди. Қосимбек, албатта, Бобурни сиёсат учун шундай қилишга ундаётган эди. Бобур ҳам буни тушуниди. Дарҳол буюрди. Оқ кундуздан тикилган тешаги бор эди. Шунни бериб юборди. Қосимбек бундан хурсанд бўлди. Кулимсираб:

— Танбалга ҳам бир нарса бериб юборинг эди, шахзодам — деди. Бобур бу гапни ўзига малол олди. Танбал номи гапини келтирган бўлсада, Қосимбекнинг лафзини ўлдиргиси келмади. Нуён кўкалдошнинг Самарқандда ўзи учун ясаган элик, ясси қиличи бор эди. Шунни Танбалга бериб юборди. Бу қилич кей-

инчалик Андижонда Бобур бошига теккан қилич бўлди. Бобур шу қилични Танбалга бериб қўйиш учун Андижонга юборгандан сўнг ҳеч қанча ўтмай қилични ясаган Нуён кўкалдош фожиаси содир бўлади. Бобур унинг ўлимига жуда-жуда ачинади.

Ҳшанда Бобур Пискентдан кўчиб Оҳангарон кентига эди. Бобур билан бирга юрган Нуён кўкалдош турухи Пискентда қолди. Бобур Оҳангарон кентидан Сомсийрак кентига етиб борганда “Нуён кўкалдош мастликда жарликка йиқилиб ўлибди” деган хабар келади. Зиёфатни мулла Хайдарнинг ўғли Мўмин уюштирган эди. Зиёфат жар ёқасида бўлади. Айтишларича, Нуён кўкалдош Самарқандда Мўминга ёмон муомала қилган кўринишда. У кек сақлаган ва зиёфат уюштириш орқали ундан ўч олган кўринади. Бобур дарҳол Нуённинг тутишган тоғаси Ҳакназарни бир турух киши билан воқеа содир бўлган жойга жўнатади. Улар Нуён кўкалдошнинг жасадини жар тубидан топишиб, эхтиётлик билан Пискентда тупроққа қўядилар.

Бобурга бу воқеа жуда ёмон таъсир қилади. Анча-мунча ўлимда кўз ёши қилмаган шахзода бир хафтагача йиғидан ўзини тўхтата олмади. Нимагадир унинг меҳри мард ўтлон Нуён кўкалдошга тушиб қолган эди. Ҳарчанд ўзини чапгитай деса чапгитолмас, Нуённинг бир номард қўлида нобуд бўлгани унга жуда ҳам алам қилган эди. Кейинчалик “Бобурнома”да Нуённинг ўлимини абжад ҳисобидаги санаси — “фавд шуд Нуён (Нуён вафот этди) сўзларида топилди”, деб ёзди.

Бир неча кундан сўнг Бобур Дехкатга қайтди. Баҳор бошланиб қолган эди. Дов-дарахтлар қургак чиқара бошлаган. Ҳаво анча номшаганидан, еру-осмонда сирли бир ўзгариш содир бўлаётган пайт. Бирдан Бобурга “Шайбонийхон ўратепага келтипти” деган хабар келади. У озгина одами бор бўлишга қарамай хозирлик кўради. Шайбоний ўратепа атрофларини таллаб, бузғунчиликлар қилиб ортга қайтади. Бобур доvon ошиб яна ортга қайтади, Масчога келади. У бу ерда бир неча фурсат ко-

либ кетади. Атрофни айланиб юриб тошларга биткилар ёни ва ёдиради. Юрти йўк, яшашга тайин манзилга эга бўлмади. Бобурга сарсону-саргардонликлар энди малол кела бошлагани У энди хон тоғаси олдига Тошкентга қараб жўнамоқчи бўлган ҳамроҳларига маслаҳат солади:

— Хон хузурига — Тошкентга, фақат Тошкентга боришимиз керак, — дейди. У сўнги нажот у ерда деган умидда эди. Қосимбаева бахона ишлатиб кўнмайди. Сабаби, Қорабулоқда тартибсизлик қилган мўғуллардан баъзиларини сиёсат учуни катта эттирган эди. Мана шу иш учуни хондан ҳадиксирарди чоғи. Тошкентга боришни истамайди. У қарамоғидагилар ва таниш-билишларини олиб Ҳисор тарафга қараб йўл олади.

Бир неча кундан кейин “Танбал ўрагелани босибди.” деган гап тарқалди. Бундан хабар толган хон Бобурга Тошкентдан лашкар жўнатди. Бобур Пискент билан Сомсийрак орендани Хон кўргани келади. Мўғулча туғ боғлаш маросими ўтказилган. Хон оддан тушиб маросимни бошлаб беради. Хон қаршисини тўққиз туғ тикилади. Бу ишларни бир мўғул бошқаради. Уч нарча ок бўзвини ичини уч тутини дастасига боғтайди. Бир уч нарча хон босиб туради. Яна бир туғга боғланган бўз учини Бобур босиб туради. Яна бир бўзга эса Мухаммад Хоника босади. Мўғул мўғулча сўзларни айтиб туриб туғга ишора қилади. Хон ва турганлар туғга кимиз сочадилар. Карнай-сунай, ногора қилади. Сафдаги лашкар тенгдан овозининг борича сурон солади. Уч марта шундай қилинади. Сўнг оғланиб сурон солишиб, отлик аскарлар атрофини айланишга тушади. Чингизхон жорини қилган бу одат Бобур яшаган ўша даврдача нақ Чингизхон жорини ридачидек хонлар томонидан бажарилиб келган уйдум эди. Бобур ҳам ҳозир ана шу маросимда иштирок этаётган эди. Хоннинг бу хилдаги тайёрларлигини эппитган Танбал аллақачон Андижонга қайтиб кетган эди.

БОБУРНИНГ ТУШКУН КАЙФИЯТИ ВА КИЧИК ХОН ТОҒАСИ БИЛАН КЎРИШИШ ТАФСИЛОТЛАРИ

Бобур Тошкентда бари бир муҳтожлик ва хорликлар тортгандай бўлди. Гарчи қариндошлари уни яхши қабул қилишган бўлганда, у ўзини шундай сезарди. Негаки, навқарларнинг кўпчилигини тарқаб кетганди. Ўз кўлида юрти йўк эди. Бу дегани шахзода буни туриб ўз уйига эга эмас эди. У билан юртдан санокли кишилар ҳам йўқчилиқ тирдобига фарқ бўлишганди. Вилоятти йўқлиги, вилоят умидворлиги тамом бўлганлигини тоғаси хузурига келганидан кейин янада яхши хис эга бошлаганди. Чунки тоғаси тиш қилиб, “мана жиян, Сизга мана шу кўргон, боринг кўлга олинди, хотиржам одамларингиз, оила аъзоларингиз билан яшайверингиз,” дедиётган эди. Шундай дейишга қурби етсада бенарво эдилар.

Бобур ана шундай тушқун кайфиятда эди. Кўрган саргардонлар, бир жойда кўним топа олмаётгани ёни қатта бўлиб қилинган қаторига ўтиб бораётган шахзодага алам қиларди. Шундан кўп ўй суради. Бу хонлар жонига текканидан ўзига ўзи деди: “Бундай қийинчилик, йўқчилиқ билан тирик бўлувчи, бош олиб, йўқолиб кетсам яхшидур”. Яна ўзига ўзи: “Бу ахир қоршиқ, зорликку, бу холда яқинлари ичидан юрғунча оёғи етганча кетса яхшимасму?!” У ўйга берилгани, Хитойга кетишни ўйлар, унинг назаридан у тарафлар яхшидай туюларди. У бир кунни шу ўйларини Хожя Абулмақоримга — маслаҳатчисига айтди. У эса шохзодага:

— Шайбоқхондай ганим юртда пайдо бўлди, унинг зарари мўғулча ҳам, туркча ҳам тенг. Хали ҳозир у қучаймасдан туриб, уни баргараф этиши керак, — деб жавоб қилди.

Бобур уни тушунмади. Ўзига ўзи: “Мен боғдан келсам, у тоғдан келади-я,” деди-да, кўйди. Бобур гарчи шахзода бўлса-да, тажрибаги, мамлакатдаги сиёсий вазиятни тўғри баҳолашчи ва ундан анча ташвишланиётган, хонлар эътиборини шунга қаратишга интилаётган Хожя Абулмақоримдек инсоннинг асосий мисқали нима эканини негедир тушунмагандай эди.

У ўйлаган ўйлари эътиборсиз қолганидан кейин кичик тоғасини фикрдан ўтказди.

Ҳали умуман уни кўрмаган бўлса ҳам, уни кўришга нисбатан изнай бошлади ўзинча. Лекин кичик тоғасини кўриш, иложи бўлмаган мадад олиш ўйларини ҳеч қимга айтолмасди. Хожа Абдулакоримга айтса, нима деркин, рози бўлармикан. Онасига, яқинларига бу гапни айтиш тўғри келмайди. Катта тоғасига айтаман эса, ундан руҳсат олиш эса умуман бўлмаган гап. У эътибор тоғасидан руҳсат олмапти деб ўйлаши қолаверса, розилик бермадиликлари ҳам мумкин.

Бобур шуларни ўйлаб боши қотиб юрган кунлари биринчи кичик тоғасидан “кичик хон ҳазратлари келипти,” деб чопири келиб қолади. Кичик хоннинг яқин келиб қолганини айтишга, унинг истиқболига Шохбегим, кичик хоннинг синглилари Султон Нигорхоним, Давлат Султонхоним, шунингдек, қариндошларидан Бобур, Султон Муҳаммад Хоника, Мирзохон ва бошқалар уни қўтиб олишга истиқболга чиқадилар. Бобур хали умрида уни кўрмаган эди. Уни қўтиб олгани чиққандир орасида Бобур бир оз тезлаб кетади. Кичик хон тоғасини кўриб оқ отдан тушади. Хон ҳам шахзодани кўради-да, айтишнинг бўлишса керак, у ҳам отидан тушади. У хотиржам, бир жойдан тўхтаб кўришаман деб ўйлаган бўлса керак, ҳаракатларидан шопилиб қолгани сезилиб туради. Бобур эгилиб бориб, “Ассалому алайкум,” деди. Кичик хон ёнидаги ўғилларига шопиб буюрди:

— Отдан тушинглар! Шахзода билан сўрашинглар!

Кичик хоннинг ўн уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги ўғиллари Султон Саидхон ва Бобохон Султонлар иргиб отларидан тушингларди ва Бобур билан кучоқ очиб кўришишди.

Шу кеча қариндош-уруғлар узок суҳбат қуришди. Болдан ўтган исик-совуқлар ва бутуннинг ташвишларини ақл-идрок етганча муҳокама қилишган бўлишди. Нима бўлганда ҳам айрою тушган меҳрлар топишиб, бир-бирларидан бир дунё баҳрамани бўлишди.

Эртаси кўни Яғмо деган мавзидан ўчрашувда кичик ма-
воним бўлиб ўтди. Кичик хон жияни Бобурга мўғулча русумда
ташвишланган бош-оёқ кийим, белбоғ, эгартик, зотдор от ҳади қил-
ди. Шунингдек, мўғулдай бўрқ, санъа тиккан хитойи атлас тўн,
яқин русумдаги чакмоқтош халтачаги хитойи белбоғ, тўннинг
яқин ёқасига хотин кийиминг ёқасига (эркакларга ҳам урф бўл-
ган) осадиган анбардон ва халтачасидек осилган, ўнг томонига
қом худди мана шундай уч-тўрт нарсга осилган ажойиб совғалар
билан Бобур сийланди. Шу тақдирлаш талбири бўлиб ўтгандан
кўни, улар Тошкентга қараб йўлга тушишди.

Уларни катта хон Тошкентга қираверилда тайёрларлик билан
қўтиб турарди. Чодирлар тикилган. Йирик чодирларда катта хон
ўқиб олди, кичик хон чодир қаршисидан юриб келди. Яқин келгач
отдан тушди. Хоннинг чал қўл тарафидан чодирни айланиб ўтди,
қўришаркан ерта етиб турди-да, хонга тўққиз маротаба эгилиб
қўлим қилди. Катта хон ўрнидан туриб бир-бирларига қараб юр-
тишди. Етиб келиб узок кучоқлашиб туришди. Кичик хон қайт-
ганида ҳам тўққиз маротаба таъзим қилди. Хон хурматида тортиқ
тортиш маросими бошланди. Хон катта хонга шунда ҳам таъзим
қилиб турди.

— Кичик хон озрок киши билан келиб эди, — деб эслайди Бобур.

Бор-йўти мингдан кўл, икки мингдан озрок киши эди.
Бобур мўғулча кийимда кичик хон дадаси билан бирга келар-
кан, бу кийимда бутунгай бошқача кўринишда эди. Улут хон да-
даси билан туриб уларни қўтиб олаётган қариндошлар ичидан уни
танимаганлар ҳам бўлади. Ҳатто доимо бирга юрган маслаҳатчи-
си Хожа Абдулакорим ҳам танимасдан “Булар қайси султондир-
лар?” — деб ёнида тургандан сўрайди. У “Ўзимизнинг шахзода
Бобур Мирзолар” дейди. У:

— Мўғулча либос роса ярашибдимми-а, — деб қўлимсираб қўяди.
Кичик хон, катта хон келишишди. Танбалнинг устига — Анди-
жонга ланқар тортишадиган бўлишди. Қандирлик доवони орқали
йўлга тушишди. Катта хон, кичик хон ва Бобурни Охангаронга ет-
ганда тезроқ юришга ундаб ўзидан айиради. Довондан ошгандан

сўнг улар Зирконда катта хонни кутиб туришди. Шу ерда улар кўшилишиб, бир кун дам олишади. Жами лашкарларнинг хисоби ўттиз мингдан зиёд эди.

Улар шу ердалигида Танбал лашкар йитиб Аҳсига келяпти деган хабар келади. Хонлар кенгашадилар. Кенгаш шунга қарор қилади, яъни Бобур аскарларига бир қисм аскарни кўшадилар. У Хўжанд дараёсидан ўтиб, ўш ва Ўзганга қараб юради. Бу йўл билан у ёв орқасига ўтади. Бобурга Қамбар Али ва Соригбон итарчини лашкарбети қилиб тайинлашади. Ўн мингдан зиёд кўшин билан Бобур йўлга тушади. Хўжанд дараёсидан бироз ўтиб, Хўжон, Кубоғларни кўлга қиритишиб саҳар вақти Ўш кўрғони га етиб боришади. Ўш Бобурга топирилади. Халқ Танбалдан безиган эди. Шунинг учун Андижоннинг шарқ ва жанубидати тоғ ва текисликлардаги эл Бобурга кўшилди. Ўзган кўрғонидати дар хам тобеликни маълум қилишиб Бобурга одам юборишади. Бир неча кундан сўнг Марғилон эли хам кўрғонбетини уриб хай-дашади ва Бобурга кўшилишади. Андижондан бошқа кўрғонлар унинг ихтиёрига ўтади.

Бобур Андижон кўрғонини хам тинч йўл билан кўлга қиритишни ўйлайди. Унинг максасди беҳуда қурбонлик содир этмай, қон тўкмасдан ғолиб бўлиш эди. Шу ўй билан у ярим кечаси Ўшдан отланиб, бир гуруҳ йигитларни олиб Андижонга қараб йўлга тушади.

ШАХЗОДАНИНГ ЯРАДОР БЎЛИШИ ЁКИ ЎЗ ҚИЛИЧИ ЎЗ БОШИГА ТУШТАНИ

Танбалдан безор бўлган Андижон эли шахзода Бобурнинг Андижонга келиш тарафдори эди. Буни у биларди. Шунинг учун элда эгалик қилиб турган катталар билан сўзлашиш ва улар ёрдамда кўрғонга қон тўкмасдан, қурбон бермасдан қиритишни ўйлаган Бобур хос йигитлари билан Андижонга ярим кечада йўл олади. Ўшдан отланиб Чилдухтарон деган жойга келади. Қамбар Али ва

уш-тўрт беқларини катталар билан сўзлаштишга юборади, ўзлари серкаклик билан отдан тушмай хабар келишини кута бошлайди. Кечанинг учинчи қисми, ҳамма уйкуда, фақатгина уйқузираган отлиқлар бедор. Бирдан атрофда хўж сураётган соқинликни бузган ногора товушлари янграйди. Бобур ва унинг ҳамроҳлари учун бу қутилмаган хол эди. Душманнинг кўп-озлигини билиб-билмай уйқузираган соқчи лашкар тарқалиб қочиншга тушади. Миршох, Бобо Шерзод, Дўст Носир ва Бобур эса душман томонга от солишади. Ёрни ўкка тутиб уни тўхташилади. Қочанларни тўхташишиб, тартибга солишиб, нимага бундай бўлганини суринштирилиса воқеа бундай бўлган экан. Яна ўша талон-тороқ қилишга ўрланган Аюб Бекчининг ихтиёридаги мўтуллар иш кўрсатишган эди. Мўтуллар (тунда талончиликка чиқишган) Бобурнинг соқчи лашкаридагилар билан ўронлашадилар (парол айтишадилар), на-тижада англашилмовчилик бўлиб, мўтуллар ногора чағлиб сурон солиб юборишади. Отишма бошланади. Хатолик туфайли соқчи лашкар бир жойда турмай тарқалиб кетади.

Бобурнинг режаси амалга ошмади. Ички хож ва арбоблар билан олиб борилган музокаралар натижа бермади. У ўшга қайтди. Лекин Танбал тарафда саросима бошланди. Унинг тарафдорлари қочиншга қиритдилар. Айримлари Бобур тарафга ўтиб келишди ҳам. Келганлар “Танбалнинг иши бузилиш арафасида, Танбал уч-тўрт кунда аниқ тамом бўлади,” дейишарди.

Демак, Бобур учун бу ҳолат айни муддао эди. Энди ишни жадаллаштириш зарур эди. У тезда отландида, Андижон устига лашкар тортиди. Бу вақтда Андижон кўрғонида Танбалнинг қичик иниси Султон Муҳаммад Қалтўқ кўрғонбошлиқ қиларди. Бобур Андижон жанубидаги Хоконга пешиндан кейин хужум бошлайди. Бобур хужумчилар ортидан келиб, худди шу дақиқаларда Айш тепалиги ёнига келиб туради. Қалтўқ хам нарига тарафдан беш юз киши билан кела бошлайди. Бобур ёв билан юзлашади. Бир-икки қилич уришга интиланган ёв бирдан қочиншга қиритилади. Бобур ва йигитлари уларни қувиб асир олади. Бу вақт энди намозшом қириб қолган эди. Бобур тезроқ кўрғон дарвозасига

етишни ўйлар. Унинг учун вақт фанимат туюларди. Тажрибали бекларидан бири Камбар Алибек: “Кеч бўлди, қоронғида кўрғонга яқинлашсак тўғри эмас, эрталаб кўрғонни ўзлари топиришига мажбур бўлишди,” дейди. Бобур кўрғонга етай деган бир пайт онда маслаҳатга кириб маҳалла ёнидан ортга қайтади. Агар у шу онда ҳужумни давом эттиривди, кўрғон унинг ихтиёрига ўтган бўларди.

Чоп-чоп, қувди-қувди, кун бўйи жанг қилган йигитлари ичра толиқтирган эди. Қоровул куйилмай, довул чалувчиларсиз Бобур ни фафлат босиб қолади. Ҳамма уйкута чўмган пайт, тонг олдидан Камбар Али отини чоптириб бораркан, “Ёв босди, туринг!” деб қичқирарди. Қуролланган холда ухлаётган Бобур ортга иргиб минди-да, ёв тарафга қараб от солади. Бобур атрофидоғлар ўлган эди. Бобур ўк отиб бир ёвни кулатади. Яна бирини ёв марказидан қувиб кетади. Ўтарада юзтача дашқари билан Танбал турарди. У бир кишига билан ёнма-ён от устида эди. Бобур камонга куйилган ўкни Танбалнинг дубулгасини мўлжаллаб отади ва тешик садокка кўл чўзади. Яшил қиррали ўк. Хон дадаси берган. “Хайф кетмасин,” дейди-да қайтариб жойига солиб қўйди. Яна бир ўкни пайпаслаб олгунча у анча илгарилаб борарди. Танбал ҳам илгарига бу иккинчи томондан кўчага қиришади-да, юзма-юз бўлишди. Бобур кўлидаги ўкни Танбал қалқонининг туткич томонини мўлжаллаб отади. Худди шу фурсатда шахзоданинг ўнг сонига ёй ўкни санчилилади. Бошида дубулга бўрки бор эди. Танбал Бобур бошига силмаганига қарамасдан унинг боши яраданган эди. Бобур қилинч суғуришга фурсат қолмаганини сезиб от жиловини чапта бурди. Қилинчининг яна бир зарби садокка келиб тушди. Саккиз қадамча ортга юрган ҳам эди. Бобур ўз пиедалари қуршовида ортга қайтишга мажбур бўлди.

Бобурнинг бошига теккан халиги қилинч, Қосимбек даввати билан Танбалга соғя қилиб жўнатилган, раҳматли Нуён кўкали дошдан хотира бўлиб қолган қилинч эди. Таклирни қарангки,

ўша фурсатда шахзода бу қилинчи Танбалга бергиси келмаган эди. Нимага бергиси келмаган ўшанда ўзи бу холатнинг сирини билмаган эди. Аммо қалбида ижирганиш пайдо бўлганди. Шу фурсатда ўша воқеани эслашга Бобурда имконият йўқ эди. У шониниб Хокон аригини (катта сув оқалиган сой асли) қичик жойидан ўнуб ўш сари йўлга тушди. Ёв кўлига асир тушганлар қолдилар. Ўк еб ярадор бўлган бир неча қилинчлар ва Бобурнинг шахсан ўзи катта ташвишлар билан ўш сари қириб борилди.

Орадан икки кун ўтди. Бобур ўшдан Андижонга қараб келди. Бу вақтда хонлар (катта хон тоғаси ва қичик хон тоғаси) Танбалнингдан тушиб, Андижон яқинига келишганди. Катта хон сайхонлик ёнида Қўштегиримондаги Эсандавлат бетим (Бобурнинг катта онаси) боғига тушганди. Қичик хон шу манзилдаги сал наридаги Бобо Таваккул зиёратгоҳида эди.

Бобур аввал катта хон хузурига борди. У жиянини кўриши билан кўлга қиритилган жойларни қичик хонга берганини айтди. Гап орасида Бобурга айтган узри шу бўлдики, “Шайбонхондек фаним қучаймоқда. Самарқанд унинг кўлида. Шунинг учун Хўжанд дарёсининг жанубий вилоятлари Андижондан бошлаб қичик хонга, Ахсидан бошлаб Хўжанд дарёсининг шимолий вилоятлари сизга, шахзодам! Сал ўрналишиб олайлик, Самарқандни олсак, сизга берамиз,” дейди. “Ундан сўнг Фарғона батамом қичик хонники бўлади”.

Бу катта хоннинг тўё шахмат ўйинидаги ўзгача қилаётган “дакировка” — хийлаеси эди. Бобурнинг ота мерос мулкани қичик хонга бериш билан хийла тинч тарафларни ўз уқасига, серғалва томонларни жиянига “мана сенга, кўлингдан келса бошқар”, дедимокда эди.

Бобур нима ҳам дея оларди. Чорасиз эди. Хукмдор катта тоғаси шундай деб тургандан кейин кўнмасдан илож йўқ эди. Исир-истамас тоғалар кўлига қарам бўлиб қолган жиян бу таклифга кўнишга мажбур бўлади.

Бу тапларни эшитиб турган Саллоҳ лақабли бети Камбар Али секин Бобур ёнига келиб:

— Кўрдингизми хазрат, дарҳол ўз кўлларида киритган иншоатларини ўзларига олишди. Булар билан ишингиз юришмишди. Хали ҳам ўш. Маршлон, ўзган эгаланган. эл-улус кўлингида. Дарҳол бориб ўшга қирайлик. кўрғонларни беркитиб, Султон Ахмад Танбалга одам юборинг. Ярашиб мўғулни уриб чиқаринг-да, вилоятларни Танбал билан дўстона бўлишни олинг. — деди.

Бобур унга шундай жавоб қилди:

— Бунинг иложи йўқ. Хонлар туғушганларим. Буларга навқирлик қилганим Танбалга подшоҳлик қилганимдан ортик.

Камбар Алибек Бобурни ўз йўлига соломлади. Айтиб кўйиб бу гаплари хонга маълум бўлиб қолса, бир қори ҳол бўлишидан кўрқди шекилли, уч кундан кейин қочиб Андижонга Танбал тарафга ўтиб кетди.

Бобур катта хон дадаси олдидан чиқиб, қичик хон дадаси олдида борди. Хуши бошида бўлсада, оёғидати ўқ яраси азоб берганидан оксоқланиб юрар, ҳасса тўтиб олган эди. Қичик хон уни кўрибкок югуриглаб чиқди.

— “Иним, баҳодир бўлибсиз,” деди у шахзоданинг кўлидан тутаркан чодир ичига етаклаб. Чодир ичи кўримсиз бўлиб, бестартиб эди. Хон ўзи ўтирайдиган чодир ичининг бир томонига қовчи, узум уюлиб ётибди. Бир томонига эса от афзаллари. Улар тўшак устида ўтириб анча суҳбатлашдилар. Хоннинг “Иним, баҳодир бўлибсиз!” дегани Бобурга берилган жасорат, ботирлик унвони эди, ўша фурсатда. Бобур ростдан ҳам юрт учун олиб борилган бу жангларда мардлик намунасини кўрсата олганди.

Бобур қичик хон хузуридан чиқиб ўрдага келди. Унинг жа-роҳатдан азоб торгаётганини кўрган қичик хон шахзода ортидан Атика бахши исмли жарроҳни юборди. Мўғуллар ўша вақтда табиб — жарроҳни бахши деб айтишган. У Бобурнинг ярасини кўриб туриб жун куйдириб босишни буюрди. Ичгани ўсимлик илдизидан тайёрланган дори берди.

Бахши, яъни жарроҳ Бобурга муолажа усулларини тушунтираркан жағи тинмасди:

— Бировнинг интичка пойчаси синиб, бир тутамча ери май-да-мида бўлиб кетибди. Этини ёриб, суякларини олиб ташла-ди. Суяк ўрнига дорини ун қилиб солдим. У дори суяк ўрнида буюкдек битди. Оёғи соғайиб буюкдек бўлиб кетди.

Бобур жарроҳнинг сўзларини мулоҳаза қиларкан, бундай да-волаш усуллари вилоят табиблари кўлидан келмаслигини ўйлар, шунда “қани эди, шундай билгимдон жарроҳлар кўп бўлишса” дея фикр қиларди.

ШАЙБОНИЙ ХОННИНГ “БОРАШМАН” ДЕГАН СЎЗИ, ТАНБАЛНИНГ ХОНЛАРНИ ТАЪҚИБ ЭТИШИ

Андижон агрофида жойлашган хонлар кенгашадилар. Кен-гаш қарорига биноян Бобурга лашқар бириктирилади. У Аҳсини нишол қилиши, хонлар эса Андижон кўрғонини камал қилишга келишадилар. Бобур ўзига бириктирилган лашқарни Аҳси сари бошлаб йўлга тушади. Ўша пайтда Аҳсида Танбалнинг иниси Шайх Боязид бошлик эди. У ақасининг маслаҳати билан Бобур га тарафдорлик билдириб (хйла йўлида) одам юборди. Бобур бунинг хйла эканлигини билсада, яна бир кўнгити Шайх Боязид мен томонга ўтар деб ўйлайди ва унинг тақлифига рози бўлади. Шу билан бирга бу ишдан хонларни хабардор ҳам қилиб қўяди. Хонлар: “Борсин, нима қилиб бўлсада Шайх Боязидни тутсин,” деб тайинлашади, ўзлари Андижон кўрғонини камал қилишга киришадилар.

Бобур бошчилигидаги мўғул кўшини Аҳси агрофларини та-лон-торож қилишга киришадилар. Бобур ўзи юздан ортик қи-пси билан Шайх Боязид аҳди ва шартга биноян Аҳсига кириб борди. Боязид шахзода истикболга чиқиб уни иззаг-хурмат билан кўтиб олди. Иниси Носир Мирзонни ҳам олиб келган бўла-ди. Ташқи кўрғондан Бобурнинг отамерос иморатлардан бирига жой тайин этган бўлади. Бобур ўша жойда кўним топади.

Бобур катта лашкар билан Ахсини кўлга олиши, Бозидни осонликча кўлга тушириши мумкин эди. У келишиб кўннини учун ундай қилмайдди. У ўз ахдини бузишни ўзинга номуносиб ишнинг одаг ва усуллимиз эмас эди. Алагхусус, орада ахд бор эди, деб ёзган эди.

Худди шу вақтда Танбал Шайбоқхонга акаси Бек Телбонни юборди. У акаси орқали ўзининг Шайбонийга итоатда эканини билдиради. Яна айтдики, тезда ёрдам кўлини чўзмаса, Андикон кўлдан кетиб қолишни маълум қилади. Шайбонийхондан Танбалга хат келади. Хатда биргина сўз ёзилган эди. Яъни “Борайшман”. Бу сўз Танбал одамлари томонидан тезда атрофда деган гап-сўз таркайди. Дагдага маъносини тўла ифодалагани бу сўз Андиконни иштол қилиш арафасида турган Бобурнинг тоғалари катта хон ва кичик хоннинг юрагига кўрқув бўлиб чўкади. Домо тахликада яшаётган, Шайбонийхоннинг кучайиб борганидан хабардор ака-ўка хонлар типирчилашиб қолди. “Борайшман” сўзи худди қилгич ўйнатиб Шайбонийхон келиб қолгандек туюлади. Улар Андиконни ташлаб кўч-кўрғонни, қанча лашкарини эргаштириб йўлга тушадилар. Кичик хон янча адолатпеша инсон эди. Мусулмончилик удумларида қатъий амал қилар, одамларга шафқатли бўлган. Лекин аскарлари, айниқса ўш ва Марғилонга кирган жангчилар эл қутган ишни қилишмади. Олдий халқни талаб зулмини қучайтирдилар. Натнжада, ўш, Марғилон эли хонлар Андиконни ташлаб кетишгач, уларнинг ҳамма одамларини “ур қалтак – сур қалтак” қилишиб юртдан хайлаб чиқардилар. Чунки эл-улус ўз бошига тушган бу бесаранжомликлардан тўйган, Танбал зулми, хонлар зулми уларни жонидан тўйдирган эди.

Хонлар Марғилон Қонибодом орқали (Бобур “Қандибодом” деб ёзди) ортига қайтишди. Танбал уларни изма-из Марғилонга тача таяқиб қилиб борди. У шу фурсатда урушсиз улар устидан ғалаба қозонган эди. Шайбонийхоннинг “Борайшман” деган жи-

рагидор сўзи катта кучга эга эканлигини хис қилар, бир қилгич қолмасдан ғолиб бўлганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Шундан-ми отнинг устида елкаларини кериб туриб қичқираб, қичқирити кенгликлар узра янграб опислардан акс-садо бергандек бўларди. Мулозимлари у хар қичқирганда сардорининг бу хурсандчилигини дон ўзларича қулмсираб қўйишарди.

Бу вақтда Бобур Бозид тайин этган жойда эди. Отасидан қолган биноларга назар солар, отасини эслар, барваста гавдаси, кўркам чехраси кўз олдига жонланар экан, ўзини хўрсиникдан тилмасди. Лекин ўзини хушёр тутар, қандай воқеа содир бўлинидан қатъи назар тараддулда эди. У хонларга нисбатан ишончининг йўқотган, улардан яхшилик келишига кўзи етмас эди. Танбал жўнатганми, укаси Жаҳонгир Мирзо Марғилондан келиб қолди. Ака-ўка кўришишди. Шу пайт Шайх Бозид ҳам кўрқув, ҳам ғалати бир ҳолда, безовта кўринишда, эсанкираган тарзда шахзода қаршисида пайдо бўлди.

Бу вақт Бобурга бириктирилган Аҳси кўргони атрофини талон-тороқ қилаётган лашкар хонларнинг йўлга чиққанини эшитиб, лашкар бошлиғи билан хонлар ортидан эргашган эди. Бобур Аҳси кўргонидан бор-йўғи юздан ортик киши билан қолган эди. Қолган воқеалар асар бошида тасвирланган тарзда давом этди.

Боки Бобурга келиб қўшилгандан бошлаб унинг гашига тета бошлади. Бўлмаса Бобур унга эрк-ихтиёр берди. Қандай сўз айтса, нима иш қилса унинг сўзи сўз, иши иш бўлди. Бобур ундан бирор бир химмат ва хизмат кўрмади. У эса шахзоданнинг подшоҳоздалигидан фойдаланиб нима қилса қилди. Лекин қайтими-та истаганча адабсизликлар этди. Ўрни келиб қолганда эса уни ноқулай ахволларга солди.

Боки хасис одам эди. Шу билан бирга акасидан ўтганми, ичи қоралиғи ҳам бор эди. Термизни ташлаб чиқиб Бобурга қўшилганда кўл остида ўттиз-қирқ мингта етар даражада кўйи бўлган. Шунча кўйи бўла туриб, Бобурнинг навқарлари очликдан силдаси қуриса ҳам пода-пода кўйларини улар олдидан хайдатиб борарди-ю, аммо “битта-дримтасини олинлар, сўйиб фойдала-

нинлар”, демасди. Бобур ҳам индамасди. У шунчака бир инсон эдики, кейинчалик “Вақоънома”сида ёзганидек, Бобурни подшоҳ қилиб кўтарганига қарамай Боки – ногорасини ўз эшигини чақдирарди. Боки Чагонийний ана шундай инсон эди. Ҳеч қим билан самимий эмасди. Ҳаммани ёмон кўрар, ўзидан саг устунроқ қимса бўлса, ундай одамни ҳеч кўролмади. Даромад мановлари кўп бўлишига қарамай шукур қилмас, ҳар сония бойлигини яна кўпайтирсам, дер эди ҳолос. Бобур орқали ва унинг обрўини билан талай бойликларни кўлга киритаётганига қарамай донми уни ташланттирар, ноз қилиб тез-тез “кетаман” деб қоғарди. Бўлмаса энг қатта мансаб – эшиқоғалик ҳам Бокига бериб қўйилган эди. Шунга ҳам шукур қилмас эди. “Кетаман,” дер, Бобур уэр айтиб йўл бермасди. Чунки унга ҳам бадфеъл бўлсада шундай одам керак эди. Сийсат учун у шунга мажбур эди. Лекин Бокининг бадфеъли Бобурнинг жони-житига тегди. У ўшандай “кетаман” деган сўрволардан бирита индамали. Энди чидашга чегара қолмагани. Қелиб Бобурга кўшилганда ёз бўлса, ўшандай ёз қулнирининг бирита унга Мирзо руҳсат бериб юборди.

— Хукмдорим, — деди Боки қийик кўзларини ер остидан подшоҳга тикиб, овозига ялтинганмо оҳанг берган бўлиб. — Ижозат берсангиз кетсам.

Улар Хубён довоида ёнма-ён юрганларидек яна ёнма-ён боришарди. Бу гап Боки қора тўриқда эмас, саман қапқада, подшоҳ эса тим қора утқур бедовда эди.

— Ҳа, лаббай, — деди Бобур ўйчан ҳаёлларини йиғиштириб, — Нима дедилар...

Демак, Бобур Бокининг одағдаги сўровининг маъносини тушулган эди. Боки Чагонийний подшоҳ ҳозир яна “йўк, юриб туринг”, дейди деб ўйлади. Бобур унинг оқишдан келган салқи, хом семиз юзига қаради. Жавоб олмай, — “Хўп, майли боринг”, — деб қўшиб қўйди ва ўз отининг қорнига ниқтади. Тулпор шитоб илгарилди. Боки ортда қолди. Қосимбек отини елдириб подшоҳнинг ёнига етиб олди. Энди улар икковлон ёнма-ён олдинги сафда кетишарди. Отлар ўйноқлаб йўртиб бораркан, Бобур

ни садокатли бек ўзаро ниманидир муҳокама этишар, Қосимбек бошини силжитиб, тасдик маъносини билдирарди. Бобур ортда қолган Бокига бир қараб қўйди. Қарадино, Дуки кетидан ўтиб Чунинг Ҳиндистон нияти билан отланилган қушлар эди. Синд дарёси киргоқларида талай-талай юрлар ортда қолдирилиб, олдинга қараб юриларди. Отларга емиш кўп эди. Дарёдан Пир Коңу сари юрилгандан сўнг ахвол ўзгарганди. Қўқалмазорлар тутаганди. Отлар энди оч қола бошлаганди. Лашкарларнинг отлари очликдан силласи қуриб, юришга мажоли қолмасди. Кўп навқарлар отларини ташлаб, уловсиз юришга мажбур бўла бошлаганди. Уловсизлик оқибатида Бобур ҳам йўлда чодирини ташлаб кетишга мажбур бўлганди.

У пайтлари одаг шунчака эди. Ҳарбий ҳаракатда ҳар қим ўз қолига ўзи қуонарди. Бу подшоҳ, бу лашкарбоши, деган гаплар йўқ эди. Лекин берилган топширик бажарилар, ёки шу йўлда жондан кечиларди. Бобур лашкарлар орасида шундай тартиб ўринлиб олганди. Унинг кейинги пайтларда кўлга киритаётган мунафакатчилари ҳам шу туфайли эди.

Ўшанда тунда ёнғир ёққан эдики, чодир ичидаги суя чакка ўтганидан тўпикка чиққан эди. Шунда Бобур ухлай олмаган. Ўғилларни чакка ўтмаган жойга тахлаб, баланд қилиб унинг устида ўтириб чиққанди. Манақатлар билан тонг оттирганди. Ҳанда яққи бор қўнилгандан кейин Жаҳонгир Мирзо келиб акаси қулоғига:

— Ҳилватда айтадиган гапим бор, — дейди.

Бобур:

— Хўп, яхши, — дейдию уқасини четроқка бошлайди. Жаҳонгир Мирзо акаси қулоғига:

— Боки кеча подшоҳни етти-саққиз киши билан Синд дарёсидан ўтказиб юбориб, сизни подшоҳ қилиб кўтарайлик деди, мента — дейди.

Бобур:

— Бу кенгашда қимлар бор эди? — деб сўрайди.

—Менга бу гапни Бокибекнинг ўзи айтди, — деб жавоб қилди Жаҳонгир Мирзо.

Бошқаларни билмадим. Афтидан Сайид Хусайн Акбар ил Султон Али чухра, яна Хусравшоҳнинг бек ва кичик беклари, йилит-яланглар борга ўхшайди. Ўзингиз бир текшириб кўрини.

Бобур шунда тутишганидан ич-ичидан миннатдор бўлганди. Жаҳонгир Мирзонинг бу иши акасининг уни Коҳмардда бу бадбахт, итво ва фасодчи Бокибекдан химоя қилганига чин укалик — жигарлик жавоби эди. Ўшанда Бобур асли қаслига тортувчи бу иблиста нисбатан хушёр бўлиш зарурлигини яна бир бора сезгани ва мулоҳаза қилиб кўйганди. Мана энди вазият етилганди. Бобур ўша Жаҳонгир Мирзо билан бўлган хилват суҳбатни ўйларкин, дабдурстдан деди:

— Кетасизми?

Бобурдан бундай кескин жавобни кутмаган Бокининг рағбти қув ўчганди. Энди кеч бўлганди. Подшоҳ унга рухсат берганди. Кетиши керак эди у. Лекин у кетишни хоҳламасди. Хоc кишини чакириб “подшоҳ менадан тўққиз гуноҳ содир бўлмагунча жазоламайман, дея шарт қилганди. Бор айт, шу шартда турсуни”, дейди. Бобур Мулло бобога Бокининг ўн бир гуноҳ содир этганилигини бирма-бир айтиб, “энди кетсун, жавоб,” дейди. Боки кетишга мажбур бўлади. Уни ажал қувган эканми, подшоҳ Бобурдан айрилгандан кейин ҳеч қанча ўтмай ўлимга мубтало бўлади. У хулқи ёмон бўлсада, Бобурдан ёмонлик кўрмай жони омондиди юрган эди. Ажрашдию, ўзининг ёмонлиги бошита етиб, ажалга рўбарў келди.

ЙЎЛТЎСАРЛАРГА ЖАВОБ ЖАНГИ

Хусравшоҳнинг укаси Боки Бобур Мирзо Аму ёқасига келиб кўнганда кўшилган эди. У акаси Хусравшоҳдан ҳам ўтган ўта сур, очкўз беклардан эди. Бобурга келиб кўшилиб, унинг барча инон-ихтиёридан унумли фойдаланишга киришадди. Ёш,

очиккўнглил шахзода унинг инжиқлиқларидан “хўп,” деб индамай юрaverади. Хасис, дағал, хасадчи, ичикора, бировни кўролмайдиган бу одам Бобур ёнида юриб эрк-ихтиёри баланд қилишга айланиб олади. У Термизни ташлаб Бобурга кўшилганида ўзи тахминан ўттиз-қирк минг кўйга эга эди. Бобур Қобулни эгалдлагач, Қобулдан тушадиган даромаднинг ҳаммаси, савдогарлардан олинадиган божгача уники эди. Қобулнинг қалғабетилити ҳам унда эди. Панжхир, Қадий, Хазора, Кўшкак, Эшикоғалик мансабдорини ҳам эгаллаб турарди. Бобур буни билиб турса ҳам индамасди. Кенглик қиларди.

Бокининг инжиқлиқлари кундан кун орттиб кетади. “Мен кетай, хужмдорим!” деб рухсат сўрашдан тийилмай қолади у. Охири Бобур юкорида айтганимиздек рухсат беради. Чунки унинг фитналари кўпайиб шахзодавинг анчайин жигибийронини чикарган эди. Аммо Боки рухсат сўраганига душаймон бўлди. Энди кеч эди. Ўзининг бир неча навқари уни одамлари билан Хайбар деган жойдан ўтказиб қайтишди.

Боки Гогйеннинг қарвонига кўшилиб, Нилгобни кечиб ўтади. Хусайн Дарёхон Качақотда эди. Иши йўл тўсиш, мол талаш эди. Бокининг хабарини эшитиб, йўлини тўсиб чиқади. Боки билан боранглари ўраб олади. Бокини ўлдириб, хотинини олади. “Биз Бокига ҳеч ёмонлик қилмаган эдик, — деб ёзади Бобур шу ерда. — Лекин у ўз ёмонлиги қасрига қолиб, ажалга мубтало бўлди.”

Боки билан боғлиқ воқеалар шу ерда етганда ўз ниҳоясига етди.

Қиш қилишгани қила бошлаган. Қор ёниб атрофни оқликка ўраган. Бобур Қобулдаги чорбоғда эди. Хижрий 909 йил қишининг яхши келиши унинг қайфиятига таъсир этган дамлар. Ўтириб Қобулга келиш жараёндарини эсга оларкан, хаёлига туркман жангариларининг бир неча бор кўрсатган бедабликларини эслади. Улар Бобур билан бирга келаётганларга кўккис-кўккис хужум қилиб роса унинг асабига теккан эдилар. Шулар хаёлидан ўтаркан, шу қишнинг очик хавосида уларга хужум қилиб, ўша қилгиликларининг ҳисоб-китобини қилса бўлмайдимми? Бу савол

уни жонлангирди. Эртаси эрталаб бир кисм лашкарини йўлга хозирлик кўриши хақида амр этди.

Суворийлар Бобур бошчилигида йўлга тушдилар. Максали туркман хазорасини талон-торож қилиб адабини бериб келиши эди. Дарайи Хуш оғзида — Жангалакда хужум бошланди. У муваффақиятга эришти. Хазора кўп бўлмасада, оз-моз таланди.

Дарайи Хуш яқинида бир гор бор эди. Суворийлар хужумини дош беролмаган бир гуруҳ хазора шу горга чекиниб яширинишди. Бобур билан кўп жангларда бирга бўлган (шахар харибий бўлим бошлиғи) кўрғонбегиси бор эди. Исм^и Шайх Дарвеш кўкалдош бўлиб, ёни отишга жуда уста эди. Ёни кучли тортиб, ўкни нишонга беҳато отарди. У ўша горнинг оғзида билмасдан яқинлашиб қолади. Ичкаридан бир хазора унинг кўксини мўлжаллаб ўк отади. У отдан қуламаган бўлсада, ўк беҳато теккани учун кечга бориб жон таслим қилади. Ўкни беҳато отадиган мерган жангчисининг бир хазора отган ўкдан ўлганига Бобур қайуради. Илож канча, жанг қурбонсиз бўлмайди-да. Такдир — унинг қисматига шу битилган экан.

Дарайи Хуш ғалати жой. Даранинг киравериши — оғзида тоғ тошлари торайтириб қўйган дара жойлашган. Йўл тоғнинг қок беллида. Куйи тарафи тик қоялардан иборат. Юқори кисми эсаняда ноқулай, юрчиб ўтиш қийин бўлган йўл бор. Огликлар бу йўлдан битта-биттага ўтади. Ўтишда эҳтиёт бўлишга тўтқи келади. Шундай қилинмаса халокат содир бўлиши мумкин.

Улар тор тоғ йўлидан ўтиб, (куёш боғишга яқин) икки намоқ орасича вақтда тепада қулай бир кенгликда тўхташди. Суворийлар каердандир хазоранинг семиз бир туқсини тутиб келишди. Дарҳол уни сўйдилар. Хамма оч қолганди. Бир кисми, агрофидан топиб келинган ўгинни ёқиб, унинг чўтида кабоб қилишди. Бир кисми тарқатилди. Бобур туянинг эти мазали бўлишини билмаган эди. Роҳатланди. Айримлар уни кўй тўшгидан фарқ қила олмадилар.

Эртасига эрталаб хазоралар қишлоғатган манзиллар сари йўлга тушдилди. Йўлда бир одам дуч келиб: “Бир тор жойда хазора-

лар сув кечигини шох-шаба билан тўсий қўйишган. Қочмоқчи бўлганлар билан урушмоқдалар”, деди. Буни эшитган захоти Бобур отини жадаллатди. Суворийлар унга эрталдилар. Бир оз йўл юрилгач, хазоралар урушаётган жойга етишди.

Қор кўп ёққан эди. Қолаверса, йўлни аниқлаб олиш ҳам қийин эди. Йўлдан чиқилса юриш қийинлашарди. Тақоб сувининг кирғоқлари бутунлай музлаган. Қор, дарё кирғоқларининг музлагани сувдан ўтишни қийинлаштиради. Сув тўсий қўйилган. Кечувда сув тўшланган, ўтиш оғирлашган. Қирғоқда отлик ва яёв қолда жанг қилишарди.

Бобурнинг эътиборли беқларидан Муҳаммад Али Мубашширбек мард йилгилардан эди. У илгарига кетади. Биқинини мўлжалга олиб ўк отишди. У ўша захоти жон таслим қилди. Бобур буни кўриб, бошини сарак-сарак қиларкан, дабини қаттиқ тишлади. Шошилгандан совут қийилмаганди. Шу ҳолатда бир-икки ўк наҳзоданинг бошидан визиллаб ўтди. Ёнида кетаётган Аҳмад Юсуфбек таъвишланиб: “Яланғоч (дубулга йўк демокчи) жангга кириб боряписиз. Икки-уч ўк бошингиздан ўтди.” деди. Бобур унга: “Сиз мардона бўлинг. Менинг бошимдан бунақага кўп ўтган,” деб жавоб қилди. Шу пайт Қосимбек совутга билан сувдан кеңиб ўтиб от солган эди, хазоралар қочишга тушди. Урушаётган Бобур йилгилари уларни асир ола-ола қочанлар ортидан қувиб боришди. Шу жойнинг ўзида Бобур беқларидан Қосимбек, Хотам, Кепакларни кўрсатган жасоратлари учун тақдирлади. Хотамга Шайх Дарвеш кўкалдошнинг мансаби — кўрғонбегиликни ниньом қилди. Ўлганларни махсус гуруҳ йўл-йўлақай дафн қилиб борди. Улар кўй-йилкиларга мўл хазора қишлоқлари сари кириб боришди. Қув кеч бўлди. Сўнг ортга қайтишди. Йўлдаги қишлоқда хазораларнинг уйларида тушни ўтказишди. Қор қалин эди. Отнинг қорнигача чиқарди. Кечаси кўриқчиликда турганлар тонг отгунча от устидан тушмадилар.

Эртаси эрталаб барвақт қайтишди. Дарайи Хушнинг ичиди хазоралар қишлоғида тўхтаб, ундан Жангалакка тушди. Бобур Ёрак тағойи ва баъзи бир беқларга “Кеча Шайх Дарвешни ўл-

дирган хазорагаларни жазоганлар,“ деб буйрук берди. Улар ҳамон гор ичида эди. Беклар бориб ўт ёкиб, гор ичига тутун хайдашди. Ундан ташкарига қочиб чиққан етмиш-саксон хазора кўлга олиниди ва жазога мубтало бўлишди. Улар хазора юришидан кейин — Низровдан мол йиғиб олиш учун Борон Сайхонлигининг пасти Ойтўғди туПРОги сари йўлга тушдилар. Бобур Ойтўғди ерида эканида укаси Жахонтир Мирзо у билан кўришгани келди. Шу ерда анча вақтдан бери кўришмаган жигарлар бирта бир дастурхон атрофида ўтиришга муаяссар бўлишди. ✕

СУЛТОН ХУСАЙН МИРЗОНИНГ ШАЙБОНИЙХОНГА ҚАРШИ ЮРИШ ТАРАДУДИ ВА БУ ЮРИШ НАСИБ ЭТМАЙ ТАНГРИ РАҲМАТИГА БОРИШИ

Хазора юришидан кейин Бобур хасталаниб қолди. Анча дард тортди. Шунга қарамасдан у атрофга диққат билан қудок тутар, воқеалар ривожини қандай бормоқда. Айниқса кундан кун қучайиб кетаётган Шайбонийхондан келаётган хабарларини эшитиб хушёрлиги ортиб бораётганлиги. Низров дараларидан Пижронда Файн кентининг бошлиғи Хусайн Файнинг ака-укаларини атрофига йиғиб олиб Бобурга нисбатан итбатсизликдан эди. Бу Бобурнинг ғашини келтирарди. Шунинг учун кунлардан бир кун иниси Жахонтир Мирзони лашкар тортиб уни тартибга чақириб кўйишга тоборди. Қосимбек ҳам ўз лашкарларини олиб у билан борди. Улар қуч билан ёвни енгилди, итбатсизларини бўйин сундиришди.

Бобур шу киши Бўстонсаройда яшади. Сотайганидан кейин чорбоқка чиқди. Жахонтир Мирзо акаси билан кўришгани келди. Аммо унинг чеҳрасида самимийлик йўқолгандай эди. Бунга сабаб Бобурга қарши фитна уюштирувчилар уни йўлдан уриштиришган, бу сир фоти бўлиб қолганлиги. Аммо Бобур бунга эътибор қилмади. У бир неча кун шу жойда туриб кейин қуролланган бўлди. Жанглар уюштиргани Фазна тарафга қараб кетди.

Мана шу дамларда Шайбонийхон қучайгандан қучайиб борди. Самарқанддан чиқиб бориб Хоразмга ўн ой камал уюштирди. Бу камал жараёнида жуда кўп урушлар бўлиб ўтди. Хоразм йиғиллари унга қарши мардоналиклар кўрсатишди. Хар бир жангги режа билан ахилликда олиб боришди. Айниқса, ўқотарлик масаласида ўзларининг махоратларини мунгазам намойиш қилдилар. Уларнинг махорат билан отган ўқлари қалқонларни тешиб ўтар, отган ўқларига совутлар, хатто икки қаватли совутлар ҳам дош беролмай тешилиб кетар, душман ер тишлаб қоларди.

Бобур бу ерда ўзи бўлмаган бўлсада, махсус одамлари орқали маълумотлар олиб турди. Бўлиб ўтаётган воқеалар унга беш кўлдай маълум эди. Ҳаммаси иқир-чиқиргача унинг кўз олдидан ўтиб турарди. Шунинг учун ҳам у Шайбонийнинг Хоразмни қамал қилишини ўз асарига батафсил баён қилдики, худди унинг ўзи ўша жойда бордай тасвирлайди.

Жанг давом этаркан, баъзи йиғиллар юраксизлик қилади. Шу кўржоллар, қолаверса кўржолларга шерик бўлиб қолган сотқинлар (Шайбонийхон урушда қарши томон сотқинларидан ҳам унумли фойдаланган) ташқаридан ёрдам бўлмагач, чидамсизлик қилишиб душман билан келишди ва кўрғонни очиб беришди. Ёвни кўрғонга киргиздилар. Бу хийнатга Хоразм фарзанди — мард инсон Чинсуўфи чидамайди. Бир ўзи душманга ташланади. Жаҳл билан Шайбоний аскарларини ер тишлатишга қиришади. Уларни отдан уриб туширар, тўғри келган ерига қилич соларди. У ўзи яққа душманга ташланиб турган бир пайтда ўз танкўриқчи си орқасидан унга камондан ўк отади. Чинсуўфи ерга қулайди. Майдонда ёвга қарши бирор киши қолмайди. Душман кўрғонни тўла эгаллайди. Бобур худди шу жойда “Бобурнома” да “Чинсуўфига раҳмат. Мардоналик билан жон чекиб бирор даҳзани беқор кетказмади,“ деб ёзади.

Шайбонийхон Хоразмни ана шундай жанглар қилиб эгаллайди. Уни Кўпакбойга бериб, ўзи Самарқандга қайтади.

Шу пайтларда Султон Хусайн Мирзо Шайбонийни даф қилиш кераклигини, йўқса, эрта-индин унга ҳам ташланиб қолшини

тушуниб этади. Тайёрарлик бошлашга киришади. Барча ўтигла-рини хузурига чакиради. Бобурни ҳам Сайид Султон Али Хоббининг ўгли Сайид Афзални юбориб чакиртириб келади. Илгарини сафарда “сен мана бу кўргонни, сен ана бу кўргонни химоя кил, битта-биттадан химоятга ўтиш” деган Хусайн Бойкародан Бобур хафа бўлган эди. Бу таг кучлар бирлашгаётганидан у хурсанд бўлиб, “Хуросон томонга юрмок, бизга бир неча жихатдан лозим бўлди,” деб ёзаркан, “Биринчиси”, дейди: “Султон Хусайн Мирзодек Темурбек (Амир Темур димокида) ўрнқда ўтирган улуг подшоҳ кўшин тўллаб, теварак-атрофдати ўтиглари ва бекаларини чакиртириб, Шайбонийхондек ганимининг устига юриш килганда, эл оёги билан борганда, биз бош билан боргаймиз, эл таёк билан борганда, биз тош билан боргаймиз. Иккинчиси: Жаҳонгир Мирзо бундай кек ва ёмонлик билан кетдики, ё кекини баргараф, ё зарарини даф килгаймиз”.

Бобурнинг сиёсий манфаатлари ана шу икки сабабга мужаб-самлашган эди. Бу сабаблар ўша давр сиёсатида Бобур учун мухим бўлиб колганди. Афсуски, Султон Хусайн Мирзо Самаркандга Шайбонийхон устига ҳамма ўтиглари ва Бобур кўшинларини бирлаштириб, темурийзодалар бошини энди бир килиб кўшин тортиб бораркан, Бобо Илохий деган манзилга етганда кўккисдан вафот этади. Бобур бу вақтда ўғрий ва Дахона деган жойда эди. Сайид Афзал ва Султон Муҳаммад дўлдойдан унга шу хуусда хат келади. Бобур энди дафн маросимига Хиротга караб отланади.

Подшоҳ вафот этгани, ўрнита фурсат ўтказилмасдан дарҳол шох тайинланар эди. Султон Хусайн Мирзо ўрнита ўтиглари Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Мирзони Хирот тахтинга шериклик подшоҳ килиб тайинлайдилар. Икки шох бўлгани учун сарой амалдорлари ҳам иккитадан сайландилар. Бу кизик воқеа эди. Хеч замонда бўлмаган иш эди. Подшоҳлар тарихида шериклик ходисаси бўлмаганди. Бобур таажжубланиб, Шайх Саъдийи сўзининг акси бўлибди-ку, деганди ўшанда. Саъдийи “Тулкитон” асариди: “Ўн дарвеш бир гиламда ухлайдилару, икки подшоҳ бир

иккимга ситмайди”, деб ёзган эди. Хуросон ва Мовароуннаҳр деган кенгликлар арининг уясига айланган бир пайтда бу ростдан ҳам кизик воқеа эди.

Бобур раҳматли Султон Хусайн Мирзони жуذا хурмат киларди. Чунки Темурий подшоҳлар ичида факатгина у узок йиллар мамлакатни бошкаргани, Темур тахтини мукалдас билб, уни обод, халкни тинч-осойишта, фаровон хаётда ушлаб турганлигидан мамнун эди. Шунинг учун ҳам у ўз асаридида унга катта саҳифа ажратади. Унинг таваллуд ва насл-насабидан тортиб, шакл ва шамойили, хулқи ва фель-атвори, жангу жадаллари, вилоятлари, авлоди, хотин-халажлари, амирлари, садрлари, вазирлари, шонрлардан, ҳамма-хаммаларини тилга олиб ўтади. Уларни ёзаётганда факат адолат билан, икки-чирларини эътибордан колдирмай ёзади. Бобур ёзган хар бир сўзда факат ростўйлик тантана килиб туради. Бобурнинг ана шу рост сўзлари туфайли биз бугун ўша кишиларни кўрамыз, таниймиз. Уларнинг бори киёфалари кўз олдимизда жонли тавалланиб туради. Бу энди Бобурнинг улуг инсон, инсон бўлганда ҳам Тангри берган катта истегдолга эга ёзувчиликдандир. Каранг, Султон Хусайн Бойкаронинг киёфасини кўринг: Кийик кўзли, шеркелбаг киши эди. Белидан пасти ингичка эди. Улуг ёшга етиб соқоли оқарган бўлсада, хушранг, кизил-яшил инак матолардан кийим киярди. Қора кўзи терисидан килинган бўрк ё калпоқ киярди. Ахён-ахён йидларда (хайит байрамларда) кичик уч ўрама салгани яп-якси чирмаб, қарқа патини санчинб, намозга борарди.

Бу энди Хусайн Бойкаронинг ойнада акс этиб турган ёрқин сиймосидир. Бунака тасвирини ўз ишига меҳр кўйган, ижодга мухаббати беҳад энёда, истегдолли инсонгина ёзиши мумкин. Шундан ўзга бўлмайди.

Энди характерини тасвирашни бир кўриб кўйинг: шиқоатли, мард киши эди... Темурбек наслидан хеч кимнинг Султон Хусайн Мирзочаллик килич чопшани мавлум эмас. Назмий истегдолди бор эди. Туркий тилда ёзарди. Девон ҳам тартиб килиб эди.

Ха, Бобур бу ёзганлари билан нега асрлардан бери ҳам ўзини, ҳам замондошларини авлодларга таништириб келяпти. Бу албатта, унинг бахти. Бу бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бобур ана шундай толега эга шахс, шoir эди.

БОБУРНИ ХИРОТНИНГ ЭНГ УЛУҒЛАРИДАН ЯНА БИРИ – АЛИШЕР НАВОЙИНИ УЛУҒЛАГАНЛИГИ

Бобур Султон Хусайн Бойқароннинг амрлари хақида сўз юритар экан, Алишер Навоийни алоҳида эхтиром билан тилга олади. Навоийни Хусайн Бойқароннинг бети эмас, суҳбатдоши деб янада улар бир-бирларига якин бўлганини айтиб, мактабда ёшлтигидан бирга ўқишганини эслатиб ўтади. Бир кўчада, деярли бир хонадонда бирга унғайишди. Улар камол топиб борган мухит, адабий-илмий давра эди. Замонасининг етук олимларидан сабоқлар олишгани учун Худо азиз этган бу икки инсон даврининг пешкадам фарзандлари сифатида кейинчалик миллат маънавияти равнақига муносиб улўш кўшиш бахтига сазовор бўлдилар.

Бобур ёзар экан, Хусайн Бойқаро шахсига оид яхши сатрларни кайнок сўзлар ила самимий таъриф этдики, бундан ўзи ҳам кo-никиш хосил этди. Навоийга келганда янада чуқурроқ мулоҳазани берилди. Ҳозир деда у ўзинга-ўзи: “Тўққиз юз ўн биринчи (1505–1506) йил воқеаларини ёзаялман. Илгариги йил воқеаларини ёзганида Алишербек хақида “Бу иккинчи навбат Самарқандни олганимизда Алишербек тирик эди. Бир навбат мента мактуби ҳам келган эди. Мен ҳам бир мактуб юбориб эдим: орқасида туркий байт айтиб, битиб юборим эдим. Жавоб келгунча талатўп-тавво тўполонлар бўлди,” деб эслайди.

Ушанда Бобур анча ёш эди. Шундай бўлишга қараман Самарқандни кўлга киритганди. Самарқандда бoбoси Темурубек тахтида юз кун подшоҳлик этганларини хаёлидан ўтказиб кейинроқ талатўп, тўполонлар сабабли ҳам Самарқанд, ҳам Андижон

кўлдан кетган эди. Ёшмасми, унга жуда ҳам алам қилганди. Шу даражада алам қилгандики, она ватаннинг кўлдан кетишидан вазиробланиб қалби дарзага келгандидан, ёшлиги боис озгина кўз ёши ҳам қилиб олганди. “Мента кўп отир келди, беихтиёр узок йиғладим,” деб ёзиши ҳам шундан эди.

Ҳозир Алишербекнинг энг муҳим, энг зарур хислатларидан қайси бирини ёзсам экан, деб мулоҳаза қилар экан, ўшанда келажак авлод бу ёзганларини ўқиганда бу зотнинг улўглигига тўғридан-тўғри таҳсинлар айтсин, бу улўғ инсоннинг авлиё даражасида бўлганлигига ҳеч шубҳасиз қойил қолсинлар, дея хаёлидан ўтказди.

Бобур қоғоз устида қаламни бир оз тўхтатиб турди. Кейин ёзишга киришиб кетди:

Алишербек кўп яхши хусусиятли инсон эди. Билмайман, илмга берилган бу инсонни Хиротнинг ўша вақтдаги ҳукмрони Султон Абусайд Мирзо ниматадир Хиротдан Самарқандга сурўн қилган эди. Навоий ўшанда ўсмир эди. Ёш бўлишга қарамай нозик мижоз, яъни ўзинга ишонганроқ бўлган. Одамлар бу назокатини давлатининг кўллигидан деб гапириб юришарди. Бу сифат аспиди унда тўема эди. Самарқандда сурўнда бўлсада шу нозик мижозлигини ташламаган эди.

У ўхшаши йўқ киши эди. Туркий тилда шеър айтарди. Туркий забон эди. Шуниси зўр эди. Туркий тил билан то шеър битибодиларки, ҳеч ким унчалик кўп ва яхши ёзган эмас. Олти маснавий (дoston) китоб назм қилган. Беш “Хамса” жавобиди, яна бири “Мантик ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” номли.

Энди Бобур ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб асарларни номма-ном санашга ўтади:

Тўрт ғазалнёт девонини тўзган: “Ғаройиб ус-сиғар,” “Наводир уш-шабoб,” “Бадойеъ ул-васoғ,” “Фавоид ул-кибар,” Яхши рубоийлари ҳам бор. Мавлоно Абдурахмон Жомийга (устoзи ҳамда пири хисoбланган инсон. Форсий адабиётининг энг улўғ шoirларидан) тақлид қилиб, иш учун битган хатларни китoб қилиб жамлаган. Яна “Мезон ул авзон” номли аруз китoбини бит-

ган. Форсий девон ҳам тартиб берган. Форсий назмда “Фоний” тахаллусини қўллаган. Муסיқада ҳам яхши оҳанглар яратган. Яхши нақшлари, пешравлари бор.

Бобур бу сағрларни қийналмай, осон ёзарди. Навоий ёзган бу асарлар билан у таниш бўлгани учун ҳам шундай эди. Навоий ёзган асарлар номи шундоқкина ёдига тушар ва тез қогозга муҳрланарди. Бобур Навоийга бўлган эхтиромини бир бошдан тилгалиб, қогозга муҳрлаш орқали яна бир бор изхор этарди. Барибир бу эхтиромлар ул инсонга нисбатан оздек туюлаверарди унга шу ҳолатда.

“Фазл аҳли ва хунар аҳлига Алишербеқчаллик мураббий ва хомийлик қилган. (Қошқи эди хозирги бизнинг янги бойлар буни англаб тушуниб етсалар, яхши ҳамки тепадан хукумат қилм-фанга хомийлик қилиб турибди.) Одам дунёда бошқа топилмаса кетарак, — деб ёзди Бобур давом этиб. “Созда пешкадам бўлган устоз Кулмухаммад, Шайх Нойи ва Хусайн Удий беқнинг тарбияси ва хомийлиги билан шунга қамол топиб, шуҳрат қозондилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида беқнинг сабъ-харакати билан маълум ва машҳур бўлдилар”.

Шундан кейин Бобур ёдига Алишер Навоий ўз маблагги хисобига бунёд этилган иморатлар келга боштади. Бу ҳақида Навоий тарбиясини олган Ёйсиқдин Хумомиддин ўғли Хондамир “Мақоримул-ахлоқ” асарида бағавсил ёзганини эслади. У шундай айтган эди: “Айниқса, — деган эди Навоий қурдирган биноларни бирма-бир тилга олиб, — “Ихлосия” мадрасаси билан “Халосия” хонақохи бино қилинган замондан то шу кунга қадар (“Мақоримул-ахлоқ” ёзилган вақт) йигирма йил мудат ичида дунёнинг ҳар тараф ва ҳар бурчагидан бу йкки муборак жойга минглаб талабалар келиб, оз фурсатда турли илм ва фанларни ўрганитишга муваффақ бўлиб, олқишлар ва макташлар билан ўз ваганларига қайтганлар”.

Бобур назарида Алишербеқ шунчалар кўп хайрли ишлар қилган эдики, бундай ишларга қамдан кам киши ултураар эди. Лекин у кишининг ўтиг-қизи ва аҳли аёли йўқ эди. Умрини авлиёлар

сингари танҳоликда ўтказганди. Авваллари Бойқаро хизматида (подшоҳ унинг яқин дўсти эди) муҳрдор эди. Астрободда ҳукмдорлик ҳам қилган. Охири амалдорликни тарк этиб, подшоҳдан (Хусайн Бойқаро) бирор нарса олмас, балки Хусайн Бойқарога ҳар йили (ўз даромадидан) йирик-йирик маблаглар ҳади қиларди. Давлати етарли эди.

Ўшанда Султон Хусайн Мирзо Астробод юришидан (у ердаги тўполоқни бостиригани борган) қайтганида Алишербеқ уни қутиб, истиқболга чиқарди. Мирзо билан кўришиб ўрнидан тургунча, бир мадорсизлик ҳолати бўлди, тура олмади. Кўтариб олиб кетдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Эртасига ёқ Тангри раҳматига борди. Сана ўшанда (миллдийда) 1501 йил 3 январь эди.

Бобур бу ҳолатларни гарчи ўзи кўрмаган бўлсада, эшитган, суринтириларидадан келиб чиқиб худди ўзи кўранддек қилиб ёзди. Хайратланарли жиҳати ҳам шунда эди. Кейин ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳолатига (умрининг охириги дақиқаларига) мос келувчи ушбу байтга қогозга муҳрлаб қўйди:

*Бу дард билан ўларман, марас чу зоҳир эмас,
Табиблар бу баъзога не чора қилгўйлар.*

БОБУРНИНГ ШОИР БИНОИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ЧИЗГИЛАРИ

Қадимдан шарқда илмий ва маданый муассасалар беҳисоб бўлган. Турли-туман қўлғезмалар жамланган кутубхоналар дейсизми, шифоқхоналар, расадхоналар, таржима марказлари, шунингдек муайян шахарлар ёки хукмдорларнинг саройларида ташкил топган тўла маънодаги илмий мактаблар бўлганки, буларнинг бари ўлкада маърифатнинг равнақ топишига таъсир кўрсатган. Баъдодаги “Байт ал-хикма” (Хикматлар уйи) (IX), Буҳородаги “Сиван ал-хикма” (X), Коҳирадаги “Дар ал-хикма” (XI-

XII), Хоразмдаги “ал-Мавмуъ” (XI) ва Самарқанддаги “Улуғбек академияси” (XV) Андижондаги адабий-илмий мухитлар шулар жумласидандир.

Шуларнинг каторида Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хиротда Алишер Навоий раҳнамолигидаги катта илмий мухит ҳам бор эдики, Бобур унинг инсоният маънавий таърихида алоҳида ўрин тутишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у ўз асари “Вақоеънома” сифда бу жойда яшаб ижод этган олим ушбу шайхларга алоҳида саҳифа ажратиб, улар ҳақида батафсил ёзишга ҳаракат қилди. Ёзганларининг ҳаққонийлигини, тўғрилигини таъминлаш мақсадида илм ахли, хусусан шоиру шуаролар ўрасида бўлиб ўтган хазил-мутойибаларгача баён қилишга киришади.

“Султон Хусайн Мирзонинг замони ажойиб бир замон эди”, — деб ёзди у ўз ҳайратини яширолмай тўлқинланганидан. Албатта, Бобур ўзи туғилиб ўсган ва тарбияланган Андижон илмий-адабий-бадвий мухитидан ҳам фахрланиб, ҳайратланиб яшаган. Бу ҳайрат, бу тўлқинланиш замирида унда бу илм тўшаларига бир дунё ҳайратхоҳлик сезилиб туради ҳам. — “Фозил ва мислсиз эл билан Хуросон, хусусан Хирот шаҳри тўла эди. Кимки бирор иш билан машғул бўлса, химмат ва мақсади шу ишни камолга етказиш эди”.

Демак, айтиш ўринлики, Хирот ҳам ўша даврда илмий-адабий-бадвий шаҳар бўлган дейиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, ўша пайтда Хирот шаҳри аҳолисининг ўн фоизи олим ушбу фозиллар бўлган, деган гапларда тўла ҳақиқат бор.

Бобур юқоридаги сўзларини ёзгандан кейин олимлар номини бир бошдан экир этишга ўтди. У энг кўзга кўринганларни бир-ма-бир ёза бошлайди:

“Шулардан бири Мавлоно Абдурахмон Жомий эди: дунёвий ва диний илмларда у замонда унинг даражасидаги киши йўқ эди. Шейрияти ҳам маълумдир...”, дер экан ўзининг оқизона фикрини баён қилиб “уни таърифлашга эҳтиёж йўқ” деб кўяди ва олимларни бир-бир келтириб ўтади ва дейди:

“Яна, шайх ул-ислом Сайфуддин Аҳмад эди. Яна, Мавлоно Шайх Хусайн эди. Яна, Мушпозолан Мулло Усмон эди. Айтишларича, — деб ёзди у ҳақида тўхталиб, — иктиход (улкан кашфиёт қилиш қудрати) даражасига етган-у, лекин иктиход қилмаган”. Яна, Мир Муртоз эди. Яна, Мулло Масъуд Ширвоний эди. Яна, Мулло Абдулғафур Лорий эди. Яна, Мир Жалолдин муҳаддис эди. Яна, Мир Атоулло Машҳадий эди”, деб ёзди. Навбат олимлардан ўтиб шоирларга келганда: “Бу жамоанинг пешкадам ва асосчиси Мавлоно Абдурахмон Жомий эди”, — деб алоҳида урғу бериб кўяди. Бу билан у улғу инсоннинг олимликда, ҳам шоирликда ҳам мўътабарлигини таъкидлайди ва бундан кейинги баёнларда ўзи Самарқандни олганда Қосимбеги бир оз шуъхаланиб, (Шайбоний хизматида эди-да) Шаҳрисабзга жўнатиб юборган ва Бобурнинг буйруғи билан чакиртирилган шоир Биноий ҳақида сўз боради.

“Яна, Биноий эди”, — дейди Бобур. Қаранг, шоир Биноийни у Абдурахмон Жомийдан кейин тилга олмоқда. Демак, Биноий ўз истеъдоди салоҳиятидан Жомийдан кейин турган. Ҳамма ҳолатни ўз холича, борича ёзишга кўниккан, очик кўнгли, тоза қалб, росттўй Бобур буни эътиборидан нарида қолдирмаган. “Хиротликдир, — дейди у. “Отаси Устод Муҳаммад Сабз бано (Бинокор — бино — иморат қурувчи) бўлгани учун шундай тахаллус олган. Ҳазилларида ранг ва кайфият бордир. Девон тартиб берган. Дostonлари ҳам бор. Мевалар ҳақида бир достони бор, мутакориб баҳрида, самарасиз бир нарса ётган, беқор қилган. Яна бир қисқа достони бор, хафиф баҳрида. Бу маснавийни кейинрок тўтаганди”.

Мана шу сатрларни ёзар экан, Бобур шейрият илмидан, адабиётдан ниҳоят даражада чуқур билимга эга бўлганлигини форсча, арабчани билишда кенг камровли олимлигини намойиш этади. У шуларни ёза туриб жилмайиб кўйди. Бу жилмайишда унинг ёдига илк бор Биноий билан учрашгани, унинг хазилга мойил айтган рубойиси ҳали-хануз ёдидан кўтарилмаган эди. Биноий хазил орқали, яъни “Қандай дейман: илҳом

тўла қалдам бордир?” деб туриб, Бобур подшоҳга ўз ички “хасраг”ларини ҳам тўқиб солганди. Бобур шунисига койил қолганди ва бир умр шоир Биноийга нисбатан қалбида эҳтиром сакланганди.

У юкоридагиларни ёзиб туриб, Биноийнинг тиришқоқ, қилман деган ишини бажарувчилигини ҳам айтиб ўтади. Муסיқа соҳасидаги истеъдодига ҳам таҳсинлар айтади. “Алишербек таажжубланиб таҳсинлар қилади” – дейди. “Биноий муסיқада яхши ишлар ижод қилган,” деб ёзаркан. “Жумладан, унинг “Нухранг” деб аталган бир нақши бор. Бу тўққиз рангнинг якуни ва нақшнинг яли-ялиси “Рост” оҳангидадир”.

Биз Бобурнинг муסיқа соҳасида айтаётган бу гапларини тунуниш учун эса муסיқадан хабардор бўлишимиз керак аслида. Афсуски, ундай эмас. Бобур эса Биноий ижод қилган куй хақида хақиқий шу соҳанинг эгаси – муסיқашунос сифатида фикр юртади. Унинг бу қадар билимларни кенг қамраб олганига койил қоласан, киши.

“Биноийнинг Алишербек билан сози келмас экан,” (муросаси демокчи) – деб энди эпитетларини ёзишга киришадди. “Шу сабабдан анча жафолар торғди. Охири тура олмай Ирок ва Озарбайжонга Ўлжуббек қолпига борди,” – дейди.

Хақиқатдан ҳам шундай бўлган эди. Бобур буни 1505–1506 йил воқеалари баён қилган пайтда ёзган эди. 1541–1546 йилларда Бобурнинг ҳолавазчаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзо томонидан ёзилган “Тарихи Рашидий” асарига ҳам шу воқеалар, яъни Биноий ва Навоий ораларидаги муносабатлар энди Бобур тасвирлаганга қараганда батафсилроқ ёзилганки, бу икки ҳолат бир-бирини тўлдирishi жиҳатдан аҳамиятлидир. Келинг, яхшияси “Тарихи Рашидий”даги баённи ҳам ўқиб кўрайлик-да. Навоийнинг мулоҳазасига, ўта бағри кенг, том маънода илм аҳлига, фозил кишиларга гамхўр бўлганлигига таҳсинлар айттайлик. “Тарихи Рашидий”да ёзилади.

“Биноий олим ва етук шоир эди”, деб ёзади Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, – “У (Биноий) ва Мир Алишер ўрталарида мулҳом баҳс, ке-

лишмовчиликлар бўлиб турарди. Мир Алишерга нисбатан ўтқир хазил, киноялар қиларди. Шунда Навоий ҳам унга хазил тарикасида: Мавлоно Биноий жинни бўлиб қолган, уни “Доруп-шифо” сикхатхонасига ётқизиб, қалтақлаш ва нўҳхат шўрва бериш керак деган. Шу сабаб Биноий Ирокка қочиб кетган. У Ирокда Султон Ўлжуб хомийлигида бўлди, аммо бир оз вақт ўтгач, яна Ҳиротга қайтиб келди. Мир Алишер одам юбориб, уни олиб келтирди, мулоҳим, дўстона муомала қилади, уни иззат-иқром, совғалар билан кўтиб олади, ўтган гаплар учун ўз сўрайди. Биноий ҳам ўз киноялари учун ўз сўрайди, шу билан уларнинг муносабатлари яхшиланади”.

Энди Бобур тасвирлаган бу воқеликка эътибор беринг:

“... бир кун шагранж мажлисида (шахмат ўйини бўлаётганда) Алишербек оёғини узатди. Биноийнинг орқасига тегди. Алишербек мутойиба билан (хазил қилиб): “Ҳиротда ажойиб бир бало бордирки, оёғингни узатсанг шоирнинг кетига тегди,” дейди. (Шоир шу қадар кўп демокчи). Биноий: “Агар йиғанг ҳам шоирнинг орқасига тегди,” деб жавоб қайтаради. Охири бу зарофатлар туфайли яна Ҳиротдан Самарқандга жўнайдди”.

Бобур Биноийни Самарқандни қўлга киритганда ўшанда учратган ва бу инсонга нисбатан меҳр-муҳаббати зиёдалашган эди.

Бобур ўзига замондош бўлган ҳамма зиёлилар билан яқин алоқада бўлишга интилан. У ўзи ўқимишли бўлгани учун ҳам ўзини уларга яқин тутган. Энг, аввало, уларнинг асарларини ўқиб ўрганган, қолаверса улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган. Улар феълү авридаги нозик жиҳатларни таҳлил қила билганидан бу жиҳатларни кейинчалик “Вақоеънома”сида маҳорат билан тасвирлай олган. Шунинг учун ҳам Бобур тасвирларда бадиийликнинг кучлилигини кўрамиз, унинг ёзганларини мутоалла қилганимизда хузурланамиз. Бобур ёзганлари бутунги кунда ҳам ўта хузурбахшидир. Агар уни маънавий озуқа деб билар эканмиз, ўта тўйимлидир.

ХУСАЙН БОЙКАРО ВА АЛИШЕР НАВОИЙ АТРОФИГА УЮШГАН ОЛИМ, ШОИР ВА САНЪАТ АХЛИ ХУСУСИДА

“Шоирлардан — деб ёзган эди Бобур, — бу жамонинг пешка-дам ва асосчиси Мавлоно Абдурахмон Жомий эди”. Давом этади: “Яна, Шайхим Сухайлий ва Хусайн Али Туфайлий жалойир эдики, Султон Хусайн Мирзонинг бекалари ва ичкилари таркибида зикр этилди.

Яна, Осафий эди. Вазир ўғли бўлгани учун “Осафий” тахаллус олган. Шерьри гарчи ишк-мухаббат ва эхтиросдан баҳрасиз бўлса-да, тасвир жилолари ва маънодан холи эмасдир. “Мен хар-гиз ўз ғазалларимни тўплашга уринмадим”, дея даъво қилган бўлсада, афтидан бу гап тақаллуфдан бошка нарса эмас. Бу ғазалларни укаси ё қариндошларидан бири тўплагандир. Ғазалдан ўзга нав шерьри оз ёзган. Хуросонга борганимда менга мулозамаг қилган.”

Юқоридаги гапларни ёзар экан, Бобур хар бир ижодкорнинг ўзига хос жиҳатларини бир-икки сўз билан айтиб бералдики, ўша шахснинг муҳим томони ёдингизда аниқ қолади. Осафий шерьлари-ғазалларининг тасвир жилолари, маънолари борлиги яна бошка бир манба — “Тарихи Рашидий” да ҳам айтиб ўтилган. Унинг анчайин тақаллуфли шоир эканлиги ҳам ўша ҳолатлардан билиниб туради. Навоийга икки пуллик шамъ билан икки юз сатр маснавий ёзганлигини мактаниб айтиши ва Навоийдан “Хар юз сатри бир пул экан-да, шерьингни,” дея танбеҳ эпитипшлари шундандир.

Бобур санъаткор-созандалардаги камчиликларни ҳам аямай фош эта олган. Мана бир мисол: “Яна, Хусайн Удий эди. Удни ёкимли чағлиб, маънили кўшиқлар айтарди. Уднинг торларини якка қилиб чағлан — шу. Айби бу эдики, кўп ноз билан чағларди. Шайбонийхон бир навбат соз чағлишни буюради. (Гарчи Бобурнинг ашаддий душмани бўлса ҳам хуқирон эди). Тақаллуф қилиб ҳам ёмон чағлади, ҳам ўз созини олиб келмай, ярамас соз кетти-

рди. Шайбонийхон буни фаҳмлайди. Зиёфат пайтидаёқ, бўйнига боғлаб мушт туширишларини буюради. Шайбонийхоннинг олимда қилган бир яхши иши бўлса — шудир. Зотан, жуда тўғри иш қилган. Бунақа нозик эркак нусхаларга бундан каттарок жазо керак.”

Хакикатдан ҳам Бобур умри бўйи бундай — ўзи ёзганидай “бу нозик эркак нусхаларга жазо зарур, бўлиб ҳам каттарок жазо зарур”, деб ўтди. Бобур ўз рақиб Шайбонийхоннинг бу ишини “оламда қилган бир яхши иши бўлса — шудир”, дея маъқуллайдди ҳам. Негаки, Бобур учун инсондаги энг ёмон хислат бу хурматсизлик эди. Шоҳми, гадоми орада хурмат бўлиши керак унингча. Инсон бир-бирини иззат-хурмат қилиб яшаши зарур. Удий сингари одам менсимаслик изҳор қилса отар бўйинга мушт ейишгина эмас, каттарок жазога сазовор бўлиши керак. Бу Бобурнинг адолатли хуқми. У умри давомда шундай бўлишини истади. Ўзи ҳам катгани катта ўрнида, кичикни кичик ўрнида иззат қилишга амал қилди. Лекин қандай ҳолат бўлишидан катги назар ўзининг подшоҳлигини унутмади ва унга доғ туширмай умр ўтказди, атрофдагилардан ҳам уни подшоҳ сифатида иззат-хурмат қилишларини талаб қилди. Ҳали бу хақида теглишли боьларда яна баён қилиб борамиз.

Хикоятмиз шоир, маълум маънода тарихчи Муҳаммад Солих хақида энди. У хақида шундай дейди:

“Ёкимли ғазаллари бор. Бирок силлиқлиги мазасича эмас. Туркий шерьи ҳам бор. Ёмон ёзмайди. Кейинрок Шайбонийхон кошига келган эди. Дарҳақиқат, хурмат ва эътибор қозонди. Шайбонийхонга атаб рамали мусаддаси маҳбун — “Субҳа” вазида бир туркий (номи “Шайбонийнома” эди) дoston битган. Анча суьт ва бўштабдир. Уни ўқиган кишининг Муҳаммад Солих шерьитидан кўнгли совийди. Бир яхши байти будир:

*Бўлди Танбалга аштан Фаргона,
Қилди Фаргонани Танбалхона.*

Анджон вилоятини Танбалхона ҳам дейдилар. У маснавийда бундан яхши байт йўқ. Драмас, золим табиатли ва бераҳм киши эди”.

Ҳақиқатдан ҳам Танбал Анджонни хиёнат йўли билан кўлга киритиб олгач, Анджон халқига кўп зулмлар қилди. Биринчи навбатда халққа солинадиган соликларни кўпайтиради. Бобур ва унинг отаси (ўлиб кетган бўлса ҳам) Умаршайх Мирзога хайри-хоҳларни жазолашга киришади. Кўп одамларни айбониз, айбли холатда ўлимга ҳукм этади, кўлларини қувғин қилди. Хуллас, Танбал ҳам “Тарихи Рашидий” да тасвирланган Абобақр сингари даражасидаги ўзи шох авлодидан бўлмасада зулмкор беклардан эди. Шоир шунинг учун ҳам “Фарғона танбалхона бўлди”, деб бекорга айтмаган эди.

Энди хатот ва расомларга берилган тасвирларга эътиборни қаратамиз. Бобур расом (мусаввир) Бехзод хақида фикр юритганда худди санъатшунослар сингари мулоҳазаларини баён қилди. Бу энди Бобур подшоҳнинг ноёб истеъдоди дейишимиз мумкин:

Энг аввало қуйидаги гапга эътиборни қаратайлик:

“Чиройли хат битувчилардан ҳам анча киши бор эди.” Демак барча соҳаларда бўлгани каби, Бобур ёзишча, хатотликда ҳам жуда кўп одамлар бўлган. Бобур шуларнинг саралининг саралини сараглаб олиб ёзган, улар хақида фикр баён қилган: “Лекин барчасининг пешкадами насхталик ёзувида Султон Али Машхадий эди. У Султон Хусайн Мирзо ва Алишербеқнинг кўплаб матнларини кўчирди. Хар кунни ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун ёзарди.

Мусаввирлардан Бехзод эди. Мусаввирлик ишینی ўта нозик қилди. Лекин соқолсиз киши чеҳрасини ёмон чизади. Бакбасини кўп узун тортади. Соқоллик кишини хушчеҳра қилиб юборади.

Яна, Шох Музаффар эди. Ранг-тасвирни кўп нозик қиларди. Соқолни ҳам ўта нозик чизарди. Кўп умр кўрмади. Унинг тасаввуфга оид бир асари бор. ёмон эмас. Афтидан, айрим фикрлар унинг ўзиники эмас. Айни ўсаётган даврида оғамдан ўтди.”

Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврини хўп улут деб билган Бобур у давр одамларини тўғрироти илм, санъат, кискаси маснавийят кишиларини катта ҳурмат билан тилга олиб ўтади. Уларнинг ютуқ ҳамда камчиликлари унинг зуҳко назаридан чекда қолмайди. Фикримизни далиллаш учун ҳикоямиз якунини Бобурнинг Ҳилолий тавсифига бағишланган сўзлари билан тинҳосига етказишга интилайлик:

“Яна, Ҳилолий эди. Ҳозир ҳам тирик. Ҳазиллари текис, силлик, рингдор ва жайдарирокдир. Девони ҳам бор. Хафиф баҳрида “Шох ва дарवेश” номли бир дoston битган. Тарчи Баззи байтлари яхши бўлса ҳам, лекин маснавийсининг мазмуни қовак (бўш) на қурғилиши (композицияси) жуда харобдир. Илгарити шоирлар ишк ва ошқлик учун дoston ёзганларида, ошқликни эрта, машуқликни аёпта нисбат қилганлар. Ҳилолий дарवेशни ошқ қилган, шохни — машуқ. Шохнинг феъл-атвори ва гап-сўзларини нфода этган байтларида шохни бузуқ ва фоҳиша қилиб тасвирлади. Ўз маснавийси учун бир йигитни ва яна шох йигитни бузуқ ва фоҳишалардек таъриф қилгани жуда ноҳўя ишдир. Унинг хотираси жуда кучли экан, ўттиз-қирк минг байтни ёддан биларкан. Форсий тилдаги кики “Ҳамса”нинг аксар байтлари ёдда бор, дейдилар. Аруз, кофия ва шерь илмига анча моҳирдир.”

ХУСАЙН БОЙҚАРО ФАРЗАНДЛАРИ ВА БОБУР

Юқорида ҳикоя қилганимиздек, Хусайн Бойқаро теуруйлар салтанатининг ягона душмани бўлган Шайбонийхонга қарши қуралиш учун кеч бўлсада қучларни бирлаштириш зарурлигини тушуниб етди. У биринчи навбатда ўғилларини, шу билан бирга теуруйзода ҳукмдорларни Шайбоний устига юришга даъват қилиб йўлга отланади. Бобур бу вақтда Қобудда эди. У ҳам Бойқаро чақиритишга “лаббай” деб йўлга отланади. Минг афсуслар бўлсинки, Бобо Илохий деган жойга етганда Хусайн

Бойкаро Тангри раҳматига боради. Фарзандлари уни Хиротга олиб боришиб шохона русумларни килган тарзда дафн этадилар. Мабрака-маросимларини ўтказишади. Бобур ҳам бу маросимларда ўз мулозимлари билан иштирок этади. Шу кунларда у улўғ подшоҳ Хусайн Бойкаро фарзандлари билан янада яқиндан мулоқотда бўлади. Бобур Хусайн Мирзо вафоти таъзиясига улўғ подшоҳнинг хонадони номуסי, тўғрироғи, хурмати учун Хиротга келгунча анча-мунча воқеа-ходисалар бўлиб ўтади. Бу воқеаларнинг ўзи катта бир хикоятга мавзудир. Биз уларни баён қилишдан четлаймизда, Хусайн Бойкаро фарзандлари, айниқса Бадиуззамон Мирзонинг шахзодага кўрсатган эхтиромлари хақида тўхталаймиз.

Қолаверса, Бобурнинг Хиротга таширийдан яна иккинчи бир мақсад ҳам кўзда тутилганди. Бу мақсад шу эдики, теурий-зодалар жам бўлишиб туриб, асосий ёв Шайбонийхонга хужум уюштириш. кундан кун кучайиб бораётган ёвнинг мавқеини пасайтириб қўйиш, ё бутунлай тор-мор этиш эди.

Бобурга элчилар келишади. Яна элчилардан ташкари Хусайн Бойкаронинг энг эътиборли кишиси Бурундук барлос ҳам келади. Буларнинг келиши Бобурни маълум маънода қувонтиради ҳам. Шунинг учун ҳам у “мен нега бормайин?” деб йўлга отланади. Узоқ масофани пилтоб босиб ўтишга мушарраф бўлади. Тўққиз юз ўн иккинчи йилнинг жумод ул-охири ойи саккизинчи санасида душанба кунни Мурғоб деган манзилда Бадиуззамон, Музаффар Мирзо ва уларнинг амалдорлари билан учрашув бўлиб ўтади. Учрашувда тегишли масалалар келишиб олинади. Элчилар юборилган эди. Бобур Абдулмуҳсин Мирзо билан ҳам (у ҳам Хусайн Бойкаронинг ўғилларидан бири) махсус учралиши керак эди. Бобурнинг истикболига у чамаси бир чақирим йўлдан келади. Бобур уни кўрибюк отдан тушади. Абдулмуҳсин ҳам отидан тушиб, кучюк очиб Бобурга ошикади. Кўришишади ва суҳбатлашиб олинади.

Шуниси кизикки, Музаффар Мирзо Абдулмуҳсин Мирзодан кичик бўлади. Шунга қарамасдан, Музаффар Мирзо жиндий

ошириб юборади. Бобур билан учрашганда отдан тушмай кўришади, Бобур ҳам отидан тушмайди. Суҳбат ҳам от устида бўлиб ўтади.

Бу жойдаги учрашувдан кейин Бобур Бадиуззамон Мирзо элчилига қараб йўл олади. Хонадонда одам ниҳоятда кўп эди. Кишиларнинг кўплигидан тикилишч эди. Бадиуззамон уйига етиб келгунча Бобур хос одамлари билан келишиб олади. Келишувга бингани у уйга киргач, таъзим қилиши керак. Бобур уйга кириб таъзим қилди. Бадиуззамон ўрнидан тураркан, у ҳам таъзим қилди. Аммо шошилмай юрди. Буни сезиб турган Бобурнинг мулозими Қосимбек ҳеч қилга сездирмай Бобурнинг белбоғидан осани тортиб қўйди. Бу билан у Бобурни шошилмасликка ундагани эди. Ёвни “ўз иззатингизни сақланг”, дегани эди. Шундан Бобур осани юриб борди. Белгиланган жойда улар кўришилди. Катта оқ уйда уйнинг тўрт томонига тўшак солинган эди (оқ киндилар ишланган катта ўтов, чодир). Бадиуззамоннинг оқ уйи ён эшикки эди. Рўпарадан уйга кирган одам Мирзонинг ён эшик биндиги тўшакда ўтирганига кўзи тушарди. Ҳозир ҳам ўша тўшакда Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзо ёнма-ён ўтиришди. Бобур Мирзо ва Абдулмуҳсин Мирзо ўнг томондаги тўшакда, чап томондаги тўшакда Жаҳонгир Мирзо ва Абдураззоқ Мирзо, нариги ўнг ёнда Бурундукбек, Зуннунбек, Қосимбек, Қосим Султонлар ўтиришди.

Ош тортилди. Ўртага хонтахта қўйиб, олтин ва қумуш май қўнчалари терилди. Бобур бу манзарага қараб туриб фикрга толдди. “Ота-боболаримиз Чингизий одагларни дюним хурмат қилганлар”, дея ҳаёлидан ўтказди у. “Ҳамма вақт улумларга хилоф иш қилишган”. “Ҳа”, деди у ўзига ўзи ичиди. “Ҳар қимдан яхши қоида қолган бўлса, унга амал қилиш яхши-да”, деб қўйди, атрофга ризм солиб ўтираркан.

Ошдан сўнг, дуо-фотиҳа қилинди. Келганлар отланиб аввал келган жойга боришди. Энди учрашув ўрдада давом этди. Иккинчи учрашувда Бадиуззамон Мирзо Бобур подшоҳга аввалги сафартиддек таъзим қилмади. Бу иши Мирзога хуш келмади. У

хеч тортинмасдан унинг якин кишилари Бурундукбек ва Зун-пунбежа: "Гарчи ёшим кичик бўлса-да, — деди катъий оҳангда, — мартабам улғўдир. Ота тахтим, Самаркандни, икки бора жанг билан олиб ўтирибман. Бу хонадон учун ёт-душман бўлганлар билан жанг у жадал қилганман, шу боис менинг таъзимимда бўлмаслик асоссиздир". Бу сўзни улар Мирзога етказдилар. Бадиуззамон хатосини тан олди. Кейинги сафар у Бобур подшоҳнинг хурматини ўз ўрнига қўйди.

Энди йил охирига қолганди. Киш қелмоқда эди. Кунларнинг совуши шундан дарак бераётганди. Мирзолар шундай қарорга келишди. Хар ким ўзига муносиб ерда қишлаб, эрта баҳорда тулланишга келишдилар. Ҳамма жам бўлиб ўшанда ёвни даф қилмоқни мақсад қилдилар. Бобурга ҳам Хуросонда қишланиш таклиф қилдилар. Бу таклиф Бадиуззамон Мирзо, Музаффар Мирзо ва Абдумухсин Мирзолардан бўлгани учун Бобур бу подшоҳлар юзидан ўта олмади. Кўп таклиф қилганлари учун у хўп деб кўнишга мажбур бўлди. Қолаверса, Султон Хусайн Бойқаро замонда туллаб-яшнган тузал Хирот шаҳрини кўриб томоша қилиш Бобурнинг катта орузи эди. Шунинг учун ҳам у таклифга кўнди.

Абдумухсин Мирзо ўз вилояти Марвага кетди. Ибн Хусайн Мирзо ҳам Тўн ва Койинга жўнади. Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар Хиротга жўнаб кетдилар. Икки-уч кун ўтказиб Бобур Чилдухтарон ва Тошработ йўли билан Хиротга қараб йўл олди. Энди Бобурни хаяжону хайратларга солувчи Хирот ажойиботлари кўтмоқда эди.

БОБУР ПОДШОХ ХИРОТДА

Хусайн Бойқаро таъзиясига Бобурнинг аммалари ҳам жам бўлишган эди. Улар шахзоданинг жигарлари эди. Шунинг учун у таъзия изҳор қилиш ва улар билан дийдорлашиб хол-ахвол сўрашнинг мақсад қилиб Султон Хусайн Мирзо макбарасига

борди. Барча аёллар шу ерда эди. Бобур уларга пешвоз чиқиб, диниш Нонидда Султон бегим билан таъзим қилиб кўришади. Ундан сўнг Офок бегим билан таъзимсиз, хол-ахвол сўрашади. Кейин Бойқаронинг катта хотини Хадича бегим билан таъзим қилиб кўришади. Бу хотин Хусайн Бойқаро фарзандлари ора-сида фитна кучайишига сабабчилигини эслар экан, шундай кўрсин, улуг аёлдан шу ишлар содир бўлганига ичда афсус чекин бўлди. Қорилар Куръон ўқитанларидан сўнг, Хадича бегимнинг чодирни тикилган мадрасата борилди. У ерда Хадича бегим номидан ош тортилди. Сўнг Поянда Султон бегим уйига бориб, ўша ерда тунади. Эртаси (Янги бот) Боги Навда кўним тонди. Бир кеча бу ерда бўлиб, сўнг тайин қилиб қўйилган Алишер Навоий уйида бўлишга муяссар бўлди. У Хиротдан кетгунча шу уйда яшаб турди. Лекин хурмат юзасидан хар икки-уч кунда Бадиуззамон Мирзо Боги Жахонаросига бориб кўриниш бериб турди.

Бир неча кундан кейин Бобурни Музаффар Мирзо уйига меҳмонга таклиф қилади. Музаффар Мирзо Боги Сафидда ўтирарди. Хадича бегим ҳам ўша ерда эди. Султоннинг улуг хотини ёш подшоҳ хурмати учун ош тортирарди. Бобур билан Жахонгир Мирзо ҳам бирга эди. Хусайн Бойқаро хонадони учун бу икки ака-ука, алабга хурматли ва азиз меҳмонлар эди. Шунинг учун қаерга борсалар ўша ерда уларнинг шайнига дастурхон ёзилар, таом тортилар, ўтган султон хотирасига бағишлаб Куръон тиловат қилинар эди. Удум шундук эди. Бу мўмин бандаларнинг ўтганлар хотирасига эҳтироми ва бир-бирларига иззат-икромиди эди.

У ердан чиқингач, Музаффар Мирзо Бобурни бир замонлар Абдулқосим Бобур солдирган иморат Тарабхонага етаклади. Мақсади, шахзодалар шарафига май базми қилиб бериш эди. Начора, "меҳмон отангдек улуг", деган гап борда. Бўни амалга оширмаса сира-сира бўлмайдди. Қолаверса, мотам ҳам ўзиники, шоду хуррамлик ҳам. Кўнгли овлаш, азиз ва мўътабар инсонлар иззатини жойига қўйиш бурчага айланиб кетган. Шундай қилин-маса, ҳаётнинг қайсидир бир томони кемтик бўлиб қолади.

Тарабхона ботчанинг ўртасида. Ихчамгина иморат. Икки қаватли, кўркам. Кўнглига ёқалган. Юкори қаватининг пештоқи безак билан ишланган. Тўрт бурчагида тўрт хужраси бор. Бу тўрт хужрага олиб қирадиган уй истироҳат хонаси ҳисобланади. Уйнинг ҳар томонига сураат солинган. Иморатни Абдулқосим Бобур қурдирган бўлсада, тасвирларни солишни Султон Абусайд Мирзо буюрган. Унда Султон Абусайд Мирзо лашкарларининг саф тортиши, жанглар тасвирланган. Бобур тасвирларни бир-бир кўришга киришди. Жанг тасвирлари уни ўзининг жонлиги билан хайратга соларди. Хонанинг буржагидаги сурааларга тўшақлар солинган эди. Юкори сурадаги тўшақларга аввал Бобур, сўнг Музаффар Мирзо ўтиришди, кейин колганлар. Базм бошланди. Лекин Бобур бу базмда ичгиси келса ҳам одоб нуктаи назаридан ичмади, аммо бирга келган ҳамроҳларига ичшига руҳсат берди. Базмда куй-кўшиқлар янгради. Созанда ва хонандалар зиёфатни ўз яхши кўшиқ ва куйлари билан безадилар.

Музаффар Мирзонинг одамгарчилик қилиб, Бобур шарафига меҳмондорчилик ташкил этганини эшитган Бадиуззамон Мирзо ҳам кейинги кунда Боғи Жаҳонродаги Муқаввийхонада базм ташкил қилиб, Бобурни тақсиф этади. Базмга фақат Бобурни эмас, унинг хос кишилари ва йилгилари ҳам келишини тайинлайди.

Базм роса авжга чиққан пайтда зиёфатхонага безак бўлиш учун баланд-баланд сунъий мажнунтоллар олиб киришди. Табиийми, сунъийми мажнунтоллар шохлари ораларига майда чивиклар узунлигича ингичка-ингичка олтин барглар терилган эди. Ажойиб манзара эди. Бобур бу манзарага маҳлиё бўлиб боқар экан, Бадиуззамондаги нозик дилга ичиди таҳсинлар айтарди.

Зиёфат давомида подшоҳ олдига алоҳида олгин патнисда ғоз кабоби келтирилди. Бу фақат подшоҳ учун бўлгани учун уни бузиш Бобур ихтиёрида эди. Лекин у хали бундай ишга кўл урмаган, ўрганмаган эди. Шунинг учун у жим ўтираверади. Ҳознинг бузилмаётганига қараб ўтирган Бадиуззамон шахзодага секин гапирди:

«Нега майи кўрсатмайсиз? — кўли билан у ғоз кабобига иннори қолди». Бобур ҳам охишта деди:

— Учирши кўлимдан келмайди.

Бадиуззамон Мирзо ўзи илтифот кўрсатди. Дарҳол ғозни тўраб, Бобур олдига кўйди. Бундай ишларга у чаккон эди. Улфатчилик фазилатларини яхши билар, меҳмонни, дўстни ҳаминша муртабодда тутарди. Ҳозир ҳам у Бобур учун оғадек, тўғрироғи отадек муртабода турсада, унинг иззатини ўрнига кўйган эди.

Базм сўнгида Бадиуззамон Бобур Мирзога қимматбаҳо тошлар қадланган битта хашаматли камар, ханжар, зарбон тўн, бир чопқир от ҳадя қилди. У ҳам Музаффар Мирзо қилган эҳтиромни ортти билан адо этди. Бобур Ҳиротни бошқараётган бу янги хўкмдордан ана шундай хўрмаг-иззатлар кўрди.

Бобур Ҳиротда йилгирма кундан орттиқ қолиб кетди. У Ҳиротдаги кўшарини беҳуда ўтказмасликка интилиди. Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий каби раҳматли зотлар (Аллоҳ уларни раҳматига олинди) савй-ҳаракатлари билан барпо этилган ҳар бир кўча, ҳар бир кўчрик, ҳар бир хаммоқ, ҳар бир шифохона, ҳар бир маърифат маскани, мадрасаларни бориб кўрди. Боғлар ва хиёбонларда сирр элди. Ўтган улғу зотлар ҳақкига дуолар қилди.

У шундай деб ёзди:

«Ҳар кунни отланиб кўрмаган ерларни сайр қилардим. Бу сайрларда бошловчимиз Юсуф Али кўқалдош эди. Ҳар қайси сайртохта тушилганда Юсуф Али бир нав ош тортарди. Бу йилгирма кунда машҳур сайроҳлардан биргина Султон Хусайн Мирзонинг хонақоҳидан ўзга кўрилмаган ер қолмади, шекилли. Ҳозуртоқ, Алишербекнинг ботчаси ва Жувози Қоғаз ва Тахти Остона, Пуллик, Кахкистон, Боғи Назартоқ, Нельматобод ва Тазуртоқ хиёбони, Султон Аҳмад Мирзонинг хазираси (мақбараси) ва тахти Сафар, тахти Навоий, тахти Баргар, тахти Хожибек, Шайх Баҳовуддин Умар, Шайх Зайниддин, Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг мазорот ва мақбарасини, Намозгоҳи Муҳтор, Хавзи Моҳиён, Соки Салмон, Билгурий, Имом Фаҳр ва Боғи Хиёбон, Мирзонинг мадрасаси ва мақбарасини, Гавхаршод бетимини»

мадраса ва макбарасини, Масжиди Жомени, Боғи Зоғон ва Боғинав, Боғи Зубайда, Абусаид Мирзо солган Дарвозаи Ирокнинг ташқарисидаги Оксарой, Пурон ва Суфайи Тиракдозон (Ўқ отувчилар суласи) Чарғолонг ва Мирвоҳид, Пули Молон, Хожя Ток, Боғи Сафид ва Тарабхона, Боғи Жахоноро, Кўшк, Муқаввийхона ва Савсанийхона, Дувоздах бўрж, Жахоноронинг шимол тарафдаги катта ховуз, тўрт тарафдаги тўрт иморат (ховуз атрофи) калъанинг беш дарвозаси: Малик, Ирок, Ферузобод, Хуш ва Қипчоқ, Бозори Малик ва Чорсу дарвозаларини, Шайхулислом мадрасаси ва Маликларнинг Жоме масжиди, Богшаҳр, Бадиуззамон Мирзонинг Инжил дарёси ёқасидаги мадрасаси, Алпшербекнинг “Унсия” ағалмиш яшайдиган уйлари, “Кудсия” номли макбара ва Масжиди Жомени, “Халосия” ва “Ихлосия” номли ҳаммомларини, мадраса ва хонакоҳни, “Сафоя” ва “Шифоя” ағалмиш шифохоналарини оз фурсатда айланиб чиқдим”.

Бу гапларни Бобур подшоҳ тилидан ёзишдан мақсад, ўқувчимиз шахзода Бобур Хиротта борган пайтда Хирот қанақа шахар бўлганлигини тўлароқ тасаввур қила олсин. Ота-боболаримиз иморатсозлик, шахарсозлик масаласида ўша замонларда ҳам пухта иш қилганликларини билгиб олишлари лозим. Темурий-зодалар, туркий қавмлар дунё яралибдики, фақат куриш, юртни обод этиш билан шугулланадилар. Бобур Хиротда бўлиб ўз кўзи билан кўрган ва таърифлаб ёзган ишлоотлар ана шундан дарак бериб турибди.

Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзоларнинг иш бажарувчилари Бурундукбек ва Зуннунбек Бобур подшоҳ одамлари учун астойдил ҳаракат қилар, лекин уларнинг кишлови учун кишлов ерини тайин қилмас, қишломок асбоби билан таъминламас эдилар. Киш бошланган эди. Тортларни қор босган эди. Шу билан бирга Бобурга Қобулда бесаранжомликлар бўлаётгани хақида хабарлар ҳам келиб турарди. Эпакадаги кишлов ери бўлган магани учун ва Қобул ташвишлари боис Бобур ўз одамлари билан кишлов бахонасида Хиротни тарк этиб, Бодғис ерлари сари йўлга чиқадилар.

КОРЛИ ЙЎЛ

Лангаридати кенгашда Қосимбек ўжарлик қилди. Агар у ўжарлик қилмаганида бу йўлга қорилмаган бўларди. Қизик, Қосимбек ўли ажойиб йигит, доим Бобурнинг шавъни учун қураниб келди. Садокатли бек бўлишига қарамай, бир оз кайсарлини ҳам бор. Шунанга, бекларнинг ўзига хос фельд-авторлари. Бирини бир сўзлик, ўжар шу билан бирга мард бўлса, кўпчилиги суўтувчи, қайси томонда озгина манфаат бўлса ўша ёққа қараб кеттиришлар. Бобур бундайларни жуда кўп кўрапти. Қосимбек эса бари бир бошқача. Ана қор тепалашидан ҳам унинг қимлиги билиниб турибди. Оқ кўнгил, шу билан бирга оқил инсон. Харакатлари бунга ифодаламакда.

Бобур секин Қосимбекка назар солди. У жон-жаҳди билан қор тепарди. Нигоҳи депсаётган қорда эди. Хижолатдан кўзини ердан олмасди. Чунки ҳамма қийинчилик унинг туфайли бўлиб қолган эди тўғ. Бобур аслида қишни Хирот ёки Хирот атрофида ўтказиш ниётида эди. Бурундукбек ва Зуннунбеклар “шу ерда қишланг”, дегинлари билан кишлов ери ва қишломок анжомларидан унга ёрдам қилишмади. Бобур эса очик ошқора айтгани, тўтрироғи таллаб қилгани ботинмади. Тортинди. Зарураг бўлдики, у кишлов бихонаси билан шавъон ойининг етгисида Хиротни тарк этди. Қўшимча қўч тўлгаш учун кетган йигитлари келиб кўпчилигини қўта-қўта ҳар юртда бир қун-икки қундан тўхтаб йўл босишди. Қўтиб бориш шу даражага етдики, Лангариди Рамазон ойи яқинлашиб қолганди.

Шу билан бирга Бобур Қобулдан хавотирда эди. Қобулга теъроқ бориш ўйи ҳам йўқ эмасди. Ана шунинг учун Лангариди Қобулга қайси йўл билан бориш хусусида кенгашилиди. Бобур ва яна ақсари одамлар “ҳозир қиш, тоғ йўли кўп хавотирли, қийинчиликлар кўп бўлади. Қандаҳор йўли бир оз ўзюк бўлса ҳам беҳавотир. Қорнинг қалинлиги шу ерда ҳам билиниб турибди”, деган мулоҳазаларни айтишди. Қосимбек эса, “йўқ” — деди. — Қандаҳор йўли йироқ. Шу тоғ йўли яқинми, шу йўл билан борамиз. Бобур

эса унинг бу тақлифини ортиқча қайтармади. Индамай қўя қолди. У “йўқ” деса бўларди. Қосимбек тақлифига қарши турмади. “Кўпчилик келишиб олишсин,” — деди холос. “Шунда адолатли бўлади,” деб ўйладими билиб бўлмайдди. Подшоҳнинг индаммай турганини кўришиб бошқалар ҳам “демак, ўзлари рози,” деган андишга боришди шекилли, ҳамма жим қолди. Қосимбек айтгани бўлди.

Қор Чахчарон ерларидаёқ отнинг тиззасидан юқорида эди. Мана энди унинг қорнига тетай-тетай даяпти.

Ха, Қосимбекнинг талаби билан Қаңдаҳор йўли қолиб, тоғ йўлига юришди. Ана у хижолатда, хижолатлиги ҳар бир ҳаракатида сезилиб турибди. Ўзи ўтиллари билан қор тепиб, йўл очиб борапти. Қор шу қадар қалинлашиб кетдики, ҳатто йўл маълум бўлмай қолди. Қайси йўл, қайси қоя билиб бўлмасди. Қоя тепасига юриб кетилса, жарликка қулаб кетиш ҳеч гапмасди. Жарликка қулаш эса, ўлим дегани эди. Шунинг учун ҳаракат қилиш оғирлашди. Энди юриб бўлмай қолди. Бир қадам ҳам олдинга силжининг илोजи йўқ эди. Ҳамма тўхтаб қолди.

Бобур сара, бакувват йигитлардан ажратди. Уларга пастга тушиб йўл бошловчи олиб келишларини буюрди. Йўл бошловчи олиб келгани пастга қараб кетганлар келгунча, уч кун тўхтаган жойдан кўзғалишнинг илोजи бўлмади. Туриб қолинди. Йигитлар киш қуни бўлгани учунми яхши йўлбошловчи топиб келишолмади. Бобур яна таваккал қилди. Олдинга қараб юришга буюрди. Машаққат, тапвиш хаддан зиёд ортди. Бир неча кун шундай зайдда юришди. Бобур ҳали ёш, умрида бундай машаққат тормаган эди. Азоблар, қийинчиликлар унинг эҳтиросли қалбидида шеърин исён бўлиб жарангларди. Одамларнинг қийналиши, ўзининг рухий изтироблари кўшилиб ғазалга айланди.

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдими?

Хаста кўнглим чекмаган дардў балоси қолдими?

Унинг кўнгли қорлар макани тоғлар бағрида хаста эди. Ҳамроҳларининг азоблари, хижолатдан мардона ишлагётган

Қосимбек ва бошқаларнинг тортаётган машаққатлари шонр ва шонр Бобур юрагини шикаста қилганди. Бу магтаъ нафақат Бобур билан, Қосимбека ҳам тааллуқли бўлиб, шох ва шонр томонидан унинг учун ёзилган байти эди.

Ҳол орашиб, қимсаёғиз ошпоқ ҳудудлар ичра қор тепиб бориш бир қалфга яқин давом этди. Қунда бир-бир ярим шаръий ортиқ мансифа юрилса қорлардио, индамлашнинг илोजи йўқ эди. Қор теувишлар кўпчилик эмасди. Қалин қорлар ичдида фақат эҳти-ворлик сакланарди. Қор теувишлар ўн-ўн беш киши бўлиб, улар ҳар кунни кун иккига бўлинганда алмашиб туришарди. Фақат Бобур ва Қосимбек алмашмас эдилар. Улар доимий қор теувишлар эди. Шу алмашмовчилар Қосимбекнинг икки ўғли Тангри-дор ва Камбар Али билан яна икки навқари ҳам эди. Улар доим олдинда уловсиз, пиёда уюм-уюм қорни тепалаб, уч-тўрт киши олдиндан кенгликка қор тепалашар, ортдагилар мана шу ораликдан ўтиб борарди. Қор теувишлар ҳар қадам босганда белгича, баъзан кўксигача қорга кўмилиб кетарди. Шундай ҳолатда қор тепалашга тушарди. Олдинда одам ҳолдан тойганда унинг ўрнинга иккинчи бир одам ўтар, у ҳам кўксигача ботиб турган қорни тепалар, йўл очган бўлар, бир-икки қадам силжилар, иш шу зайлда давом этарди. Одамлар алмашиниб-алмашиниб ўн-ўн бештаси қор тепиб бўлгач, ундан сўнг бўш отни олдинга етаклаш имкони бўларди. Бўш от ҳам узангисигача, қорнигача қорга ботиб ўн-ўн беш қадам юртгач, чарчаб тўхтаб қоларди. Бир от тўхтадимми, уни четга тортиларди. Кейин бошқа бир бўш отни олдинга тортишга тўғри келарди. Мана шу тарзда ўн-ўн беш кишининг отларигина олдинга силжилди. Қор теувишлар шу тарзда олдинга силжиландилар кейин қолган барча йигитлар ва Бобур тили билан айтганда бек аталганлар отларидан ҳам тушмай тайёр тепилган ва босилган йўлга кириб бошлари қуйи солинган бир ҳолатда қор теувишларга эргашиб келишарди. Вазият шундай эдики, ҳамма ўзи билан ўзи овоза эди. Одамларнинг фикри ёди биргина сабр қилиш, эсон-омон атрофда уюлиб ётган суқунатга ошно бўлиб қолган улкан, ҳадсиз қорлар уюмидан чиқиб олиш эди.

Шу усулда йўл қила-қила Инжуқондан ўтилиб, уч-тўрт кун деганда Заррин довоинининг тубига “Хаволи Кутий” деган горга келинди. Бобур бу горнинг Хаволи Кутий дейлишини Қосимбекдан эшитганди. Айтишларича, ерли аҳоли тоғ бағридаги гор ва ковакларни хавоғ дейишаркан. Бу жойларда гор ва коваклар кўлигидан Хаволи Кутий дейиларкан. Олдиндагилар хали кун ёруғ пайти шу манзилга етиб келишди. Бу вақтда Хавонинг важоҳати ўзгарганди. Осмон қорамтир тусга кирганди. Шамол кўзгагарди. Кун ниҳоятда қиска эди. Олдидагилар ёруғда гор олдига етиб келишган бўлса, қолганлар намозшом, то хуфтон намозига аста-аста етиб келишар. Ордаги ҳар эса тўхташга мажбур бўлишди. Сабаби, тунда қор бўрони авжига чиқти. Одамлар ўлим ваҳимасига тушиб қолдишди. Чунки қаттиқ шамол гувишлар, қор ёғиши қурайганди. Ҳамма жиддий қиёфада. Ора-сира зарур бўлгандагина сўзлашдиларди. Тоҳ-тоҳида “Ё Раббим, ўз паноҳингда асра!”, деган нидоғлар беихтиёр айтишарди. Ҳамма ўзини Яратган Аллоҳ ихтиёрига топшириб қўйганди.

Гор олдига борилганда Бобур кўлига курак олди. Қор қурашга киришди. Ошпоқ қор уюмларини кесиб-кесиб четга иртгита бошлади. Кўкрагигача чуқурликда қазиб қураса ҳам, курак ерга етмас эди. Қор ана шунанга қалин ёққанди. Унинг қавлаб қазитан жойи бир оз шамолдан, қор бўронидан пана бўлди. У шу жойга жойланди. Мулозимлари “Гор ичига киринг; — ҳар холда у жой бу ердан дуруст” дейишса-да у кўнмади. “Кўпчилик қор ичига, бўронда қолган бўлса, иссиқ жойда истироҳатга ўтирай деб гор ичига кириб олайми? Ҳамма машаққат ва ваҳимада бўлса, мен роҳат-фароғатда бўлсам яхшимасдир”, деган мулоҳазалар уни чулғаб олганди. Бу мурувват ва ҳамжихатликка кирмас, деб ўйларди у. “Одамлар нима бўлса мен ҳам бўлайин, ташвиш тортса бирга тортай”. Кейин “Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир”, деган форсий маколни эсларди. У қор куюнида, ўзи қазитан чуқурда хуфтон намозигача танҳо ўтираркан, тез ёғётган қорга қараб-қараб кўярди. Дилида “Эй Аллоҳ, бандларингнинг паноҳингда асра”, дерди. У энгашиб ўтиртани учун шу қиска

фурқат ичига орқаси, қулоқлари, боши устига тўрт энликдан доғери қор ёғиб улгурган эди.

Намоз пайти гор ичини қузатганлар ўтиртган жойида намозини қор қилган подшоҳа:

— Гор ичи жуда кенг экан, унда ҳаммага етарли жой бор. Деб айтишди. Бобур устидати қорларни силкиб, гор ичига кирди. Бобурдан ҳам горнинг ичи кенг эди. У ташқарида қолган йилгидарини ҳам ичкари киришга булорди. Иккони борича қирқ-элликдан энди кини фароғатли жойга жойланди. Ҳамма ўринларини тоғдан, оққатлашиш таралдулига тушдилар. Қим қуритилган осмон, қорурлок, нимаики бўлса баҳам кўришга киришди. Одамлар ташқарида қаттиқ совуқ, қор ва бўрон бўлишига қарамай, гор ичига жиндаққина иссиқ, хатарсизлик ва фароғат топа болашди.

Бироя ўтиртган жойда, бироя ёнбошлаб уйкута кетди. Бобур қим кечон кўзи илинганини эслолмади қолди. Сахарга яқин туш қурди. Тушида Қосимбек, унга пичоқ тақдим этармиш. Пичоқни кўлига олиб унинг тигига тирноғини қорғизиб кўриб “чархлаш кермак” дермиш. Кейин баланд бино қурилагётган жойда қорармиш. Усталар хали битмаган пишпик гилгили бу бино устига тўсин ташлармишлар. Ёнма-ён ташланган икки тўсин устига қимлардир янги чўтдай қип-қизил гиламни ташлаб, “Қани хуқмдорим, ўтсувлар,” — деб Бобурни тақтиф этармишлар.

Юрати ҳажондан ҳаприққан Бобур уйғониб кетди. Кўрган тушини мулоҳаза қилган бўлди. Тиг ва чўтдай гиламни яхшилик аломати деб тушунди. Горнинг оғзи ёришиб қолганди. Бомдод намозни ўқиш учун ташқарига чиқди. Йилгилар қор тешишга қаришган эди. У гордан чиққанда маълум бўлдики, қор ва бўрон тинмаган эди. Қаттиқ изғирин шамол кечати зайл давом этар, қор ҳамон бўралаб ёғарди. Аммо одамларнинг озгина дам олганликларидан уларда яна тезроқ йўлга отланиш, иложи бўлса бу совуқ ва кўз очирмас бўронни ортда қолдириб илгарилаб кетишга ундаб турди. Яна ҳар кунгидай қор тешиб, йўл ясаб олдинга қориш бошланди. Йўл қир бўйлаб, юқорилаб кетганди. Тепада, очик жойда

изгирин каттик бўлишини билгилгани учун йўловчилар энди Заррин довоннинг юкорисига караб эмас, дара ичига пастлик сари йўл солишди. Довоннинг пастига етганда кун кеч бўлди. Улар дара оғзидак тўхташди. Кеч тушиши билан совук ҳам авжга чикти. Тун кўп машаққат ва уқубатлар билан ўтказилди. Шу кеч кўлчиликнинг кўл-оёқларини совук олди. Бунинг ҳам имкони борича чораси кўрилди. Кетаётган томонлари йўл эмаслигини билга туриб йўловчилар таваккал қилиб яна йўлга тушдилар. Баланд-паст ерлардан юрилди. Улар кун бўйи шундай юришиб, намозшом пайти даранинг оғзидан чикишди.

Катта қалин қор тушган пайтларда бу довондан халти ҳеч бир одам ўтганини бирор кимса эслолмайди. Бу хатарли довондан қор-бўрон бўлаётган дамда ўтиб олиш ҳеч кимга насиб қилмаганди. Бобур бошлик суворийларига бунга муяссар бўлдилар. Сафидан бирорта навқар нобуд бўлмай довондан ўтиб олганликлари уларнинг омади эди. Қолаверса, қалин қор ҳам уларни ўлкадан асраб қолганди. Бўлмаса қолини баланд-паст ерлардан отда ўтишда албатта навқарларнинг нобуд бўлиши, от ва туяларнинг қирилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Бу ҳам бўлса подшоҳ Бобурга омад қилиб боқаётганидан дарак эди, гўё.

Суворийлар Бомисён, Шибарту довонлари, Жангалақдан ўтиб Қобулга яқинлашдилар. Шундан хабар келдики, Бобур Хиротга кетганидан кейин Хусайн Мирзо дутлаг Султон Санжаар бардослар Мирзохонни подшоҳ қилишиб, Қобулга камал этишган, хукмронлик Мирзохон қўлига ўтган. Қобулда қолган Бобур та-рафдорлари иложсиз қолади. Бобур халти Рамазон ойи бошланмай Хиротдалик вақтидаёқ бунни юрати сезган эди. “Қобул қўлдан чиқди”, деб хавотир тортганди. Худди шу хавотирда бўлган дамларида Бобур Хиротда подшоҳлар зиёфатларида эди. У йигирма кундан олтик Хиротда Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар мекмони бўлиб, иззаг-хурматда юрсата, Қобулда “Бобур Мирзонни подшоҳлар тутушиб Ихтиёридин қалъасига қамагилар”, дейилган фитна гаплар тарқатилган ва Қобулга эгаллаш максалида шундай қилинганди. У давр шундай фитна-фасодлар даври эди.

Шу жойда кизик ҳолат содир бўлади. Бобур юкори йўл билан Дасти кўлакдан чиқиб тонг пайтида Ҳамза султон кароргоҳига кириб боради. Ҳеч ким йўк. У ерда ўша ерлик икки дехқондан бошқа ҳеч ким қолмаган эди. Ҳамза сўйтон бўлса кундузи пешини намози вақтида “Бобур подшоҳ Дасти кўлакда тўхтаган” хабарини эшитиб, пастки йўл билан унинг изига тушган бўлади. Бобур эса унинг ортидан йўлга тушади. Бобур ва унинг одамлари “Ҳамза султоннинг кучи бизга етмайди” деб гап қилишади. Ҳамза султон эса, “Бобур подшоҳ оз сонли лашкар билан келган, ментга кучи етмайди”, деб ўйлайди. Иккала тараф мана шундай изма-из юриш натижасида бир-бирларидан кўрка бошланади. Ўша кечани сиёк Бобур Кундузга кайтади. Ҳамза султон эса Хисорга жуфтакани ростлаб қолади. Икковлари ҳам жанг бўлишидан Аллоҳ асрагани учун унга шукрлар айтишади. Қон тўқилишидан сақлаган Тангри таолога ҳамду санолар айтишади.

Бобур бу даврда катта подшоҳ эди. Бадахшон, Кундуз, Қобул, Қандаҳор вилоятлари унинг тасарруфида эди. Қолаверса, Мовароуннаҳрда унинг таъсир доираси кенг эди. Ота тарафдан ҳам, давр сиёсий қатламларида таъсир эта олиш ҳуқуқи унинг уннинг ўша ниётларида бор эди. Шунинг учун ҳам катта кучга эга бўлган Шох Исмоил Мовароуннаҳр масалаларида у билан хисоблашмасдан илжожи йўк эди. Бундан ташқари, Бобур подшоҳда ажиб бир фазилат ҳам бор эди. У Шайбонийхон сингари сиёсий вазиятларда кўр-кўрона иш тутмасди. Вазиятни ақл тарозисида бир неча бор ўлчаб ҳукм чиқарарди. Ҳеч қачон шовилмасди. Ўтганларнинг, айниқса Темур бобосининг тажрибаларини тез-тез

мулоҳаза қилар, кенгаш иштирокчиларининг ҳар бир фикрини мулоҳаза қўриб, сўнг тўғри ҳулосага келишга ўранган эди. Шунинг учун ҳам Шох Исмоил унинг ораси Хонзода бегимга яхши муносабатда бўлиб, уни туркманлар асирлигидан ҳалос қилиб, солиқ-саломлар билан ўз элчиси орқали Бобур ҳузурига юборарди. Хонзода бегимни Шайбонийхон “ўқасининг маслаҳати билан менинг ҳаётимга қасд қилмасин”, деб ўйлаб кўрқиб талок қилган эди. Уни оёрўли одами Саид Ходига бериб юборган эди. Саид Ходи Марвадги жангга ўлади. Шох Исмоил Хонзода бегимни Шайбонийхондан дунёга келган ўгли Хуррамшоҳ билан ўқаси ҳузурига жўнатади. Бобур ораси ва элчинини иззат-ҳурмат қилган ҳолда кутиб олади ва ўз навбатида Мирзохонни соғина-соғинлар билан ундан мадад сўраб ҳузурига юборарди. Шох Исмоил Мирзохонни яхши қабул қилади. Бобур айтиб юборган илтимосларга розилигини билдиради. Худди шу яхшиликлар содир бўлаётган фурсатларда (албатта Бобур учун) Саид Муҳаммад Мирзодан (Бобурнинг яқин қариндоши) “Фарғона вилояти, Сиз яъни Андижон Шайбоний одамларидан тўла тозаланди, Сиз нима десангиз биз шунга қиламиз”, деган хабар келади. Бобур бу хабардан беҳад хурсанд бўлади. Ота юрти душмандан ҳалос бўлганидан қувониб, Саид Муҳаммад Мирзодан эшитибок, Султон Саидхонни Андижонга юртни бошқаришга юборарди.

Карангки, худди шу пайтда бир гуруҳ фитначи беклар Султон Саидхонни ўз жигари Бобурга гиж-гижлаётган эди. Нима деб, деген? “Султон Саидхон! Агар сиз розилик берсангиз Бобурни ўртадан олиб ташлаб, подшоҳликнинг бутун бор-будини ва тахти-тожини сизга топширсак, чунки хозирги ҳолатда мўтулларнинг куч-қуввати йилгирма минг лашкарни ташқил қилади, қитатойларники бор-йўғи беш мингга яқин”, дейишади.

Кўрдингизми, маҳаллийчилик, майдакашлик, тарафқашлик, ўша замонларда ҳам миллатнинг, мамлакатнинг катта манфаатлари белгига болта ураётган эди. Бу тарихий мавзуда ёзилган мақсад ҳам ўша фожияларни чуқурроқ таҳлил этиш, халқимизни ўшандай фожиялар тақрорланишидан огоҳ этишдир.

хи Рашидий” да ёганидек: Бобур ўзи мансаб бериб мартабани кўтарган, хурмат килгани “Мижози бузук бу нусхалар соғлом фикр юритиш, мулоҳазакорлик ўрнига мунофиқлик ва хусумат йўлини туттишди. Улар исён кўтаришиб, бўйинпарига ... танки лаънатни олишти”.

Бобур уларни йўлга солишга ҳаракат қилиб кўрди. Йўк. Улар кўнишмади. Курол ишлатишга боришди. Бобур ҳам ўз наби Кундуздан лашкар чақирди. Мир Қосим бошлик кўп сонли лашкар етиб келди. Жанг бўлди. Ўнг канотда жойлашган исёнчилар маглуб бўлди. Кўплари асир тушиб қилмишга яраша жазо олдидар. Бобурга энг яқин инсон Мир Ширин, укаси Мазидбеклар эса бу нолойик ишлари учун рухан эзилган холда яшашга мажбур бўлдилар. Мазидбек Тибетга кетиб тирикчилик кўйида юрганли бошита тош тушиб ҳалок бўлди.

Кейинчалик Мир Ширим Бобур хузурига келди. Гуноҳидан ўтишини ёлвориб сўради. Юмшок кўнгил, бағрикент инсон Бобур подшоҳ уни кечирди. Аввалги унинг хизматларини эслаб, унга иззат-хурмат кўрсатди. Кўп ўтмай Мир Ширим вафот этди, Бобур унинг ўлими маросимларини ўтказишда бевоस्ता ўзи бошқош бўлди.

Карантки, Бобурнинг ўз яқинлари шундай қилиб турган бир пайтда, бетоналар ғаразлари авжига чиқди. Бобур хузурига элчилик расми билан келган (Шоҳ Исмоилдан) Муҳаммадҷон лозимлар тақдирлаш барча меҳмонлар ва амалдор, бек, мурлади. Бундан Муҳаммадҷон эшикоғаси ранжийди. Шоҳ Исмоил дам олаётган кишлоқ пайтида унинг хузурига бориб, “Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо сизга қаршилик ва бўйсунмаслик ҳукмдорнинг муносабатларини бузувчи бундай шахслар ўша замонда тўлиб-тошган эди. Оғина манфаат учун ўзини томдан ташлашга тайёр одамлар ҳозирда қандай бўлса, у даврларда ҳам шундай эди.

Шу ўрнида яна бир нарсани эслаб кўйишимизга тўғри келади. Шоҳ Исмоил Бобурга қатта ишонч билдирди. Сабабики, Темуршоҳлар ичиде юрт бошқариш, мамлакатнинг чап ва ўнгини босиб дароқ қила оладиган, салохиятги инсон у эди. Шунинг эса кам Шоҳ Исмоил: “Ул ҳазрат Мовароуннаҳр мамлакатидан келганиш ўз тасарруфи доирасига киритса, шунчасига эгаллик қилганиш”, деган фармон ҳам чиқарган эди. Бобурнинг ҳақдорлари мана шундай асосга эга эди. Шунинг учун ҳам у бу фаронларда бедови устида олов бўлиб учиб юрарди. У тўёки Мовароуннаҳр бўйлаб чакнаётган чакин эди. Бу чакин томонидан Хамза султон ва Маҳди султонларнинг ўлим топиши табиий воқеа эди. Асосли эди. Чунки у мулк вориси эди. Мана у нима қилган эди, ўз мактубида Шоҳ Исмоилга: “Агар донгдор амирларнингдан бири олпий мақоли фозийларнинг бир гуруҳи билан бирга келиб, бу мухлиснингизга кўнчилиса, тез фурсат ичиде Мовароуннаҳрнинг бошқа мамлакатлари ҳам фатҳ қилиниши ва бу вилоятларда хутбаю танганинг шаханшоҳ номи ва ота-бобоси исми билан зийнат топиб, ғанимларнинг эса жаҳонбонглик пойдевори кўнориб ташланишига умидимиз бор”.

Шоҳ Исмоил шу мактубдан кейин дарҳол “Ахмадбек Сўфи ўли ва Шоҳруҳбек Афшор уруш тўқайи арслонларидан бир тўқаси билан Хисори Шодмонга бориб, Муҳаммад Бобур Мирзога қўрам берсинлар ва ул олам султонлари сираси мавқабиде исми қавмларига қарши уруш ва жанг қилсинлар”, дея бўйрук берди.

Шу йўсиндаги икки қатта сарқардаларнинг муносабатлари тўғрили, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ёвдан озод қилинади. Бу шаҳарда Бобур мактубида ёзилганидек Хутба ва танга маъсум номдорнинг шарафли ва фахрли зикри ва саййидлик паноҳли, Исқандар қойдаги Шоҳ Исмоилнинг исми ва ота-бобоси олқини билан безанади. Шундан кейин юқоридеги ҳикоятимизда баён қилишимиздек, Бобур энг аввал Ахмадбек Сўфи ўғли ва Шоҳруҳбекларни қимматбаҳо совғалар билан сийлайди. Шулар қаторида бирча амалдор, мулозим ва беклар, ҳамма-хаммани тақдирлаш

бўйича кўрсатма беради. Нимагадир Муҳаммадjon эшикоғасини такдирлашда гафлат босиб қолади. Бу албатта, Бобурнинг эмас, ё фитначиларнинг иши, ё паршонхохтирлик туфайли содир бўлганди. Лекин бу тоза қалб инсон, ҳамма нарсани тўғри тушунишни улут саркарда Бобурга отир ботган эди.

Энди Шох Исмоил томонидан келган лашкар ва лашкарбошилар Аҳмадбек Сўфи ўғли ва Шохруҳбекларни кузатиб бўлган ҳам эдики, уларнинг кетганидан хабар топган Темур султон, Убайдулло султон ўз ёнига Жонибек султон — қатта кўшinni бор қариндошини олиб Бухоро сари юришни бошлайди. Оз сонли кўшinni бўлишига қарамай, Бобурнинг кўшinni билан келади. Лекин ёв тараф кўчигилик эди. Бундан ташқари, Бобурнинг кўшinni орасида юқоридаги фитначилар бос тарқаш содир бўла бошлайди. Шундан кейин унинг бу уринишлардан ҳафсаласи пир бўлиб, отининг жиговинни жанг майдонидан Бухоро сари бурди. У ерда туришни ўзига маъқул кўрмай, Самарқанд сари юзланди. Ойда, бола-чакаларини олди-да, бир тўрух кўшinni ўзига эргаштириб Самарқандни тарқ этди.

Самарқанд ташлаб чиқиб кетишгандан кейин ҳам Бобур билан юрганлар орасида хиёнат йўлига юриб, уни ташлаб қочишга ҳаракат қилганлар кўп бўлди. Бобур жойларни талон-торож қилиб юривчи урушқок афтонларга зарба берishi учун бир неча бор уруш олиб боргани унинг “Вакоънома”сида тилга олиб ўтилган. Ёз фасли эди. Ана шундай қорилардан бири Мукур тушроғида Махманд афтонларини енгиб келгандан кейин бир неча кун ўтиб, Кўчбек, Факир Али Каримдод ва Бобо деган танқуриқчиси қочиб пайида эканини билиб қолади. Улар қочиб кетаётганда одамлари бориб тутиб келадилар. Жаҳонгир Мирзо тиригиди ҳам булар ҳақида Бобур кўп шубҳали гапларни эшитган эди. Уларни бозор бошида қатти этишга буюради. Бўйнига аркон солиб осаётган пайтда Қосимбек Халифани Бобур подшоҳ олдига юбориб авф этишни сўрайди. Бекнинг хўрматидан подшоҳ уларни авф этади, лекин зиндонга солишларини тайин этади. Албатта, сиёсат

буни шундай қилиниши керак эди. Бундай ҳусумат йўлини танлаганлар, Бобур ёнида юриб туриб у билан ёвлашганлар янги бўлди. Бобур уларнинг кўпчилигини кечирди. Турли-туман сўзларга қулук солмади, аммо ҳамisha қатта мақсад ва ҳаёт ишлар сари интилиб яшайди. Буни биз унинг Қобулдаги қағрилик даврида ҳам, Ҳиндистонни қўлга киритгандан кейинги фаоллигида ҳам аниқ кўраемиз.

СИНГАН БАРМОҚ АЗОБИ

Римазон ойи. Беклар, мулозимлар, хатто лашкар ҳам рўзадор. Бобур бу ойни ўзгача қадрлайди. Рўзани қолдирмай тутади. Навозини қанда қилмайди. Таробех навозлари мунтазам ўқилади. Қуръони қаримни хатм қилиш, унинг савобини ўтганларга бағи-лошлар бўлиб ўтади. Бобур бундай тадбирларда доимо фаол бўлиши.

Унинг учун энг маъқули хос беклари уни навобатма-навобат ифторликка тақриф қилиб турадилар. Подшоҳни сийлашдан мақсад унга бўлган селокатини изҳор қилишдир. Бобур буни яхши билиди. Шунинг учун тақлифларни рад қилмайди. Хурсандчилик билан боради. Борганда ҳам қўруқ бормайди. Албатта, ўша бекнинг рўзғорига яроқли бир нима топириб келади. Мана, бутун Қосимбекниқига кетишпайти. Бутунги шанба кунлик ифторлик унинг уйида бўлади.

Хондонга ташриф буюришди. Дастурхон тузатиб усти ёпиб қўйилган экан. Меҳмонлар кириб жой-жойига ўтиришгач, тўрда ўтирган шайхулислом подшоҳ Бобур тарафга хиёл энгашиб ундан дуо қилишга ижозат олди. Дуо қилинди. Пойгақда — эшик ёнида ўтирган Қосимбек тавзим қилган ҳолда “Хуш келибсизлар” дея қўлимсиратган ҳолда мамнувлиқ изҳор қилди ва дастурхонни очиб қўйишга ижозат олди. Шом пайти белгиси бўлувчи оҳубат бўлиб турди. Азон айтилиб, ифторлик бошланди. Оғзини очиб оз-оз тамадли қилинди. Кетар пайтида ифторликни таш-

кил этган Қосимбек ва унинг хонадони, ахли аёллари, фарзандлари хақиға, шунингдек анъаната бинюан подшоҳ Бобур Мирзо мартабасининг эиёда бўлишини Яратган Эгамнинг ўзидан тилаб фотиха килинди. Қосимбек нефторлик шарофати дея подшоҳ хазратларига битта этарилган от, меҳмонларга совғалар тортик килди. Халифа жаноблари яқшанба кунги нефторлик ўз уйида бўлишини эълон килди.

Ойнинг ун учинчисида Бобур подшоҳ хазратлари исёнчи Юсуф Алпини бу йўлдан кайтарип, агар кўнмаса орадан бутунлай кўтариб ташлаш фикрида йўлга отланишта бўйрук килади. Отланилиб йўлга тушилиди. Деҳи Якуб дарёсининг Қобул тарафидати сайхонликларида тўхташади. Бу ердан жунар чоғи Бобохон ахтачи деган бадковок, хунук башара, калта бўй бу инсон подшохта бефаросатлиги боис унча яхши бўлмаган отни миништа олиб келди. Подшоҳ отни кўради-да, ахволни сезади. Шу ип иккинчи такрорданмаслиги учун Бобохон ахтачи башарасига бир мушт туширади. Ахтачининг бурнидан шариллаб кон окади. У конли кўлларини юзига тутганча подшоҳ оёғига бош кўяди:

— Хужмдорим, мени кечиринг! Мен ярамас, билмай бу ишни килиб кўйдим. Гуноҳимни авф этинг, — дейди.

Бобур нари кетади. Унга бошка от келтирадилар. Миниб йўлга тушади. Мулозим ва сарбозлар ортидан эргашадилар. Уша мушт туширганда унинг тўртинчи бармоти остидан синган эди. Қизилчипкада ўша пайт офрик сезилмади. Келиб кўним жойда тўхтаганда, кўл пишди, офрик кучади. У табибта муружлан этишта мажбур бўлади. Табиб бармок остидан синганини айтиб, муолажани бошлайди.

Подшоҳ синган бармок туфайли анча азобланди. Бу фурсатда у ёза олмай колди. Аммо илгари ёзганларини синган бармок тузатунча такрорлаб, тахлил килиб юрди. Мана ўша илгари ёзгани байт ва рубойлари:

*Муъссар бўлмаса бошимни куймоқлик оёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етганча келгайман.*

Бу байтдаги шoir Бобурни сархуш этган ҳолат бошни оёғига куйилининг муъссар бўлмаганлигию, бош олиб оёқ етганча келишининг иложсизлиги эди. Шoir Бобур бу мантикнинг накараричи келганидан ва туркий забоннинг такрор ҳолатда янада шилишиб кетаётганидан ўзида йўк лаззат толарди, толарди-да, унга ўзи кулимсираб кўярди. Мана бу байтлардаги бир сўзининг иккин маънода келишлари эса тамоман бошқача хузур-халоват эди унинг учун:

*Не сарда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Гарбингга тараххум айлагилким, андикжонийдур.*

Мана:

*Лабдинг базримни қон қилди, кўзимдин ёш равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.*

“Андадур чун жони” билан “андикжоний” сўзларининг келмакет келаетгани унга болалиги ўтган, киндик кони тўкилган илтиши — Андикжондек масканин эслаганидан эди. Кейинги байтнинг “сўрорим бор” дан шoir Бобур ўзи ҳам хайратта тушган эди. У шу фикрлар асносида мулохазаларга бораркан, “шеърни шилловчи куйидаги рубойидан кандай маънолар уқди экан”, деган маъноларга борди ва рубойини янчида ўзига ўзи такрорлашга тушди:

*Хижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
Гар ул сори борсанг, бодурур дилхоҳим:
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгойсен,
Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим.*

У рубойини тўлалигича бир мартаба ўқиган бўлса, куйидаги сўз бирикмасини тўрт марта такрорлади:

1. Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим,
2. Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим,
3. Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим,
4. Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим.

Суюкли ёрлари — жонидан ортик кўрувчи фарзандларининг оналари Гулрух бетим билан Мохим бетим исмлиари кайд этилган ушбу сағрдаги тўрт маънодан тинглагувчи ҳам Бобурнинг ўзидек хайратга туша олармикан-а?! Шу савол уни ўйданттирарди. Шундан у севиниб кетиб ўз холатига оид ўзининг бошидан ўтаётган воқеаларни маълум даражада баён қилувчи рубоийларни ўқигишга киришди:

*Толе йўкки жонимга бағолоғиз бўлди,
Хар шиники айладим хитолоғиз бўлди.
Ўз ерни кўйиб Хинд сори юзландим,
Ёраб нешайин, не юз қароғиз бўлди.*

Бобур подшоҳ Ярагван Тангри берган қисматдан эмас, “толге йўк”лигидан ўксинади. Бу унинг учун “Ўз ерни” кўйиб “Хинд сори” юзланиш эди. Шуниси унга алам қиларди. Ўзи туттилган, ўзи улгайтган маскандан айрилиш унинг учун “юз қароғиз” эди. Ахир, ўзингиз айтинг, жаннатмакон ватан қаердаю, иқлими бу қадар қаттиқ жойлар қайда.

Бобур кўзларида ёш халқалангандек бўлди. Бу аччиқ, аламли холатда озор бериб оғриб турган синган бармоғи азобларини ҳам унутди. Яна бошқа рубоийларини хотирлай бошлади:

*Беқайдему хароби сийм эрмасмен,
Хам мол йизгиттирур лалим эрмасмен.
“Қобулда иқомат қилди Бобур” дерсиз,
Андоқ демангизким, мўким эрмасмен.*

Яна унинг лаблари кимирлай бошлади. Остидаги бедови унга ҳамдардлик билдиргандай бошини сарак-сарак қилиб қимирлатиб кўйди ва пишқирди ҳам. Оғлар оғир-оғир, шопилмай одимлаб бормокда. Улар узок йўртиб юрганларидан толқикшиган шунинг учун қадамларини секинлатганлар. Подшоҳ бошлик суворийлар ҳам хаёлга чўмган. Атрофда отнинг қадамида-ну, тўёклар остида қолиб кетаётган ўтларнинг шиттириланишдан бошқа садо йўқ:

*Бу олам аро ажаб оламлар кўрдим,
Олам элидан турфа ситамлар кўрдим.
Хар қим бу “Вақоъ”ни ўқур, билгайқим,
Не ранжур, не меҳнатур, не замлар кўрдим.*

“Олам элидан турфа ситамлар кўргани,” мана қуни кеча Ылобохон ахтачининг “ахир, бу подшоҳи оламу,” демасдан қилган муомаласи эди. Оқибатда “мана сенга, драмас,” деб бир мушт ўқирган эди, бари бир озорини тортди. Яхши, бир неча кун мобо берган кўли тузалди. Ботгидай яна қалам ушлаш имкони бўлди. Шўжрлар бўлсинки, ижодий ишлари энди юришга бошлади. Ўтган оқшом шам ёруғида ёзилжак “Мухтасар” асари учун Амилшербекнинг тўрт девонидан ажратаётгани бахрлар, вазнлар тартиби билан кўчирётгани газал ва байтларни анча-мунча ёзиб кўлди. Хар оқшом шундай иш қилиб турса, Тангри насиб этса бақорга чиқиб “Мухтасар”ни якунига етказарди. Бунинг учун энё-фитлардан сал узокрок бўлиш керак. Подшоҳ шуларни мулохазаларкан, “ха, шундай қилиш керак”, деб кўйди ўзига ўзи. Аммо қили олдинда иш кўл эди. Хиндистон заботига жиддий кирилиш керак эди.

ДЎСТБЕКНИНГ ВАФОТИ

Бобур подшоҳ Қобулда ўз мавқени анча тиклаб олгач, ўша маълини доим банд этиб олган “Хиндистонни” забот этиш режасига киришган эди. Юқорийда хикой қилганимиз, Бахжур ва Бехра нилоғларидagi кўрғонларни (Шимолий Хиндистон) кўлга қиритгач, у бошқа вилоятларга юриш қила бошлади. Бу юришлар анча машаққатли ва кийин кечарди.

Бир кун у Қобул ва Синд дарёларининг қўшинишидан пастрок, Нилбодан (бу ҳам битта вилоят) юқоридек — икки дарёнинг орасида дашқарларини тўхтатади. Тушга яқин фурсат эди. Қўшинни дарёдан олиб ўтиш керак эди. Нилбодан олтига кема олиб келтирилади. Кемалар ўнг канот, чап канот, марказ қўшин-

ларига бўлиб берилади. Аскарлар дарёдан ўтишга астойдил киришадилар. Душанба кўни бошланган дарёдан ўтиш, кечяю-кўндуз ўтгилишига карамай, пайшанба кўни тушдан кейин ҳам давом этади. Пайшанба кўни офтоб чараклаб турган пайтида кўшнини дарё кирғоғидан кўзгалди. Эртасига ҳам йўл юрилиб Битромга етиб келинади.

Кечувдан ўтиш пайтида Нишобликлар Бобурга зирҳин от (махсуе ўк ўтмайдинган от устига ёпиладиган жихоз) совға қилишиб, илтифот кўрсатадилар. Ўша вақтда у томон — бу томон бир-бирита илтифот кўрсатиш одат тусига кирган эди. Бобур бу одатни ўзи бораётган вилоятларга сира қанда қилмай амалга оширишга эришарди. Бу билан у томонни ҳамжихатликка чакларар, муносабатларни жантовар тусда эмас, тинчлик йўли билан барқарорлаштирарди. Мухаммад Али жанг-жанг, Хаатийга, яна Малик Пухон ва Малик Мусоларга берган совғалари Бобурнинг эътиборли ишлар қилганидан дарак бериб турибди. Мана, мисол учун Малик Пухон ва Малик Мусоларга берган совғаларини санаб ўтайлик: “Ҳиндистон совғаларидан юз мисколдан қумуш, бир тўнлик (кийимлик) мато, учтадан хўқиз, биттадан товмиш бериб, бошқаларга ҳам мавкеига муносиб тарзда пул, мато, хўқиз ва товмиш иноят қилади. Энди шундан кейин Бобур подшоҳ Али Масжид деган жойга борганда Марбриф исмли совға-сағом қилиб бирмунча дон-дун, унта кўй, икки уюм туруч, саккизга қалта пишлок олиб чиқиб (пешкаш келтириш) топиради. Бундай олди-бердилар “Бобурнома” да кўп ёзилди кейинчалик. Кўриниб турибдики, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўша даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Кишилар ўша замонларда ҳам бир-бирларини сийлаб яшаганлар. Бундай сийлаш, тортиқ бериш борасида Бобур бекитс химматга эга эди.

Улар Али Масжиддан Ялабирга ўтадилар. Бобур етакчилигини да кўшн пешин намози чоғи Жўйи Шоҳийга етиб келади. Шу кўни Дўстбек деган лашкар сардорини қаттиқ иситма тутаётгани хақида Бобурга маълум қиладилар. Бобур табибларга бу яқин лашкарбошисини тазуҷрок даволаш тўғрисида кўрсатма бера-

ди. Чунки Дўстбек энг оғир дакикаларда, айниқса, жулда хавфли кўриб бошига соя сола бошлаган даҳзаларда доимо унинг ёнида бўлишни учун ҳам уни суяр ва қадрлар эди.

Дам олинади. Жўйи Шоҳийдан тонг сахар йўлга тушадилар. Яна Вирода тушлик қилишади. Пешин намозини шу ерда ўқиниб, қўнғаладилар. Ганламақнинг Сиёҳобидан ўтиб, кечкурун намозином пайти тўхташади ва отларни тўйдиришади. Сурхобдан ўтиб, Қиржда дам олинади, — ухлаб хордик чиқаришади.

Тонг отиб-отмай яна йўлга тушилади. Қўрағута олиб бориладиган йўлнинг айрилиш жойида Бобур отининг жиловини тортиб шу ерда у ёнига беш-олти кишини олиб уларга Қўрағуда ўзи қолтирган боғни кўришга боришини айтди. Қолганларни эса Қўрағойда қутиб туришларини Халифа ва Шоҳ Хасанбекка айтаётган йўлга кузатиб қўйди. Улар Қўрағута етганда Шоҳбек арзуининг Қизил деган тавочи (хабарчиси) от чоптириб келиб қолди. У отидан ирғиб тушиб Бобур подшоҳ узангисига бош қўради ва нафасини ютиб-ютиб туриб:

— Шоҳбек Қохонни босди ва талади ва тезда ортига қайтиб келиди, — деди. Бобур бу хабарни шунчаки эшитиб қўйди-да йўлдан давом этди. Кетаятиб, “бораётганимизни ҳеч ким билмасин”, деб буюрди. Сабаби у Қобулдагиларни бесаранжом қилишни наъманётган эди. Пешин намози вақти Қуллуғқадам кўпригига етиб келишади. Лекин барибир таомилга бинван Бобурни қутиб олишни учун Хумоюн ва Комрон Мирзолар (тан кўриқчилари уларни булгани учун кўтариб олишган) шаҳар дарвозаси билан арқ дарвозаси ўртасига келишиб подшоҳга Хурмат кўрсатадилар. Аср намози вақтида Қосимбек, шаҳар қозиси, Қобулда қолган бошқа мулозим ва арбоблар шох хузурига келишиб илтифот қилишади.

Табиблар қанча муолажалар қилишмасин Дўстбек дардига даво топиша олмадилар. Иситма тушмади. У Тангри раҳматига борди. Унинг ўлими Бобурга ёмон таъсир қилди. Подшоҳнинг нафси билан бу садоқатли сардорларнинг жасади Фазнага олиб борилди. Хурмат кўрсатилган ҳолда Султон боғининг эшиги олди-то дариб этилди.

Кейинчалик Бобур Дўстбекни эсларкан уни: “жуذا яхши йилит эди”, деб ёзди ва унга бир неча саҳифа бағишлайди. “Бекнигида доим амали ўсиб борди. Саройда хос амалдорлардан бўлган пайтлари ҳам кўп яхши ишлар қилган. Жумладан, Андижонда бир ётоқ узоққа – Работи Заврақда Султон Аҳмад Танбал кечаси бостириб келди. Мен ўн беш киши билан бориб, хужумчиларни яқсон қилиб марказ кўшинигача етиб борганимда Танбал юзтача одами билан турарди. Ўшанда тўрт киши қолган эдик. Танбал бостириб келиб бошимга қилич солди. Шошиб қолдим. Иложсиз қилиб, отнинг жигловини ортга бурдим. Шунда Дўстбек бир оғорда эди. Танбалнинг ёнидан ўтаётганда унга қилич солди. Бопка бир сафар – Аҳсидан чиқаётганда Боки хез билан чоғишди”. Бобур бу манзарани кўриб туриб ичиди “Хез десалар ҳам жасур ва қиличини маҳкам тутадиганлардан эди”, деб қулиб кўйганди. Бобур Дўстбек хақида самимият билан ёзаркан, қуйидагиларни бирма-бир тасвирлаб ўтади:

“Беклик чоғлари (Дўстбек хақида гап кетапти) Султончухон султонлар билан келиб Тошкентда Аҳмад Қосимни камал қилганида, душманларнинг устига бостириб борди. Камал чоғи қатта жасурат кўрсатди. Аҳмад Қосим хабар бермай Тошкентни ташлаб чиқиб кетди. Ўшанда ҳам хонлар, султонларни яқсон қилиб, Тошкентдан осон чиқиб кетганди. Кейинроқ яна Ширим тағойи, Мазид ва уларнинг тарафдорлари Ҳазнадан икки-уч юз киши билан келаётганларида, бу мўғуллар ўзларининг уч-тўрт юз сара йилитларини Дўстбекнинг қаршисига жўнатди. Шарукон ағрофиди олдига борганларни ентиб, анча одамни отдан тушириб, жуذا кўп бош кесиб кеттирди. Бахур кўргонини эгаллашда ҳам Дўстбекнинг одамлари ҳаммадан бурун етиб бориб, кўргон девори устига чиқди. Паролада ҳам Дўстбек бориб, Хаатийга шикаст етказиб, уни қочирди”.

Бобур подшоҳ ана шундай сардор йилити – кадрдонидан айрилгани учун қаттиқ қайғурмоққа эди. Жантлардати хавфу хатарлар уларни ака-укадек жигар-бағир қилиб кўйган эди. Бу айрилик олдида Бобурнинг қайғуришида ана шундай маъно бор эди.

Шунинг учун у бир неча кун ўзини кўярга жой топа олмай юрди. У жасуратли, мард, шу билан бирга садоқатли, ҳалоулу пок йилитнинг бевақт ўлганидан изтирооб чекди. Чунки Бобур ҳам бобоси Амир Темур сингари жасуратли одамларни ўзинга дўст тутар эди. У бобоси айтиб кетган “шижоатли одамларни ўзингизга дўст тутиш”, деган ўтиптига амал қиларди.

Ана маросимлари ўтказилгандан кейин икки кун ўтказиб Бобур Дўстбекка қарашли барча вилоятларни унинг укаси Минор Носирга иноят қилди. Бу подшоҳ Бобурнинг яқин дўсти, мард инсон Дўстбек Носир хотирасига ўзининг шохлик эҳтироини эди”.

ХИНДИСТОННИ ЗАБТ ЭТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

“Ўша йилдан (1519 йил) то тўққиз юз ўттиз иккинчи (1526) йилгача Хиндистонни эгаллашга астойдил қириниб, етти-саккиз йил ичиде беш марта кўшин торгди. Бешинчи сафар Тангрон тилого ўз фазлу қарами билан Султон Иброҳимдек душманни қочури қазабига олиб яқсон этди. Хиндистондек қатта мамлакатни бепта муяссар қилди ва бўйсундирди (Ваҳоб Раҳмон таъдили).” (“Бобурнома”. 2008 йил).

Бобурнинг бу сатрларини ўқир экансиз беихтиёр соҳибқирон Амир Темурнинг ушбу юқориде Бобур томонидан кўрсатилган бопидан рошпа-роса бир юз ўттиз йил аввал Хиндистон сари қилган юришлари ёлдингизга тушади. Такдир такозоосини қарантки, элтиқолди, имонли бу инсонларнинг максадлари Аллоҳ улар қалбига солганлигидан, албатта, бир нуқтада туташган эди.

Соҳибқирон Амир Темур бу ўлгани фатҳ этганда, у жойларга бошқарипш учун тегилли амалдорларни тайинлади-да, ортита қилди. Бобур эса қайтишни хаёлига ҳам келтирмеди, хоҳламади қим. У шу жойда бир умрлик хукмрон бўлиб қилишни ва авлодоқдошлари ҳам шу жойда яшаб қилишини хоҳлади.

Энди Бобур тақдирига битилган Хиндистон билан боғлиқ бавзи бир ҳам афсонавий, ҳам ҳақиқатга яқин тафсилотлар билан танишиб ўтайлик. Муслмончилик гуллаб-яшлаган, илм-фан тараққий этиб инсон ўз ақл-заковати билан Тангри таоло бергани боис фаровон бир гўзал ҳаёт ҳақида Европада турли-туман миш-мишлар, афсоналар тўкилаётганди. Бу афсоналарда сўзсиз бу жойдаги тўжин-сочинлик ҳаёт улугланиб, бойлик, олтинларнинг беҳисоблиги Европадаги кашшок турмуш тарзини бошидан кечираётганларнинг оғзидан сувини келтирар эди. Масалан, ўша даврда Европада севиб ўқилган Пьер Д'Альбиннинг “Жаҳон манзараси” китобида баланд тоғлар ортидаги мамлакатларда одамхўр кишилар, сирена ва амазонкалар (сирена — танасида балик канолари сингари каноти бор хушовоз денгиз париси. Амазонкалар — қадимги юнон афсоналаридаги жанговар отлик хотинлар), бир ёки тўрт кўзли одамлар, ит бошли одамлар, оёғи отниқига ўхшаган одамлар ва ҳокзозлар тўтрисиди ёзилган бўлса, инглиз дворяни Жон Мандевилнинг (ўйлаб топилган муаллиф) китобида эса Хиндистон, Эрон ва Хитойга қилинган саёҳатлар ҳақида хикоя қилинади.

Жон Мандевил лофчиликда бир оз Мюнхгаузен билан беллашадиган даражада эди. У бир кунни башиқчилар яшайдиган улкан Кум денгизи соҳилига тушиб қолганини, кум тепалар денгиз тўлкинлари каби чайқалиб турганини ёзди. Бу денгизга қон дарёлари кўйилар эмиш. У жун, ун, асал ўсадиган дарахтларни кўради. Бўйи ўн икки метрлик одамлар яшайдиган оролларда бўлган эмиш. Бу ерлардаги аёллар жуда бераҳм бўлиб, бир қарашдаёқ кишиларни ҳалок қиларкан, кўзларидан нур чиқаркан-да! У жойларда олтин ва кумуш ороллари бормиш. Шу билан бирга у жойларнинг Дахшат водийси бўлиб, у водийда иблис ва ёвуз махлуклар изғиб юраркан. Улкан куш каноти бор филларни ҳамто кемаларни осмону фалакка олиб чиқиб ерга ташларкан. Бир мамлакат аҳолиси хушбўй олма хиди билан қорин тўйдирса, иккинчилари оғзи ўрнида тешикча бўлиб похол чўшидан нобори

инди орқали овқат сўраркан. Учинчиларнинг қулоғи шунақа қам қатта эканки, тагига солиб ҳам ёшиб ётса бўларкан. Тўртинчилари бошсиз бўлиб, уларнинг кўз ва оғзи кўкрагида экан. Шунанга одамлари бор мамлакатлар тоғлар ортида жойлашган бўлиб жуда олисда экан.

Мандевилнинг бу хикоялари ғайритабиий эди. Аммо у Хиндистонда саёҳатда бўлиб беш мингта яқин жойларда бўлгани рост бўлса керак.

Яна бир европалик Марко Поло отаси билан ўн тўрт йил Шарқ мамлакатларида Қрим, Ўрта Осиё, Хитой ва Хиндистонда савдо қилиб юриб яшаган. У Чингизхон авлодларининг пойтахти Хонбаллик (Пекин)да бўлди. У Бирма, Хинди Хитойча бўлган кенг майдонни кезиб, океандаги мамлакат Сипанчо (Монлия) тўтрисиди маълумотлар йиғди. Кейин у Шарқ мамлакатлари ҳақида китоб ёзди. Масалан, Марко Поло Мўғул империясининг (унинг ёзишча) пойтахти Хонбалликдаги хон саройини шундай тасвирлайди:

“Хоннинг қатта саройини тўрт мил келадиган чор девор ўраб олган (бир мил — тўрт минг қадам). Деворларнинг баландлиги ўн қулоч бўлиб, ранги оппоқ, тир айлантриб қунгирадор қилиб ишланган, ҳар бир бурчаги хашамдор саройга хусусан қол бўлиб тушган. Уларда улут хоннинг эгар-жабдуқ, турли курол-яроғлари, ўк (ёй) камонлар, ўқдон, (садоклар) эгарлар, ўзини-юганилар, камон иллари, қисқаси уруш учун керакли анжомлар шай қилиб кўйилган. Сарой бўйлаб ҳар қайси деворда ўшандай анжомлар кўзга ташланади. Деворлар орқасиди қулди шундай сарой бўлиб, у ерда ҳам ана шундай анжомлар мавжуд.

Улут хоннинг улкан саройидаги қатта ва қичик хоналарнинг деворлари олтин ва кумуш билан қопланган, уларга аждарҳолар, қушлар, отлар ва бошқа хайвонларнинг расмлари гуж қилиб солинган. Ҳаммаси олтин ва кумуш билан ишланган. Саройнинг деворлари қатта, уларнинг ҳар бирига олти мингдан энёд одам сингирини мумкин.

Улуғ хонга уч юз минг кўл хизмат қилди. Олтин кафасларди ўн минг фил, ўн минг лоқин сақланади. Байрамларда кичик хонларга гавхарлар қадалган эллик минг сарполар тортиқ қилинади. Байрамларда эса улуғ хонга ҳам совғалар, қимматбаҳо буюмлар, ясатилган юз минг от халк ва амалдорлар томонидан берилди. Туя ва филларга ортлпган (хар бири беш мингтада) олтин идиш-товоклар ҳам улуғ хонга ҳадя қилинади”.

Мана шундай бойлик ва мулкка эга Улуғ хон олдиди Европадаги хукмдорлар хукмдор эмас, бамисоли гадоё эди. Марво Поло китобини агрофилагилар шахарлардаги бойликлар, шунингдек, Хиндистондан бу шахарларга келадиган қимматбаҳо тошлар, гавхарлар, олтин буюмлар ҳақидаги тасвирлардан хайратланар, уни кўлга киритиш иштиёкида қалблари жунбушта келарди. Колумб сингари олтин — бойлик иштиёкида юракбағри ёнаётганлар қаравеллалар ясаб, океанларда бойлик ишкерида изғигани-изғитган эди. Ундан дярди икки юз йил аввал эса Сохибкирон Амир Темур бообосидан кейин юз ўттиз йил ўтгач, Бобур подшоҳ эзгу максаллар билан ғайридинларни мусулмон қилиш ниятида ўша олтин кумушларга фарк мамлакатларга кўшин тортиб борганди. Улар бу юртларни эзгуликка — нурга тўлдирди билан бирга у жойларда фаровонликни ташиқил қилиш, ўзаро урушларга чек кўйишга ҳаракат қилишди. Адولاتни барқарорлаштиришга интилишди. Юртни обод, элни фаровон яшашини таъминлашга уринишди. Айниқса, Бобур Мирзо Хиндистонни эгаллагач, у ердан кетипини хабаридан чиқариб ташлади. Ўз авлодларини ҳам шу ерда қарор топишга ундаб, ўзи хукмронлик қилган юртнинг бойлигига бойлик кўшишга, обод этишини максал қилди. Натижанда Бобурийлар сулоласи Хиндистонда шундай хашамагли бино-иншоотлар барпо этилди, бу иншоотлар мана неча асрлардирки, нафақат Европа ахлини, балки бутун дунё жамоатчилигини хайратга солиб келмоқда, хаттоки даромад ҳам келтирмоқда.

Кези келганда айтаб ўтиш керак: “Яхшидан боғ — ёмондан доғ қолади”, дейди халқ мақолларида. Бобур яхши инсон эди.

инсонини учун ҳам мана у асрлар оша яшаб келмоқда. Ёмонлар ва уни тириклик пайтидаёқ ўз жазоларини олишди. Бобур улар билан ҳам бағавселг ёзиб ўтган. Хулоса қилиб охир оқибатда шу диннинг ёзган эди:

Хар қимки вафо қилса вафо монкусидир,

Хар қимки жсафо қилса жсафо монкусидир,

Яхши киши кўрмаган ёмонлиг ҳаргиз,

Хар қимки ёмон бўлса жсазо монкусидир.

Ижориде ёзганимиздек, Қобулда туриб Бобур “етти-саккиз йил илдиди” Хиндистон сари кўшин тортиб борди. Тангри таоло дилига қариб, у бу ишни тўхтатмади. Хиндистоннинг Қобулга яқин бўлган қулдари шимолда жойлашган Бажур, Беҳра (Бобур ўзи асарини шундай ёзган) вилоятларини кўлга киритди. Хикомзининг вилоятларида Бажур, Беҳра учун олиб борилган жанглари қисман қосириб ўтганимиз. Энди уни яна давом эттирамиз.

Бобур биринчи юришида Беҳрани эгаллаган бўлса, бешинчи юришида Хиндистон Шоҳи Султон Иброҳимни енгиб, мамлакат хукмронлигини тўла кўлга оларкан, ўз “Бобурнома” асарида юз хукмронлигини тўла кўлга олишдан Хиндистонда исломнинг ёйини мусулмонлар томонидан Хиндистонда исломнинг ёйини тириктига тўхталиб ҳам ўтади. Фахр-ифтихор билан “Хиндистонни кўлга киритиш ниятида эканимиз боис бир қанча вақт туркилар тасарруфиде бўлган Беҳра, Хушоб, Чаноб, Чанут сенилари вилоятларни худди ўз мулккимиздек тасаввур қиларди”, — деган эди.

Бу гапларни ёзишда Бобур подшоҳ ҳақ эди. Негаки, бообоси Сохибкирон Амир Темур Хинд сари юриш қилиб Деҳлигача борган, Деҳли қалъасини кўлга киритиб, кўп ғайридин хиндларни мусулмон динига киритганди. У жойларда, яъни Деҳлигача бўлган барча шахарларга ўз хукмдорларини тайин этган эди, Амир Темур ортага қайтгач, айрим вилоятлар аҳолиси яна ўз динига қайтган. Яна хиндлар хукмронлиги қарор тошганди. Шунинг учун Бобур подшоҳ кейинчалик ёзганида шундай деган эди: “Мен Хиндистонни кўлга киритганда Хиндистонда бешта

мусулмон, иккита кофур подшоҳ хужмронлик қилар эди”. Кейин уларни бирма-бир санаб ўтган эди.

Биз энди хикоямиз давомида Аллоҳ насиб этса, Хиндистон фатихини батафсил тасвирлашга ҳаракат қилиб кўрамыз.

УЧ ИШ МУВОФИҚЛИГИ ВА УЧ ВАКТ БИРЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Ҳикоямизнинг аввалида баён қилганимиздек, Бобурга хиёнат қилганларнинг бир нечтаси ўлим жазосидан авф этилиб, зиндон-банд этилганди. Улар анча муддат бандда ушлаб ўтирилган эди, Бобур буларни банддан озод этишни ўйлаб юрарди. Яқпанба кунни бомдод намозига турар пайтида шу фикр унинг хаёлидан яна жонланди. Ўрдага бориб баъзи бир ишларни назорат қилиб бўлгач, мулозимлардан бирита буюрди:

— Бобо Шайх кўрнамакни олиб чиқинлар, — деди. Дарҳол уни подшоҳ хузурига олиб келишди. Бобо Шайхнинг зиндонда ёта-вериби ранглари бир аҳволга келиб қолганди. У Бобур қаршида эгилиб бошини ерга қўйди ва гуноҳимдан ўзинг, — дея ялванди. — Хизматингизда бир умр қулингиз бўлиб қоламман.

Подшоҳ бир зум унга тикилиб турди. Сўнг:

— Сарпо келтиринлар, — деди.

Унинг елкасига кимхоб тўн ёпишди.

— Авф этилдингиз, — деди ва унга ижозат берди.

Уч кун аввал Султон Хусайн Мирзонинг (Бобур унинг исмини тилга олма, доим Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, деб айтади) кизи, Муҳаммад султон Мирзонинг онаси Султон бегим Хоразмдан келган эди. У хоним тўполоқларда жон сақлаш учун ўша ёққа қочган эди. Йилибарс Султон бегимнинг укаси Эсанкуди султоннинг аёли бўлган бу аёлни Бобур ўз оспасидек хурмат қиларди. Қобулга келган бу меҳмонларни Бобур хурмат билан қутиб олади. Уларга яшашлари учун Боти Хилватдан жой тайинлайди. Улар ўрнашиб олишгач, подшоҳ уларни кўргани боради.

қилиб бўй, кўркем, ёши анча улғайиб қолган бу аёлга у эҳтиром билан эгилиб кўришади. Меҳмонлар ҳам ўз навобагида унга оқим билан жавоб қиладилар. Кейинлик ҳам бу олат икки тараф учун қондага айланиб қолган эди.

Келгуси ҳафтаги подшоҳ Хожанинг қараб отланди. У ерда сайрга бориб, тоғнинг тумшук қисмида қатта думалок султа кўрибди. Бундан максад ҳар замонанинг истаб қолганда бу думалок султа, гўзал жойга келиб бегим билан зиёфат ташкил қилиб туриш эди. Думалок султаннинг тарафига чинор ва тоғ кўрпаклари ўтказилди. Дарахлар ҳарай воқга етса, бу жой жулда ҳам султим манзил бўлиши аниқ эди. Бу тadbирлар амалга оширилгандан кейин думалок султа устидан зиёфат ўтказилди. Бу энди қобулдан анча масофада бўлган кўрпаклар анжуманлар эди.

Бобур подшоҳнинг шундай ишлари майли бор эди. Хиндистонни фатх этиш, унга астойдил иш қилиш фикри-зикрида бўлишига қарамай, атрофларга сайр қилиш, ов ишлари билан шуғулланиш, дарёларда солда бир неча беклар, мулозимлари билан оқиш қилиш унинг доимий шуғултларидан бўлган. Бу ишшуғуллари давомида табиатнинг гулла қилар, атрофни кузанини, боғ-роғ, гуллардан баҳра олушди, қушлар чуғурга қулоқ солишни, сувда шопираётган балқирани кўриб завқланишни кўри кўрарди.

“Қуриқ остидан солга ўтириш, деб ёзди у. — Овчиларнинг ишлари тўғрисида етганимизда, овчилар битта данг деган қушни тутишган экан, олиб келишди. Бу данг буюн дангни кўрган эмас-ди, ажойиб кўринишдаги қушлар”.

Думалок султада зиёфат қилиш аввал мулдагача давом этиб турди. Бир кунни зиёфатдан туриб қобулга қараб йўлга тушишади. Мул олис бўлса керак-да, улар Хожанинг деган жойда бир оз илғиб олишади. Шу ерда беклардан бири Абдулла йиртик туни билан маст холда ўзини сувга отади. Кеч қириб қолган эди, ҳаво соғинган. У совкоттанидан отига миниб айлди ва ўша ерда Қутлуғ Хожанинг типоти — яхши хизмат қилгани учун умрболда берилган уйига қолади. Эртасига қобулга борганда давралашга

ридан ўзидан кетгани учун танбех эпитади. У подшоҳ Хузурни келиб тавба қилади. Шунда Бобур унга:

— Бунча тез, — дейди кесатиб. — Бундай тавба муяссар бўлади-ми, йўқми? (Тавбани кечирса бўладими демоқчи, чотин). Дарҳол, фақат менинг зиёфатимдан бошка ерда ичмайман деб, тавба кин, — дейди. У тавба қилади. Лекин бир неча ойгина тавбасига амал қилади. Кейин яна аввалги ҳолига қайтади қолади.

Ҳеч қанча ўтмай, Шоҳ Ҳасан Шохбек уйида суҳбаг уюштирилади. Суҳбаг бахона зиёфат ҳам бўлади. У Хожа Али бошлик баъзи бек ва хос амалдорларни уйига тақлиф этади. Албатта, биринчи гада подшоҳ Бобур хазратларини. Юнус Али ва Тадойи тағойинлар ҳам Бобур билан бирга бўлишади. Зиёфат Чинор боғинини эшиги олдига солинган суратлар билан безатилган оқ уйчада бўлиб ўтади. Зиёфатга кеч қолиброк Фиёс масҳарабоз ҳам келади. Ҳазил авжига чиқади. Мақсад, уни бу мақлидан бездирити эди. Уни очикдан-очик зиёфатдан кетказишмоқчи бўлишади. У эса масҳарабозликни авжига чиқариб, зиёфатга қолишга эришади. Подшоҳ ўтиришга Турди Мухаммад кипчоқ билан Мулло китобдорни ҳам чакиртиради. Зиёфатдан кейин Бобур шу рубойини ёзади ва уни тан соқчиси Иброҳимдан зиёфат уюштирган Шоҳ Ҳасанга бериб юборади:

*Аҳбобки, баъзида гулистон хасдир,
Йўқ лек алар баъзида бизга дасиур.
Ул жамъада гар хузурни жамият бор,
Юз шукр, бу жамъа бехузур эмасиур.*

Кейинрок Бобур ушбу ғазални ёздики, бундай тўзал суҳбатли зиёфатлар шу ғазал мазмунинида тўла ифодаланган эди. Бундан шонир Бобурнинг ўзи ҳам қониқиш ҳосил қилганди:

*Ёз фасли, ёр васти, дўстларнинг суҳбати,
Шеър дарди, шик дарди, боданинг кайфияти.
Ёз фаслида чозир ичмакнинг ўзга гитти бор,
Кимга бу нашта муяссар бўлса бордир давлати.*

*Шик дардини чекиб, ҳар қимки топса васти ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг тибби бирла ҳолати.
Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт илти,
Мундин ортиқ бўлмағай Бобур жаҳоннинг ширати.*

Аmmo Бобур бу зиёфатлар, сайр-саёҳатлар бирла машғул бўлишга қарамай хотиржам эмасди. Давлат ишларини бошқариш, давлатнинг тинчлини таъминлаб туриш, мамлакатнинг кўп вилоятларини бошқаришларига қарамай ҳали у томонда, ҳали бу томонда потенциаллик бўлиб турардики, буларни барқарорлаштиришнинг зиммасида эди. Одамларга ёрдам бериш, юртни адолат билан ушлаб туриш унинг қалб амри эди.

Гардиз четрасида кўним топган Абдурахмоний афгонлари бор эди. Улар унчалик тартибга бўйсунганини хушламас эди. Хохладиларни қилишга ўраниб қолишганди. Бегуноҳларни ўлдирди, мол-мулкни тортиб олиш уларнинг касбидек гап эди. Айниқса, ушбу йўшлардан ўтаётган қарвонларнинг шўри кўп қурирди. Бечора бандогарлар ёки оддий йўловчилар улардан кўп зарар толарди. Бу ҳолатда Бобурга тез-тез хабарлар келиб турарди. Ундан ёрдам сўраганлар ҳам бўлганди. Бир кун у Ула гап укмас афгонларни тартибга келтириб қўйиш мақсадида йўлга хозирлик кўришга буйруқ берди. Жанговар ҳолатида отликлар Чапмайи Пара доводидан отландилар. Отликлар Гардизга қараб кетишаркан, бомлод намозининг текисликка чиқиб боришади. Шу ерда суворийлар бир дам инфис ростлашиб бомлод намозини ўқийшади. Кейин подшоҳ Хузурлар олдига ўтишга буйруқ беради. Улар Гардизнинг шарқ юмчиликлар жойлашган Қирмош тоғига қараб юришади. Асқарчилар ортидан марказ кўшнингнинг ўнг кўли йўлга тушади. Асқарчиларнинг қатга қисми водий бўйлаб юқорига қараб кўмак сифатида ян бир турух бекларига қарашли кўшнингни улар ортидан йўлга олиди. Уш билан йигитлар эса улар ортидан йўлга тушди. Водийнинг

юкорига караб юриш натижасида отлар тез чарчади. Подшоҳ буни сезиб турарди. Шундай қилинмаса тоғ ёнбағрига жойлашиб олган йўлгўсарларни баргараф қилишининг иложи йўк эди. Хов, пастда эса бир турух пиёда йўлгўсарлар нариги тарафдан келиб тўланишаётганини Бобур кўрди. Дарҳол, аввалги кетгандарни пастга қараб, текисликка юришини тайинлар экан, ўзи ҳам отининг жилловини ўша ёкка бурди. Бобур этиб боргунча, олдингилар сардори Хусайн бек тезда бориб уларга от солдирди. Йўлгўсарлар ўртасига қариб қилпич сола бошлади. Шу пайт отига ўк тегиб, йиқилди. Хусайн отдан учиб тушди. Ўрниданқуриши билан оётига қилпич уришди. Йиқилган Хусайнга хар тарафдан ташланишиб, чопиб ташлашди. Хусайн ортидан этиб келган йилгилар бунга қараб туришди. Бунга узоқдан кўриб, от чоптириб келётган Бобур ғазабланади. Бобур бу тарафдан этиб боргунча Галойи тоғайи, Полянда Мухаммад қолон, Абул Хасан кўрчи, Мўмин отқалар отларининг жилловини бўш кўйиб этиб келишди-да, кирк-эллик пиёда йўлгўсарларнинг ҳаммасини ўкка тутиб, қилпич билан чопиб йўк қилишди. Мўмин отқа — бу жандга уч жойидан, оти бир жойидан жароҳат олади. Йўлгўсарларни бошларини кесишиб, подшоҳ оти тўғи остига олиб келиб ташлашди. Бу вақтда энди ҳаммаёқ ёп-ёруғ тусга кирган эди. Куёш ҳам уфқдан анча бош кўтариб қолгани учун тоғ ёнбағрига туташиб кетган текисликлар кафдлек кўзга ташлана бошлаганди.

Жангчилар хавидзорда бироз тўхтаб нафас ростиётган бўлишди. Кейин йўлга кетилаётганда Хусайн билан бирга бўлган халипти беклар келиб, сафта, Бобур ёнига кўшилишди. Подшоҳ уларга дағдағта ва ғазаб билан шундай деди:

— Шунча одам қараб турдигаринг-а! Бир неча пиёда йўлгўсар аблихларга теп-текис майдонда бир йилгилни олдириб ўтирибсизлар. Сизларни унвон-мансабларингиздан маҳрум қилиб, вилоят, ерларингиздан айириб, соқолларингиздан қирқиб олиб, шаҳарларда ҳамманингни олдила сазойи қилиш керак. Токи ўз шериги учун ғанимга кўл кўтара олмаган сиздай қимсаглар ахволи бошқалар учун ибрат бўлиши керак.

Қобулга қайтиб борилди. Ҳалок бўлган Хусайннинг дафн маросими ўтказилди. Яхшики, Бобо Қашика хақида яхши хулхабар келди. У Қирмош томонга кетган аскарлар билан бирга эди. Йўлгўсарларга қарши олиб боришга хужумда у довораклик сифатини намоён этиб, бир неча душманни бир ўзи баргараф этганини беклар Бобур подшоҳга сўзлаб беришди.

Эртаси Бобур сафони боғлари сари сайрга чиқди. Майдони Рустамнинг жануб тарафидати токка борди. Қирмош тоғлари, Ынгаш тоғлари унинг оёғи остида эди. Бобур тоғлар ҳаминча Ынгаш шундай оёғи остида бўлишини жуда-жуда хуш кўрарди. Хомана шундай оёғи остида бўлишини назар солиб хузурланмоқда эди.

“УЛГЎСДИН ТИНМАДИМ УМРИМДА ХАРГИЗ ДАХЭ...”

Бир кунни аср намози пайти у Хожка Сеёрон, Борон ва Домани тоғлари этакларини сайр қилишга чиқди. Хуфтон намози пайти Момо Хотун мавзесида этиб келишди. Ўша жойда тўхтаб хуфтон намозини ўқишди. Тунни шу жойда ўтказишди. Эртасига Истагифта келиб кўнадилар. Бир кеча тунаб, эрта тонда Истагифдан яна йўлга отланишди. Санжид дараси билан ўтиб борадилар. Хожка Сеёронга яқинлашганларида Бобурнинг кўзи йўғонлиги билан келадиган илонга тушди. Илон қатта топшини ёнида ётган эди. У ёнидаги мулозимига отининг жилловини тортаркан имлади:

— Илон, узун экан-а?!

Мулозим отдан сакраб тушди-да, қатта бир топшни олиб илоннинг бошига урди. Илон ўлди. Думидан ушлаб йўл устига тортиб олиб ўтди. Илон йўғонга ўхшаб кўринди. Қилпич билан ёрган эди, ичидан нингичка узун илон чиқди. У ўлик эди, аммо ҳамма аъзолари бут эди, мулозим уни ҳам ёрди. Таажжубоки, унинг ичидан сиёкон чиқди. У ҳам ўлик, аммо бутун эди. Жониворларнинг емиши хали ҳам бўлиб улгурмаган шекилли, шундай манзара

солдир бўлди. Хожа Сеёронда дам олинди. Бобур подшоҳ шу ерда Кичкина поспон оркали буюриб, аскарларнинг белгиланган жойга зудлик билан етиб келишларини тайинлайди. Эртаси Парвон сувнинг кўшилиши жойига етишиб, сувга дори солиб баллик тўтишди. Балликхўрлик қилишди. Ундан жилиб Гулбахорга борди. Тиним йўк эди. Жойларда дам олиш, жойларда тушни ўтказиш, юриш, юриш, юриш эди факат. Гоҳ тоғ ёнбағирларида, гоҳ йўллардан тўтовсиз юриларди. Дарёлардан солда ўтиш домини ишга айланганди. Қобул дарёси. Савод дарёсидан кечув орқали ўтлгсада Синд дарёларидан, Чандовал дарёси, Бажур, Панжкӯр дарёларида солдан фойдаланиларди.

Гулбахордан жўнаб, Абул кишлоғига етиб келинди. У ерда таомланиб, кейин отландилар. Ботоги Хумга келиб кўним топибди. Эртаси у ердан жўнаб йўл-йўлакай Хожа Хонд Сайид мазори зиёрат қилинди. Жина кўргонидан солга ўтирибди. Шунди қуйдаги воқеалар бўлиб ўтди:

Дарёда солда сузишдан кўзланган мақсад жангчиларда кўнма ҳосил қилиш. Уруш бўлса жангчи тоғ ёнбағридами, дарёдами, жанг қилга билсин. Унинг машқи қанча пухта бўлса, у жанг вақти қандай ҳаракат қилишни билди. Машқи пухта аскар ғалабани таъминлаши аниқ. Бобур подшоҳ буви яхши билди. Шунинг учун аскарни гоҳ тоғ ораликларидати дараларга, гоҳ жарликларга, гоҳ солда сузиб ўтишга мажбурлайди. Мана, ҳозир ҳам у шу манзарани тақрорлатмоқда. Ўзи ҳам беқлари, мулозимлари даврасида солда сузиш одаги бор.

Жина кўргонидида солга ўтиришган эди. Дастлаб тинч, хотир-жам сузиб борилди. Панжхир дарёсининг кўшилиши жойида оқим бирдан ўзгарди. Сувнинг тез оқини солни “ўйноқлатиб” тоғ қоясининг дарё томонга туртиб чиққан жойига бориб урилди. Сол-дати Рухдам, Тангриқули, Мир Мухаммад жолабон сол тоққа урилгач, сувга йиқилишди. Солдаги йипиллар ўзларини сувга отишиб, уларни зўрға солга чиқаришди. Яхшики, жангчилар орасида сузишни яхши биладиганлари бор. Сол устидаги чинни-пиёда, қошиқ, доира сувга тушиб кетди.

Бу жойдан ўтиб, Санги Буриданнинг рўпарасига етишган ҳам эди-де, сол суи ўртасида шохтами ёки банд учун қожикган бўлса керак, қочиб кетди. Шох Хасан Шохбек ўша захоти орқасига қараб келибди, у йиқилганди Мирзоқули кўкалдоқини ушлаган эди, у қочибди. Ортдан Дарвеш Мухаммад Сарбон ҳам сувга қулаб кетди. Мирзоқули йиқилгандида қовун қарчяётган қуйдаги қовунни сол устидаги бўйрага санчипта улгурди, кейин йиқилди. Қовун йиқилганлар сувдан сузиб чиқилди. Ажабки, Мирзоқули қовунни дабдала бўлиб кетган эди. Солда сузиш бўлиб ўтгандан кейин, кеч бўлиб қолганди. Подшоҳ ва ҳамроҳлари солчиларнинг қовунни қолтирди. Эртаси дарё кирғоғидан отанилди. Интичка деган қовунни дастга кўхбача этакларига қараб торилди. Бу жойларда мисвок кўп бўлади. Мисвок типни — оғиз бўшлитини тоза туттишда қовуннинг ёрдамчи. Буюрликки, ҳамма мисвок териб олсин. Бобур подшоҳ ўзи биринчи бўлиб мисвок теришга киришди. Пешин наво-нони қовун қутуғ хожлага тегилши Ламгон қишлоғида тўхтади. Қовун қожанинг оқини ейлишиб Қобулга қайтишди.

Бу даврда Қобул атрофида Хизрхайл деган қавм бор эди. Улар Биҳар ва Масхигиромдан Қора дарёгача бўлган худудларда яшарди. Ножоиз қавм эди. Бобур кўпинлари ўтаётганда кўп бе-вақарчиликлар қилишарди. Отларни ўтиришлар, орда қолиб қолганда тўхтаган аскарларга тез-тез хужум ҳам қилишиб қочарди. Подшоҳ бундан хабар топиб турарди. У ўйлади: Уларнинг қовунини бериб, қулғини бураб қўйиш керак, шекилли.

Шундай қилинди. Кўпинни ўша тарафга қараб бурди. Сул-тонгурдан ўтиб тўхташди. Ухтаб, дам олинди. Тонг отай деб қол-ғанда кўпин хужумга ўтди. Безориларнинг кўпи хужум пайти ўл-дирилди. Бола-чака, моли қулга тушди. Кўпи тоққа қараб қочиб кетилди. Шу билан бу бемазаларнинг таноби тортиб қўйилди.

Турдибек, Бобурнинг эски танишларидан бири. Хоксор одам. Қули ютқа. Анчадан бери йўқлаб қўйини подшоҳ ўйлаб юрар-ди. Хеч фурсатини топа олмаётган эди. Тун ярмида уйқуси қоч-дино, Бобур Чорбоғдан чиқиб, посбони ва отбоқарларига “сизлар қолинглар”, деб бир ўзи йўлга тушди. Отини елдириб, мулло

Бобо кўпругидан ўтди. Деварин дараси билан кўтарилди борди Ер ости ариқларини ортда қолдириб, Хирсхона (айиқ уйи)ни олди ланиб ўтди. Бу вақтда тонг ёришган эди. Отдан тушиб, бомдодни ўқиди. Кейин Турдибек Хоксорнинг ер ости ариғига етиб борди. Турдибек подшоҳнинг келганидан хабар топиб, химоялангани холда унинг қаршисига чопиб чиқди. Ортидан хизматқори ҳам чиқди. Бобур отини хизматқор кўлига бериб, Турдибекка олиб келгани юз шохрухийни тутқазди. Бобур унинг муҳтожликни аранг кун кечирилишини биларди. Шунинг учун уни сийлаган эди ва Турдибекка шундай деди:

— Бугун сенинг меҳмонингман. Ўқовдон ёнгиз бир суҳбат қурайлик. Шовкин-сурон, алтов-дагновлардан зерикдим. Яхши таомлар тайёрлагин.

Турдибек таъзим қилди-да, Бехзодий томонга — бозорга кетди, Бобур ер ости ариғининг тепа томони — баландликка қараб юрди. Турдибекнинг хизматқори хозирлаган жойга чиқиб, ёстикка ён-бошлади.

Турдибек бозорлик қиларкан, эрталабданок бозорга келгани подшоҳнинг танишларидан Мухаммад Қосим барлос ва Шохзодлар “иллашди”. Зиёфатга қоризда (ер ости ариғи) ишлайдиган Шохи деган қаландар, рубобчи бир бола ҳам кўшилди. Подшоҳ ўзи Турдибекка айтиб, уларга розилик берган эди.

Шундай қилиб Бобурнинг қадами қаерда бўлса, ўша ерда одамлар эди. Мана, “Турдибекникига бориб бир хордик чикараман”, деб ўйлаган ўйна яна амалга ошмаган эди. Бундай ҳолатлар Бобур ҳаётида жуда кўп бўлиб ўтаётган эди. Ўша зиёфатда ўтириб подшоҳ “Ҳали замон буларни гафлагда қолдириб, ёлғиз ўзим отга миниб Истаргачга бораман”, деб ўйлайди. Йўқ, ўзи боролмади. Унга Турдибек ва Шохзод ҳам кўшилди:

*Ушудин тинимдим умримда ҳаргиз лаҳзе, эй Бобур,
Мазар ўйсам бу олам аҳидан бўлгаймен осуда.*

сағрлари бекорга ёзилганини шу ҳолатлардан ҳам билиниб турарди.

Кўз хавоси эди. Атроф яндада тўзаллашганди. Улар Истаргачга келишиб, хазонрезга бўлган боғ саҳнида отдан тушибди. Суҳбат қурилиди. Бир лаҳза ўтиб Хожя Мухаммад Амин келди. Кечкурун қобулдан Абдулло асас, Нурбек, Юсуф Алилар келиб уларнинг санига кўшилди. Подшоҳ эрталаб нонуштадан кейин ҳамроҳларини қилиб кўшилди. Отга миндида, бир ўзи Истаргач пастидаги подшоҳий қалъага йўл олди. Мақсади бир ўзи қузни томоша қилиш, унинг тўралиқларидан баҳраманд бўлиш эди. Отни ўз ҳолига қўйиб, устида чор-атрофни мазза қилиб томоша қилишга қиринди. Дарахтларга тикилиб-тикилиб боқди. Хаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Котта бир тул олма дарахти ўзгача тусга кирган эди. Бориб новданинг сарғайган барглари ушшаб кўрди. Хар шохда беш-олта қотдан барглар қаторлашиб турарди. У ўйлади: агар рассомларнинг дарахат қилиб чизсалар ҳам, бундай тасвири чиза олмасди-канча ҳаракат қилиб чизсалар ҳам, бундай тасвири чиза олмасди-канча. Бу Илоҳий тасвир эканлигига қойил қолиш керак, ҳолос.

сипоҳийларни Бобур хизматига олиб келди. Бундан ташқари
подшоҳ ўзига қарши турган баъзи бир ҳужмдорларни кечириб,
уларга илтифот кўрсатди ҳам. Масалан, Алхонни чакирик хати
билан олиб келиб, йигирма беш лак даромад берадиган вилоят-
ни унга берди. Ферузхон, Шайх Боязид Махмудхон Нухонни,
қози Жийалар ҳам Бобур хизматига кирдилар. Бобурнинг Хожя
Қалон ва бошқа беқлари билан кетган кўшинлари ўрни тўлиб,
кўл остидаги вилоятлари ҳам аста-секин тинчлик йўли билан
кенгайиб борди.

Бобур саҳий ва саховатли эди. Унинг табиати шундай эди
Тангри таоло уни шундай қалб эгаси қилиб яратганди. Унга қи-
рашли нимаики бўлса беришга, ҳади қилишга ошқикарди.

Бир кунги у Султон Иброҳимнинг хос саройи ўртасидаги топи
устунига, тумбазли айвонда суҳбат, тўттироғи зиёфат ташқил қил-
ди. Зиёфатга барча амалдорлар, беқлар, яхши хизматда бўлаётгани
йигитлар тақлиф қилинди. Суҳбат-зиёфатда совға тарқатилиш
моноидан бошланди. Хумоюнга чоҳарқаб (шоҳнинг махус кини-
ми), камар шамшир, олтин эгарлик чопкир от, Чин Темур Султон,

Маҳдий Хожя, Муҳаммад Султон Мирзога ҳам чоҳарқаб, камар
шамшир ва камар ханжарлар совға қилинди.

Зиёфат кунги аксига олиб ёмғир ёғиши авж олди. Тўхтаб-тўх-
таб ётаётган ёмғир, подшоҳ хазратлари хисоб қилиб ўтирди, ўн
уч марта ёғди. Ташқарида қолганлар жикка хўл бўлишига қара-
ди ҳеч ким зиёфатни тарқ этмади. Чунки подшоҳнинг хурмати
шунинг такозо қиларди. Ҳаммаси бўлиб бу суҳбатда икки чопкир
от эгари билан, қимматбаҳо тошлар билан безатилган икки дона
камар шамшир, безакли ханжардан йигирма беш дона, безакли
дулма ханжардан ўн олти дона, икки дона безакли шамшир, ол-
тин соғли хинд пичоқларидан бир дона, чоҳарқаб (шоҳ қийм)
дан тўртта, йигирма саккизта жун чакмон шу кунги ўз эгаларига
Бобур подшоҳ кўрсатмаси билан етиб борди. Суҳбатда шу совға-
лар топширилгандан кейин ош тортилди. Сўнг Курьон тиловати
билан маросимга яқун ясалди.

ЯНА ЖАНГ ТАШВИШИ, ШУ БИЛАН БИРГА БОҒ-РОҒ, БИНО БАРПО ЭТИШ ИШТИЁКИ

Анчайин мутамбир, тадбирли, ўзига хос харбий билимга эга
булган Раана Сангаа Бобур подшоҳ Қобулда эканлигида ўз эл-
чилигини юбориб, унинг Хиндистонга юриш қилишини маъқул-
лаб, керак бўлса ёрдам қилажagini изҳор этиб хайрихоҳлик бил-
дириб эди. Бобур Деҳлига юриш қилса, у Агра устига босириб
боришга келишишган эди. Бобур бир зарб билан Деҳлини ҳам,
Аграини ҳам қўлга киритди кўйди. Раана Сангаа ҳалиқсираб қараб
тургани Султон Иброҳимни мағлуб этди. Бу муваффақиятдан у
ўрни хулоса чиқармади. Нимагадир подшоҳ Қобулда эканлиги-
ни узаро илиқликни янада йўлга қўйиш ўрнига ўзини бир четга
олиб, Бобур билан ёвзлашиш пайида бўлди. Бу вақтда кўп вило-
ятлар Бобур ихтиёрига ўз ихтиёрлари билан ўтаётган бўлсада,
Нобанда, Дўлшур, Гвалийар, Байана унинг қўл остида эмас эди.
Қолаверса, Шарқ томонда афғонлар қаршилик кўрсатиб, сар-

кашлик қилардилар. Бобур учун ҳамон яқин атрофларда хотир жамлик йўк эди. Дўштур, Байаналарни эгаллашни ўз амирларни тайинлаб, лашкар тақсимлади ва юришга буйруқ берди. Шулардан кейин кенгаш қилиш учун турк ва хинд амирларини тўпани Ийилишда у қуйидаги гапларни айтди:

— Туроб тоғи томонида саркаш амирлар Носирхон Нуҳоний ва Маруф Формуллий бошлик қирқ-эллик минг киши билан Гандий ўтиб, Каннўжни эгаллаб, икки-уч манзил бери келиб ўтирибди. Кофир Раана Сангаа Кундарни эгаллаб, фитна ва бузғунчиликлар қилиб юрибди. Пашакал ҳам охирига қолди (таслим бўлишни демокчи). Яна бу саркашлар ёки кофир устига бостириб борин зарур ва лозим кўринади. Бу яқин атрофдаги кўрғонларнинг нони осон. Катта душманларни енганимиздан кейин, булар каерга қол боришарди.

Бобур бу сўзларни дон-дона қилиб, баланд овозда айтган. Тинглаб ўтирган амирлар унинг максadini тушунган бўлдиларда, улар эътироз билдиришга киришдилар. Дедиларки: “Раана Сангаа узоқда, унинг бу ерларга яқин келиши ҳам марбуҳ эмас. Жуда яқин келиб қолган душманни даф қилиш муҳимроқ тўғридир”.

Бобурнинг гапларида барибир жон бор эди. Раана Сангаа узоқда бўлишига карамай хавфли душман эди. Подшоҳ у хавфли маълумотларни ўрганиб, уни Султон Иброҳим даражасининг жанговор шавкати ва маҳорати билан қатта шуҳратга эга бўлиши ҳукмдор эди. У Бобурга келгинди деб қарарди. У аввал Бобур ҳам бобоси Темур сингари Дехли, Аграни оладида, ортинги қол тади деб ўйлаганди. Ундай бўлмади. Жангларда саксондан ортин жароҳат олган, бир кўзи, бир қўлидан айрилган, тўп зарбасидан етказилган шикаст туфайли бир оёғини оқсаб босувчи бу инсон Дехли, Аграни ўзиники қилиб олиш ниятига тушиб қолганини Шу максалда кўшинини афгонлар хисобига қўнайтириб, қотти жангга хозирлик кўраётган эди. Бобур бунни биларди. Юқорида айтган гапларида шуларни назарда тутаяётган эди.

Кенгашда Хумоюн:

— Подшоҳнинг бу ёкка отланишига ҳожат йўк, бу ишни мен бажариб, — деб арз қилди. Турк, хинд амирларига бу қарор маълум қилди.

Хумоюннинг Тураобга юриши тайинланди. Дўштурга белгиловчи лашкарнинг Чандварда Хумоюнга қўшилишлари бўлди. Итабва устига юришга тайинланган Махдий Ҳожа, Муҳаммад Султон Мирзо бошлик лашкарга ҳам бу ерга келиб Хумоюнга қўшилиш фармони берилди. Шу тарзда хар эхтимолга келин кўшинни жамлаб туришга киришилди. Лекин Бобурнинг гаги Аграта келгандан бери бошлаган ободонлаштириш ишлари ва назорат қилиш, бу ишларни жадаллаштириш билан шуғулланишга киришди.

Бобур қаерда юрмасин, қаерда турмасин бир нима қуриш, ёки аритиш, арик қаздириб сув чиқариш ишгаёки билан яшарди. У бу одағини ҳеч қанда қилмасди. Хиндистонга келган биринчи келишк у бу ерларда оқар сув йўқлигига эътибор қаратди. Қаерда бир кун-ярим кун кўним топган бўлса, ўша ерда чархлар қотиб қўлуклар қаздириб, оқар сув ўтказишга киришарди. Сув атрофида эса боғлар яратди. Ҳозир ҳам кенгашни якунлади-да, қўли дарёси қирғоғида барпо этилаётган ботни кўришга қараб кетди.

Аграта келинганда бу ерлар хароб, кўримсиз эди. Буларга қараб туриб подшоҳнинг кўнгли бу ерларни суймаган эди. Аммо бу жойлардан бошқа яқин ер ҳам йўқ эди. Шунинг учун илож-қилиқдан шу кўримсиз жойларда иш бошланди. Аввал қатта сув қазилди. Ундан кейин қатта ховуз барпо бўлди. Кейин ин иморат олдидаги ховуз ва толар қурилди. Ундан сўнг “Хил-қотони” боғчаси ва уйлар бино бўлди. Сўнг ҳаммом қурилди. Фермосиз, бетартиб Хиндда яхши тартибли бинолар ва текис ёнолар барпо этилди. Хар гўшада, хар бурҷакда ёқимли гулзорлар, хар бир гулзорда тартиб билан экилган яхши гул ва наставлар стилди.

Шундай яратувчилик ишларини амалга ошираётган Бобур ва унинг одамлари Хиндистоннинг уч нарсасидан кийналишарди. Биринчиси — иссиғи, иккинчиси — чанги, учинчиси — катгини шамоли. Хожа Калонни Хиндистонни ташлаб кетинишга мажбур қилган нарсалар шунлар эди. Бечора шунларга бардош беролмаганди.

Бобур бу ерда хар уччаласининг зиёнини даф қилдишган нараса — ҳаммом эканлигини англаб етди. Ҳаммомда чанг, шамоли бўлмайдди. Иссиқ кунлари у одамга ўз совуғи билан хузур бағишлар ва хатто совкоттирар эди. Ҳаммомнинг иссиқ сувли ховузни жойлашган хужраси тошдан қурдирилди. Пастки қисми оқ тошдан, қолган бошқа тарафлари Байананинг Қизил тошларидан қилинди. Подшоҳ кўп вақт ҳаммомда хузурланишни ҳам одат қилиб олди.

Бобурдан ўрнак олишни халифа, Шайх Зайн, Юнус Али ва бошқалар, кимки Жуун дарёси қирғоғидан ерга эга бўлган бўлса, яхши йўсунда боғча, ховузлар барпо қилишди. Лахўр ва Дипалпур усули билан чархлар ўрнатди, боғ ва гулзорларга сув кеттиришга муваффақ бўлишди.

Ҳиндлар бундай ишларни қилишмаган ва қўришмаган ҳам эди. Жуун дарёсининг қисқа вақт ичида иморатлар жойлашган тарафига қараб, хайратга тушар эдилар. Улар бу жойни Қобул деб атаган эдилар.

Подшоҳ каровизсиз бўлиш ерларни ўзлаштириш, қўлгаб боғ ва бинолар қўриш учун сув зарурлигини билар, шунинг учун ҳамма имкониятларни ишга солишга интиларди. Ана шу мақсадда зинали қудук қазиларига буйруқ берди. Ҳиндлар тилида уни “Вайн” дейишади. “Вайн” чорбоғдан олдин қурилди. Қурилиш иши кийин кечди. У бир неча бор ўпиритиб ҳам тушди. Ишчиларни босиб қолиш ҳолатлари ҳам содир бўлди. Раана Сангаага олиб борилган газогдан кейин қуриб битказилди. Демак, Бобур ҳукмронлигида ёвларга қарши ҳам жанг олиб борилди, ҳам қурилиш ишлари. Бу манзарани кўриб туриб хиндлар Бобур подшоҳ эвди Хиндистонда тўла қолиш ниятида эканлига ишонч ҳосил қилдилар. Ўзини билганлар унга ишонч билдириб хизматига қира бошлади. Раана Сангаа,

Медини Рао, Махмуд Дўдий сингари бебош исёнчилар эса бўйсунини хоҳлашмас, унга қарши исён қайфиятида қорилар эди. Бобур имирлар, беқларни жанговарлик қайфиятини бир нафас тарқ этмай, доим ғалаба сари боришни ташкил қилган эди. Ҳали олдинда яна бир талай жанглар бўлиши аниқ эди. Ғалабани таъмин этувчи жанг учун эса янги ихтиро қилинган қуроллар ҳам керак эди.

УСТОД АЛИҚУЛИНИНГ ЁМОН АХВОЛГА ТУШИШ ҚОЛИШИ ВА СОДИР БЎЛГАН КАТГА БИР ВОҚЕА

Уша фурсатларда, ҳали юқорида хикоя қилиб ўтганимиздек, Ишьява, Дўлшур, Гвалийар, Байана сингари кўрғонлар Бобур подшоҳ қўлига ўтмаган эди. Бир томонда катта рақиблар Раана Сангуд, Махмуд Дўдийлар мавжуд эдики, буларнинг дастидан ҳали янгилик барқарор бўлмаганди. Шунинг учун Бобур доим лашкарни жанговар ҳолатда сақлашга интилар, янги жанг қуролларини ўйлаб топиш юзасидан бош қотирарди. Бир кунни Панипатда бўлиб ўтган жангни фикран мулоҳаза қилиб ўтириб, тўплар (замбарак) жангда яхши иш беришига кўзи етгандай бўлди. Бу иш бўйича шугўлланувчи Устод Алиқулини чақирди.

Унга:

— Тўпларинг кўрғонларни ўкка тутишда яхши иш беради қоти. Ихчам, тез ишлатиш мумкин бўлган тўплар қуйиб кўрилса қандай бўларкин, — деди.

Алиқули подшоҳнинг мақсадини тушунди-да, ишга киришажатини айтиб, хузуридан чиқиб кетди. Эртасидан керакли нарсаларни тайёрлашга тушди. Белгилаб олинган жойда ўчоқ қурдирилди. Ҳамма жиҳозлар тахт бўлгач, подшоҳга одам юборди. У тўп қуйилишини Бобурга кўрсатиш ниятида эди. Тўп қуядиган ернинг атрофига саккизта ўчоқ қурилган бўлиб, ҳар бир ўчоқнинг тубидан тўп қуйиладиган қолипга тўғри келадиган новнинг кўйилган эди. Бобур келгач Устод Алиқули ўчоқларнинг тешикларини очди. Ҳар бир новдан эриган эритма сувдек ши-

риглаб қолпишларга оқиб кира бошлади. Эритманинг келиши аста-секин тўхтади. Ўчоқдами, темирдами бирор камчилиг к бор шекилли Устод Алиқули қаттиқ аччиқланишга тушди. Ишчиларга та бакириб-чакириб ғазабини сочишга киришди.

— Шу эритган мистга ўзинини ташласам яхшику, бу ҳолдан, — дера ўзини кўярга жой тоғолмасди. Ишчилардан бир-иккиси уни ушлаб олди, у эса ўзини хар ёнга уради, хижолатга эди.

Подшоҳ дарҳол уни хузурга чорлади. Тун келтиришларини буюриб, унга тун кийизиб тасалли берди. Хижолатдан чиқарди, тош уйини чиқариб, уни ислох қилдишни буюрди, ўзи қозоннинг дорихонасини куйишга киришди. Иш юришиб кетди. Устод Алиқули подшоҳга хурсанд ҳолда “тўннинг тош уйи камчилигк сиз, дорихонасини куйиш осон” деган хабарни етказди. Шундан қилиб тўп куйиш ишлари юришиб кетди. Кейинги жангларда тўпшардан ҳам унумли фойдаланиш максали барқарорлашди. Йилнинг боши муҳаррам ойи эди. Бобур эрталаб бовдоддан кейин Муҳаммад Али Хайдар рикобдорни хузурга чорлади. Қулга буйрук ёзилган қоғозни олиб, Хумоюн қолшга боришини тайин этди. Буйрукда шундай дейилган эди:

“Аллоҳга шукр, Пураб душманлари қочиб кетибди. Бу юборилган киши етиб боргач, Жўнғурга бир неча муносиб бекларни тайинлаб, ўзинг лашкарни олиб биз томонга тезда етиб кел, Рана Сангга кофир яқинга келибди, унинг ташвишини асосий иш деб билгайлик”.

Дарҳақиқат шундай эди. Бобур учун шу кунларда асосий иш Рана Сангга эди. Уни бартараф этиш, ундан кейин қолган ғанимларни ҳам йўқ қилиш долзарб бўлиб қолганди.

Чунки ўз ҳолига куйилса, улар қучайиши, ҳозирча қичик ташвиш бўлиб турган бу ишлар қатта иш ва улкан ташвишга айланishi муқаррар эди. Шундан келиб чиқиб подшоҳ тўп қуйдиришни жадаллаштираётган ва Хумоюнни асосий қўшини билган ёнига чорлаётган эди. Лекин кейинги ойдаги ташвиш эса Бобур учун ана оғир кечди.

Бу воқеа раби ул-аввал ойининг (сана тўққиз юз учинчи) ўн олтинчисида содир бўлди. Ўша кунни жума эди.

Ҳа, негадир, Аллоҳнинг иродаси бўлса керак, жумада мўмин биндилар учун шунақа ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Бобур ҳаёти билан боғлиқ бўлган жума воқеаси шундай бўлган эди:

Подшоҳ хазратлари бундан уч ой аввал Ҳиндистонни қўлга олгандан кейин, Ҳиндистон овқатларини татиб кўргиси келади, уларни сира кўрмагани боис Султон Иброҳимнинг ошпазлари-ни хузурга келтиришларини буюради. Эллик-олтмиш ошпаз ичидан тўрттасини танлаб ихтиёрига олиб қолади. Танлаб олган ошпазлари подшоҳ учун Ҳиндча овқатлар тайёрлашни бошлашадди. Буни Иброҳим Дўдйининг онаси эшитиб қолади. Унинг пайдо-ласига кўрг тушади. “Демак, — дейди у — босқинчи Ҳинд ошпазлари қўлидан овқат еяпти экан...” У ўзининг шум ниятини амалга ошириш учун Итаввата Аҳмад Чошнитигга (бизда баковул-бош ошпаз дейилгеди) одам юборади. (Аҳмад Чошнитигр подшоҳ учун тайёрланадиган овқат назоратчиси) Иброҳимнинг онаси Буъра чўриси қўлига тўрт бужланган қоғозда захарни бераркан:

— Бир тувла, яъни икки мисқолдан озроқ. — Аҳмад Чошнитигр-га элтиб бер, — дейди. Чошнитигр захарни қўлга олар экан, келин-илган масала ҳал қилинадиган вақт келганлигини тушунади-данишга киришади. Аҳмад подшоҳ ошхонасига эрта боради-даниндистонлик ошпазга захарни бериб, қандай бўлмасин йўлини қилиб, Бобур овқатига уни солишни тайинлайди ва эвазига унга тўрт вилоят берилишини айтиб юзига қараб ишпайиб қўяди. Буъра кампир эса Аҳмадга захар бериб юборган чўриси ортидан бошқа бир чўрини жўнатиб, текшириб билиб қўяди.

Захарни қўлга олган ошпаз уни қозонга сола олмайдди. Сабоби “Ҳиндистонлик ошпазларга эҳтиёт бўлинглар,” деб тез-тез тайинлаб туриларди. Бундан ташқари, қозонда овқат пишпаётган вақтда уни ошпаз албатта, тотиб кўрарди. Захар солинаётган пайтда бош ошпаз ғафлатга қолади. Ҳинд ошпаз чинни илпишга

юпка нонни кўйиб унинг устига ўша қоғоздаги икки мисколга яқин захарнинг ярмидан озроғини сепади, захарнинг устига ёнги қайлани солади. У бу ишни шу қадар тез ва ҳеч қимга билдирмай қилиб улгуради. Ишни бажаради, кўркув ичдида қолиб, захарини қолган қисмини тезда олов ёниб турган ўчоққа ташлашга эришади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек идишларга овқат қўйиб билан банд бўлади.

“Вақоънома”да Бобур ўша мудҳиш воқеани эсларкан, тиррик қолганига Тангрига мингдан-минг шукроналар келтириб шундай деб ёзган эди: “Агар захарни қайла устига сепганида, ёки қозонга солганида ёмон бўларди”.

Аср намузидан сўнг овқат тортилади. Бобур куён тўптилини қилинган овқатдан, бир оз оч қолган бўлса керак, анчагина еди. Қайладан ҳам тотиб кўрди. Захар солинган Ҳиндистон овқатининг устидаги бир-икки бўлагини ҳам еди. Ҳеч қандай ноҳуш ҳолат сезмади. Қовурилган гўштдан бир-икки бўлак олиб егани эдики, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Ўзини ғалати ҳис қилди. Хаёлига ўтган куни еган қовурилган гўшт келди. Ундаги кўнглинга ёкмаган таъмини эслади. Кўнгли айнишини ўшанданмиқки ден ўйлади. Яна кўнгли айниди. Дастурхон устида ўтираркан, қусиб юборай, деди. Чидамасди. Ўрнидан турди, обхоната қараб юрди. Ёўлда қусиб юборишга озгина қолди. Ичарига киргач, қусиб бошлади. Бобурда ҳатто кўп ичганда ҳам бундай қусиб бўлмагани эди. У ердан чиқди. Эшик ёнида икки хизматкор кутиб туришарди. Подшоҳ дастурўмолига оғзини артаркан:

— Ошпазани ушлаб турилсин, қусуқни итга бериб, итни ҳам кўриқлашсин, — деди. Улар тезда қолқиллаб кетилди. Бобур боғриб жойига ўтирди. Ҳеч нарса бўлмагандек ўзини хотиржам кўрсатишга уринди. Аммо ҳеч нарса емади.

Бобур билан бирга овқатланадиган хос тан соқчилари ҳам шунининдиги овқатдан еб кўришган эди. Улар ҳам кўп қусилдилар. Бирининг ахволи жуда ёмон бўлди. Шукрки, охир-оқибат омон қолишди.

Ит беҳол ахволга тушди. Қорни дам бўлиб ётган ерида ёта-верди. Ағдариб кўришса ҳам, тош билан урса ҳам қимир этмасди. Тўш маҳалгача ит шу зайлда ётди. Кейин ўрнидан туриб кетди. Улмади.

Бобур кейинчалик шу ҳолатларни эсларкан, шундай ёзган эди: “Тангри менга қайтадан жон берди. Худди у дунёдан кетганидан, ондан янги тутилгандек эдим. Мен хаста эдим, тирилдим. Жон қадирини, Аллоҳ номи била қасам ичаманки, энди билдим”.

Бу сўзлар неча-неча жанглардан омон чиққан, бошига қилич танқинда ҳам Тангри таоло ўзи сақлаган, ғаним содир этиши мумкин бўлган ўлим сояси бошидан бир неча бор зврилиб ўтган ва қанишса яқсаю ягона Яратган эгамнинг паноҳида бўлиб ва ниҳоят фалок ва фақат ўзининг иноқти билан Ҳиндистондек улкан мамлакатта ҳукмрон бўлган улўф подшоҳнинг аламли ва изтиробли ҳолири эди. Бу сўзлар замирида фақатгина жон аччиғигина эмас, қанб изтироблари баён этилган эдики, мана, неча асрлар ўтган бўлсада, у кеча айтилгандек жаранглаб турибди.

Подшоҳ душанба куни одағича девон йиғилишини ўтказишга кўришди. Улуғ, мартабагли кишилар, амир ва вазирлар девон йиғилишига хозир бўлдилар. Девон йиғилишига подшоҳни қаровалида қатнашган икки эркак киши ва икки аёлни олиб келишди. Улар воқеани бутун тафсилотлари билан айтиб беришди. Давлат қозиси Чошнингирни пора-пора қилишга, ошпазани парқисайин терисини шилишга ҳукм қилди. Ҳукмга биноян аёллардан бири филнинг оёқлари остига ташланди. Иккинчиси қамоқка ҳукм этилди. Бобурнинг кечариши билан камшир бўлишга жазо тайинланмади. Тирик қолиши раво кўрилди. Аммо Бобур Али ва Хожайий Асадга унинг пул ва нарсалари, кул ва қурғиларини олиб қўйиб топширилди. Ўзини Абдурахим шифоқчи назоратида бўлишнинг тайин этилди. Иброҳимнинг ўғли ва инбиралари ҳам бор эди. Бобур уларга хурмаг ва эхтиром билан қарашларини тайин этган эди. Бобур жонига қасд қилинган сўнг, бу дахшатли воқеа боис уларнинг бу яқин атрофда туриншлари хавфли деб топилиди ва улар Мулла Сарсонга қўлиб

Комрон хузурита — назоратда туришга жўнатилди. Бобур жиддий даволанишга киришди. Табибнинг кўрсатмалари билан султа “гили махтум”ни аралагштириб ичди. Сут ичини анча сурди, Сўнг “тарёки форук” ни эзиб ичди. Шу дорилар сабаб кора-кора нарсалар йўк бўлди Аллоҳга шукрки, подшоҳ касалликлани форук бўлди, жони омон қолди. У тирик қолганига Тангрига мингдан минг шукрлар айтиб, бу воқеаларни бутун тафсилотлари билан ёзиб борди.

ЖАНГОВАР ВАЗИЯТ, КҶРКУВ ХОЛАТЛАРИ ВА РҶЙ БЕРГАН ИККИ БҶЮК ВОҚЕА

Ёдингизда бўлса керак, тўп куйишда камчиликлар содир бўлиб, бу иш бошида турган Устод Аллиқули подшоҳ олдига хижолат чекиб қолганди. У иши норешмаганидан ғзабланиб халқто ўзини мис эриб турган қозонга ташлаб нобуд қилмоқчи хам бўлганди. Ипчилар ушлаб қолиб, Бобур уни хижолатдан чиқариш учун қимқооб тўн кийдириб сийлаганди.

Устод Аллиқули қаттиқ ишлади. Қозон, ўчоқлар, қолпишлар унинг кўрсатмаси билан жиддий ислох қилинди. Аввал тош уйи бенуқсон қилинди. Кейин ўк соладиган қисми (дорихонаси)ни тайёрладилар. Катта тўп даярли тайёр бўлди. Подшоҳга маълум қилинди. Бобур тўпнинг отилишини бориб кўрадиган бўлди.

Аер намози пайтида подшоҳ тўп отиладиган жойга етиб келди. Бир қанча мулозимлар, кўшин бошликлари, амиру бекилар даврасида Бобур тўп отилишини томоша қилди. Тўп отилди. Ундан отилган тош қанча масофага бориб тушгани ўлчанди. Бир минг олти юз қадамга тўп тоши бориб тушган. Демак, мақсад амалга ошган. Бу улкан тош душманга яхшигина талофат келтириши аниқ. Бобур Устод Аллиқули ишидан хурсанд бўлди. Унга камар-ханжар, сарпо ва яхши бир отни шу ернинг ўзида инъом қилди. Хамма Устод Аллиқулини муваффақияти билан қутлиб, унинг ҳақкига дуо қилдилар.

Бобурга шу қушларда душман Раана Сангаа бор лашқари билан Байана яқинига келиб қолганиги ҳақидаги хабарлар келга бошлаган эди. Қоровулликка борганлар аниқ маълумот келтирилди олмасди. Душман Байана кўрғони агрофини ўраб олганди.

Уша фурусатда бесаранжомлик бошланади. Алнов-далнов ҳолатда подшоҳнинг яхши беқларидан бири Каттабек совутини хам қиймай кўрғон ташқарисига яёв отилиб чиқади. Душман жангчинини отидан йикитиб олаётган маҳали бир хинд Каттабек навқаридан бирининг қиличинини эпчиллик билан тортиб олиб, унинг оқсига қаратиб солади. У отир жароҳат олади. Жароҳати шу қадар оғир эдики, Раана Сангаага қарши олиб борилган жангда интироқ эта олмайди.

Байана кўрғонидан келганлар кўрқиганиданми, ё халқни кўрқитиш учунми, негадир Раана Сангаа кўпинларини жулда қим қажон, ботир дая макташарди. Бу гашлар Бобур тарафидати ошмилар, лашқар орасида ваҳима тарқатишга сабаб бўлаётганди. Шунга қарамасдан, Бобур кофирларга қарши уруш бошлаш нижасида лашқар шаҳар ташқарисидати ерлардан чиқиб дала-да-кентлик майдонларда хозирланишга буйруқ берди. Лашқар интиш, уларни қурол-аслаҳа билан тавминлашга уч-тўрт кун кетилди. Лашқарни дала жойда тартибга солиш Сохибқирон Амир Кемур хазратларидан қолган удум эди. Бу Чингизхондан мерос бўлиб келгаётганди. Лашқар далада тартиб топса, кентлик бағридан у ғалаба қозонишга ўзида ишонч ҳосил қилар, кентликлар унга бир дунё шижоат, файрат, ботирлик бахш эгарди. Подшоҳ тартиб олаётган кўшин агрофида ишларни кузатиб юраркан, бешон кентликлар унга “ғолиблик сен томонда” деяётгандай эди.

Бобур хиндистонликларга тўлик ишонмасди. Улар хоҳлаган шайлариди сотқинлик қилишлари мумкин эди. Шунинг учун уларнинг амирлари турли тарафларга илғор (яъни жангнинг олдинга йўналувчи қисм сифатида) қилиб жўнатиб юборалди. Оламдон кўл остидаги кўшин билан Гвалийорга, Мақан ва Қосимбек қалъалийини, Хомидни ака-уқаси билан ва Муҳаммад Зайтунини қалъабалга илғор қилиб йўллайди.

Катта лашкарга суя ҳам зарур эди. Бу ўлкада катта кўшнини та суяи бор бирдан-бир жой Секрей эди. Подшоҳ “уни дushman эгаллаб олмасин”, дея лашкарини ўнг канот, чап канот, маркази қисмларига тартиблантирган холда Секрей томонга қараб юрди. Секрей кўли кирғоғида қароргоҳ хозирлашга, шу ерларни яқин биллиб олган Дарвеш Мухаммад Сарбон билан Қисмтойни ўзидан олдин юбортирди. Лашкароҳта келиб тушилгач, беқтар навои билан қоровуллик қилишга киришдилар.

Абдулазиз қоровуллик навбатида Секрейдан — лашкароҳдан анча узоқлашиб кетишди. Улар Қанваҳагача бориб қолганини Дushman шу пайт олдинга қараб қора бошлаган эди. Dushmanнинг тўрт-беш минг кишиси уларнинг илгариллаб бораётганини биллиб қоллиб етиб келди. Абдулазиз ва Мулло Офок бир минг беш юзга одами билан Dushman кўп сонини хисобга олмай кўл жангнинг бошланиб юборди.

Хабар подшоҳга етиб келди. Тезда Мухиб Али, Мулла Хусайн, Мухаммад Али жанг-жангларни навқарлари билан ёрдамчи жўнағди. Ёмон томони Абдулазиз кўп кишиларини йўқотиб ортига қайтди. Dushman уларни тавқиб қилиб келаверади. Мухаммад Али жанг-жангнинг навқарлари қораси кўрингач, тўхтайди. Рана Сангаа кўшинининг илдам келишидан Байана атрофидан олиб борган қичик-қичик урушидан, қолаверса Шоҳ Мансур Қисмтой сингари Байанадан келганларнинг Dushman кўшинини таъриф мактовлар қилишларидан лашкардагиларда кўрқув нафас до бўла бошлаганди. Абдулазизнинг енгиллиши ўлганнинг устидан тепаган бўлди. Халқни хотиржам қилиш, кўшинини тапқил томондан химоялаш ишлари қучайтирилди. Аробалар етмаган жойларга сепоялар қилиб қўйилди. Хар сепоялар орасига хўқинини хом терисидан тасмаалар ясаб, яқшилаб мустаҳкамлаб боғланди. Бу ишлар бажарилиб асбоб ва қурооллар созлангунча йигирма йигирма беш кун ўтди.

Хулди шу кунларда Қобулдан подшоҳни қора тортиб, химоясида яшаймиз деб беш юзга яқин одам келиб қолади. Бу одамлар орасида (Бобур подшоҳ уни шумнафас деб ёзди) мунажжид

Мухаммад Шариф ҳам бор эди. Шароб учун Қобулга борган Нобо Дуст суъли Ғазнанинг энг яқши шаробидан уч қарвон туяга олиб олиб келган эди.

Узи ғалати бир вазият эди. Бўлиб ўтаётган воқеа-ходисалар, бекорчи гап-сўзлардан, юқорида айтиб ўтилганидек лашкарнинг енгиллиги орғиб ваҳимага туша бошлаганди. Шу етмаганидек, Мухаммад Шариф мунажжид Бобур подшоҳга юз келиб айтолди: “Шу кунда шумнафаслик қилиб йўлга дуч келган одамига: “Шу кунда Мирран Фарб томонда турибди, қимки шу тарафдан туриб ериш қилса енгилди.” деб ишонтиришга уринарди. Бу гаплар биллини у халқнинг ишончини синдирадди. Бундай бекорчи гапларга Бобур қулук солмади, гўё уни эшитмаганга олди. Аммо подшоҳни тухта қилишга, яқши тайёрланиб жангга шай бўлиб туришга киришди.

Қизилда, ҳамма замонларда ҳам бундай инсонлар бўларди. Улар яқши гапдан эмас, дони ёмондан сўз очилади. Сошумнафас бундай сўйлоқлар хозирга замонда ҳам оз эмас. Уларнинг ниятлари йўқлиги учун яқши гап қилолмайдилар. Тўғри-қўри яқшиликни кўролмайдилар.

Бобур бир оғиз сўз билан унинг уннини ўқариб қўйиши мумкин эди. Лекин ундай қилмади. Ўзининг бағрикенглиги, тўғрилиги ва қанқ эканлигини ҳаётнинг ўзи исбот қилишини билгани учун уни ўз холига қўйди, ўзи мўлжалга олган ишни собитқадамлик билан давом эттирди.

Бобур муҳим ишлар олдидан қалбига қулук солар, дили тунда ички нидоларни тинглашга интилар, бунинг учун эса ўзи билан қоллишни хуш кўрарди. Унинг учун сайр қилиш яқши имкониятлардан бири эди. Шу мақсадда жумад-ул-аввал ойининг биринчи учинчисида душанба куни сайрга отланди. Сайр қилиб бўлган бўлжак ишларни мулоҳаза қилди. Бирдан қўнглида анча-анча буён улга тинчлик бермай келаятган тавба қилиш тапширини кўтаргандай бўлди. Хаёлидан “Қачонгача гуноҳ ишлардан қочиб олсан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр.” деяни форсий байт ўтди. У ўйганиб қолди. “Рост — деда ўзига ўзи.

Тавба кишиш чоғи ҳам келганга ўхшар, шу бугундан бошлаб ичкиликни ташлагнга қарор қилганим бўлсин”, деб, қароргоҳга келгач, ҳамма май анжомларини жамлаб кўз олдига синдиришларини буюрди. Шундай қилинди. Синдирилган олтин, қумуш майни идишлари ва бошқа асбоблар муносиб кишилар, дарвешларни улашиб берилди. Подшоҳ гуноҳлардан сакланиш учун тавба қилишни бошлаган эди. Унга эргашган биринчи киши Асае бўлди. У соқол олиш ва кўйишда Бобурга эргашарди. Ўша кеча ва эртаги кунни беқар, хос амалдорлар, асқар ва асқар бўлмаганлар жамини уч юзга яқин киши май ичмасликка касам ичиб тавба қилишди. Бобур эса қуйидаги байтни ёзиб китобига киритиб қўйди.

Хуш қилиб ўзини бу кечмакликни,

Тавба қилдим чоғир ичмакликни.

Олтинни нуқра суроҳино аёқ

Мажлис олоти тасмонин улчок,

Ҳозир айлаб борини синдурдм,

Тарк этиб майни, кўнгли тиндурдм.

Сўнг Бобур бор ичкиликларни олиб чиқиб тўкишларини айтди. Бобо Дўст олиб келган уч туя (салкам қирқ тонна бўлса керак) шаробга туз солиб сиркага айлантиришларини тайинлайди. Шу каторда тамгани мусулмонларга совға қилади, яъни уларни солиқдан озод этади. Котибларни чақириб, бу икки — бўлок воқеа хабарини билдириш учун фармон битишларини буюради. Подшоҳнинг Раана Сангага қарши уруши олдидати ишти ана шулар эди.

ШАЙХ ЗАЙН ТОМОНИДАН БИТИЛГАН “ФАТҲНО- МА” ВА ОРТИҚЧА СЎЗ, КАМЧИЛИКЛАРСИЗ “БОБУРНОМА”ДА УНИНГ ҚАЙД ЭТИЛИШИ

Воқеалар ривожини шунини кўрсатадики, аввал айтиб ўтилганидек, каттаю кичикда хавотир ошганди. Ҳеч қим бир мардонини сўз айтолмас, тушқунлик авж олса олардики сусаймас эди. Эпи

Ушмоғи вазири, амирилари сўзларида, тадбирларида мардлик нуқуланиб, ўзлари ва қарорларида ҳиммат сўнганди. Бобур буни билдиб турар, бирор чорасини топиб буни баргараф этиш йўллари билан излай бошлаганди.

Бундан ташқари агрофда ғавго-тўполонлар авж олаётган эди. Хусниҳон Нуҳоний келиб Даприйини олади. Қутбхон одамлари биланварни эгаллайди. Рустамхон детан (подшоҳ таъриф этганидек) пасткаш Миёни Дубода ёйчиларни тўшлаб келиб, Қўйинини эгаллайди. Гвалийарни гвалийарлик гайридинлар эгаллаб олди. У ерга ёрдамга юборилган Оғамхон Гвалийарга бормай қилотига кетиб қолди. Айрим хиндистонликлар лашқарини биллаб қоча бошлади. Подшоҳ бу тартибсизликларга парво қилмасди, диққат ҳам бўлмади. Хотиржамликда факат ўзига ва ёнидаги содиқ кишиларига ишонди. Барча бек ва йигитларни хузурурга чакирди ва шундай деди:

“Беклар ва йигитлар!” Бобур бу муурожаатидан сўнг қуйидаги форсий байтни ўқиди.

Харки омад бор жасхон ахли фано хоҳад буд,

Онқи новндаеу боқист, Худо хоҳад буд.

Мазмунини шундай эди байтнинг:

Хар қимки бу дунёга келаркан, охири йўқликка кетади, абадини қолувчи бу ёлғиз Аллоҳнинг ўзидир.

Подшоҳ байтни ўқиб бўлгач, бир зум сукутга чўмди. Ҳамма жим эди. Ўқилган байт мазмунини ҳамманинг идрокига етиб боргани эди. Улар байтнинг мазмунини ақл билан англаб, қалб билан қисм эта бошлаган эди. Сўнг Бобур давом этди:

— Айтилганидек, ҳаёт мажлисига кирганки одамнинг ҳаммасини қар бири охир-оқибат ажал қадаҳдаги майдан ичади ва тириклик манзилга келган хар бир киши охири дунё ғамхонасидан қисиб кетади. Ёмон ном билан бу дунёда тирик юргандан кўра, яқини ном билан ўлган афзал.

Подшоҳ жим қолди. Чуқур хўрсинди. Энди яқини ном моҳиятини баён этувчи ушбу форсий байтни ўқиганда қирилди:

*Ба ному неку зарбимиррам равост,
Маро ром боводки, тан маргоси.*

Мазмунни шу эди:

Яхши ном билан ўлсам, шу етади, мента яхши ном керак, тани эса ўлим учундир. Бобурнинг овози энди жарангдор янгради. У бор хис-ҳаяжонини сўзлар катига жойлаб сўзлардики, албатта, тинглаб турганлар ундан таъсирланиб улгурган эдилар. Таасуротлар факат осудалик бағрида кезмокда эди.

Бобур энди нутқига бир оз кизикконлик тусини киритиб гапни давом эттирди:

— Тангри таоло бундай саодатни бизга насиб қилибди ва бундай давлатни бизга яқин айлабди.

У “Бизга” деганда ўзини эмас, ҳаммани назарда туттаётган эди. Ҳамма буни яхши хис қилаётганди.

— Ўлган — шахид, ўлдирган — ғозий. Барчангиз Тангрининг қиломи номи билан бу урушдан ҳеч қим ноз ўтиришни ҳаётинга келтирмаслиги ва то танасидан жони чиқмагунча, бу жанг ва урушдан чиқиб кетмаслигини айтиб, онг ичмоғимиз керак.

Бу гапларни тинглаб турганларнинг ҳаммаси — бек ва навар, каттао кичик Куръонни кўлига олди. “Алпох номи билан,” деб юқорида айтилган сўзлар мазмунига бир овоздан касам ичдилар.

Бу талбир олдинда оғир, ниҳоят даражада оғир, Иброҳим Юдий билан бўлган жангга қараганда анчайин қийин жанг турганини билдирар эди. Бобур ана шунинг учун бу талбирни ўтказётган эди. Қолаверса, лашкар ичида “язгиб” юрган кўрқувини буткул бартараф этиш, ва “эшитган кулокка” дushman юратгани ваҳима солиб кўйиш учун қилинаётган сиёсат ҳам эди. Худди Соҳибқирон Амир Темур ўз замоннда Хиндистонни босиб олиши учун келганда, филлардан ташкил топган душман кўшнинига ўзини найзаги пиёдаларини йўнаштириётганда кўллаган усулига ҳам ўхшарди. Бобур ўзи билмаган ҳолда, Алпохнинг инояти билан бу талбирни амалга ошираётганди.

Шундай қилинмаса бўлмасди. Раана Сангаа катта душман эди. Бу душманга қарши олиб бориладиган уруш жилдий ва яна бир томони ҳал қилувчи уруш эди.

Биз ўқувчига тушунарли бўлиши учун икки томон, яъни Бобур ва Раана Сангаа кучлари нисбатини қисқаб берсак деган фикрдамиз. Шунда Байана кўрғони ёнидаги катта бир қишлоқ қони тоғ атрофида бўлиб ўтган жангнинг накадар катта жанг эклиги маълум бўлади.

Кенгашда подшоҳнинг тул (марказ)да туришига қарор қилинди. Ғулнинг ўнг томонида: Чин Темур Султон, Сулаймоншоҳ, Хожа Камолiddин, Дўст Хованд, Камолiddин Юнус Али, Жапониддин Шох Мансур баргос, Низомиддик Дарвеш Мухаммад сарбон, Шихобиддин Абдулло китобдор, Низомиддин Дўст эшикдор қарор топади.

Ғулнинг чап томонида: Султон Аловиддин Оламхон, Султон Бақул Дўдий, Шайх Зайни Ҳавофий, Камолiddин Мухиб Али, Низомиддин Турдйбек, улуг хон Оройишхон, Кўчбек марҳумнинг ўғли Шерафган, Хожа Камолiddин Хусайнлар бор эди. Буларнинг ҳар бири маълум микдордаги лашкарга бошлик эдилар.

Баронгорда ҳам ўз лашкарига эга саркардалар эди. Хумон, Қосим Хусайн Султон, Низомиддин Ахмад Юсуф, Жағолiddин Хиндубек, Жағолiddин Хисрав, Қивомбек ўрлушох, Вали қочин, Низомиддин Пиркули Бадахший, Низомиддин Абдушубур, Сулаймон ако, Хусайн ота ва Хумоюнга мадад куч қилиб, Мирҳама, Шамсиддин Мухаммадий, Низомиддин Хожага Асадлар тайинланадилар.

Шунингдек, баронгорда хинд амирларидан Дилговархон, Манжлод Караний, Шайх Гуранлар эди.

Жавонгорда Сайид Махдий Хожа, Мухаммад Султон Мирно, Одил Султон Махмуд Султон ўғли, Шамсиддин Мухаммад Али жанг-жанг. Жағолiddин Кутлуғ қадам қаровул, Жағолiddин Шох Хусайн Баракйй, Низомиддин Жонибек саф торғилди. Яна кинд амирларидан Камолхон ва Жағолхон, Алпхон Шайхзода фирмулий, Низомхон Байаналар бор эди.

Тўлғама учун баронгтор томониди Мўмин атка, Рустам турман бошлик хос аскарлар эса жавонгтор томонда шайланган эди. Шунингдек, хабар етказиб турувчи тавочи ва ясовуллар ҳам хушёр торган эди. Улар подшоҳнинг забот этиши борасидиги хукмларини жангда ишгирок етаётган барча султонлардан тортиб, амирлар, тозийларгача, шунингдек аскар ва сипоҳиларгача етказиб туришга шай эдилар. Мустафо Румийини араваларига ўрнатилган туфак ва зарбзанлар, Устод Аликуланинг тул олдида мардоналик кўрсатган катта-катта тошотар тўпларининг ҳаммаси жангга шай эди. Буларнинг бари Бобур ихтиёрида эди.

Душман томон ҳам ўзига яраша салоҳиятги эди. Удайтур вилоятининг хокими, ўн икки минг суворийли Раваг Улайсинг Батари; тўрт минг суворийли Раай Чандарбан; олти минг суворийли Чандерий ўлкасининг хокими Бунат Рав Салохилдин ўтги; тўрт минг суворийли Маникчанд Чавхан ва Дилшат Рав; ўттиз минг суворийли Гангу, Карамсинг ва Дангурсий ва яна хар бири катта турухта эта бўлган бошқалар ҳам бор эдилар.

Бу маълумотлар Бобур ўз “Бобурнома” асарида хеч ўзгаринсиз кандай ёзилган бўлса шундайлигича киритилди, Шайх Зайн томонидан ёзилган “Фатхнома”дан олиб келтирилмоқда. Сабоби, ўша Раана Сангаа билан бўлган жанг, канчалар катта жанг бўлганлигини ўқувчи тўла тасавур этишга ёрдам берсин деган макссад бор.

Душман яқинлашиб қолганлиги тўтрисиди хабарлар келди бошлади. Бобур хушёр торгди. Хабарлар устма-уст эди. Бўйрукка биноян подшоҳнинг отига ва бошқа саркардаларнинг отларига кежим солинди. Ҳамма курулланнишга киришди. Шу жумладан, подшоҳ ҳам. Совутлар кийилди. Куруллар кўлга олгинди. Бобурнинг бўйруғига биноян арабалар ҳам душман томонга тортиб бориладиган бўлди. Арабалар хали жангда яхши иш беришгича, яъни, ҳам химоя воситаси, ҳам хужум қилувчи курул сифатида ишлагича ҳамма ишонч хосил қилган эди. Султон Иброҳим билан бўлган жангда у кўрғон сифатида — ўраб олувчи манба бўлган

ининлигича биргина подшоҳ эмас, ҳамма жангларда қатнашган саркардалар туюх бўлишган эди. Янги ишлатилаётган тўфанг — интиқлар кандай иш берган бўлса, арабалар ҳам шу даражада иш берганди.

Кўшида тартиб ва интизомни жорий қилишда, унинг қувватини да исстеҳкомини вужудга келтиришда подшоҳнинг энг ишонини ва яқини бўлган ҳамда ўз маслаҳати ва хизматлари билан номмо Ҳазрати Султонга мақбул бўлгучи Низомилдин Али ханифа жанобларининг жонқуяр ҳамда ўзига хос ташаббускорлигини айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. У кўп жонбозлик кўрдиги, кўлга киритилган ғалабада, унинг ўзига хос улushi тахсингича шайқидир.

Кўшин душман билан юзма-юз келгач, катъий интизом билан, фақат подшоҳнинг бўйруғи асосида ҳаракатга тушди. Ўша кундан бир қисм ўтди. Икки муқобил томон бир-бирига яқин келди. Уруш бошланиб кетди. Икки томон тули (марказий кўшин) гўёки бир ва зулмат янглиг бир-бирига қарши келди. Кўшиннинг баронгтор ва жавонгториди каттик уруш бошланиб кетди. Подшоҳнинг бўйруғи билан Чин Темур Султон уруш бошлагач, ёвнинг катта бир зарбаси ортга улоқтириб ташланди. Ғалаба инъоми унинг номига бўлди. Гарчи алашувчилик билан (урушда бундай қодисалар бўлиб туради-да, ахир) Хусрав катта қахрамонлик кўрсатди дейилган бўлсада, кейинроқ Чин Темур Султоннинг фурсат қахрамонлиги маълум бўлиб қолди. Унга дастлабиди Хусравга бўлган тирикчилигича яраш учун берилган эллик лаклик шаромади бор ер ажратилди, ҳамда Алвар деган жойни бошқариш хуқуқи тайин этилди. Бу мукофот уники бўлди. Яна Мевагининг пойтахти Пижора шаҳри ҳам бошқариб туриш учун иноят қилинди.

Барча жангчилар тўлик ҳаракат ва ғайрат билан урушда рағбат кўрсатилди. Жанг майдонининг хар бир жабахаси подшоҳ иштиборидан четда қолмади. Хар бир жойга ўз вақтида ёрдамчи кучлар жўнатиб турилди. Ҳамма “Айт, икки эзгуликдан бошқа бирор нарсани биздан кутадиларми?” оғтини эътиборга олган

Холда жон бериш юришини бошлаб, жон олиш байроғини билиш кўтаришган эдики, Бобур кейинчалик “Бобурнома” да ёзганиде, икки намоз орасида уруш шундай турлигадики, у машъақлардан фалакларга байроқ кўтаришларди”

Натижада, жанг майдонида ўлганлардан телалар, бошлардан минораалар юзага келди. Кун кўриниши билан бошланган жанг пешин вақтидан ўтгандан кейин ҳам давом этмоқда эди. Жанг майдонида улут калом: “Қайтурсманг, умидсизланманг, гамил тушманг – гагаба сизларда”, деган хушхабар аниқ ва тиниқ жон рангтаб эшитилмоқда эди.

Рана Сангаа жанг майдониди оғир яраланди. У канчалик мохир лашкарбоши бўлмасин, ўз кўшинини бошқара олмай қолди. Бошқарув бўлмагач, аскарлар довдираб қолди. Унинг аскарлари жасурлик билан жанг қилишга қарамай енгилди. Бобур подшоҳнинг кўшини ишлаган куруллар ва аскарларнинг хароби махорати, мухими бошқарувда ўта интизомга амал қилинганлиги бу сафар ҳам унинг кўшинига гагаба келтирди.

Рақиблар яқсон қилинди. Қочганлар қувиб борилди. Қуниб бориш, душман ўрдасига етиб борилгач, Мухаммадий, Абдуллоэиз, Алпихон ва бошқа саркардаларга тайинланди. Бобур эса кун кеч бўлгани боис хуфтон намози пайти ўз ўрдасига кайтди.

Ўрдада подшоҳни гагаба билан муборақбод қилишга келгилар кутиб турарди. У шошиб хуфтон навозини ўқишга олинкун Бошқалар ҳам у билан бир сафда намоз ўқиб олишга эришдилар. Сўнг қабул маросими бошланди. Муборакбод этгани келгандлар ичиди Бобурга кўп йиллардан бери хизмат қилган мунажжид Мухаммад Шариф ҳам бор эди. Бобур шумнафас, кўриниши ўчмаврур, чеҳраси зоҳид, юзидан ичи қоралиги сезилиб турган брукимсига бир лаҳза тикилиб боқди. Кейин унга қараб туриб кинтик-кагтик таширди. Бу билан унга бўлган нафратини ифодалагани бўлди. Тўғриси, ичини бўшагди, кейин деди:

— Мунажжидга бир лак кумуш танга беринглар. У кўн остидаги мамлакаларда қолмасин. Чикиб кетсун, унга руҳсин

ўрдаси қуни ҳам подшоҳ лашкартоҳдати ўрдада бўлди. Хали билан бўлмаган рақиблар бор эди. Уларни бартараф этиш учун ишончли бежлар бошчилигида уларга қарши турушлар йўллари қаммасин бартараф қилинганч, уруш тўхтагилди. Кун ҳам исийб кетган эди.

“БИЗДАГИ ЎЛМАДУК, ВИХАМДИЛЛОХ”, ЁКИ ТУРДИБЕКДАН ЖЎНАТИЛГАН ҚИТЪА

Бобур Хиндистон хақида қалам тебратганда шундай деб ёзган эди:

“Бизнинг ўлкаларда тўрт фасл бор. Хиндистонда эса уч фасл бўлади: тўрт ойи ёз, тўрт ойи пешакал (ёғир мавсуми), тўрт ойи қиш.

Сохибқирон Амир Темур ҳам Хиндистонга юриш қилганда ёнрок пешакал мавсумидан хадиксираб, шу мавсум бошланганга қадар уни забт этишга ҳаракат қилганли ва ўз мақсадига эришолганди. Сохибқирон Хиндни тез кўлга киритиб, эгаллашган жойларига ўз амалдорларини тайинлаб, уни тезда тарк этган эди.

Бобур эса уни забт этишга шошилмади, уни тарк этиб келишни ҳам истамади. Унинг учун ёт ўлкаларни ўрганиш, умрида ёрдамган жойларни кўриш, сайр этиш, бетона юрт бўлсада, ўша жойларда нималардир яратилш иштиёқи унга завқ беради.

Бобур ва унинг одамлари Хиндистоннинг уч нарсасидан кўрилишган. Биринчиси — иссиғи, иккинчиси — чанги, учинчиси — қаттик шамоли. Қаттик шамол бошланса чанг кўтарилар, темир-атроф тўзонга тўлиб-тошарди. У одамларни кўз очилишга, тўзукрок нафас олишга кўймади. Бу шароитдан беизинан Бобурнинг ҳамроҳларидан айримлари “кетаманга” тушиб қоларди. Бобур эса, природаси сугт бу қимсалардан ранжир, илоҳий нуқ, уларга ачинган холда кетишга руҳсат беришга мажбур бўларди.

Аммо саргузаштларга ишгиёки баганд, кўриш, ўрганишга хамиша ўч подшоҳ хазратлари эса кетини — бу фаройиб ўлка-ни тарк этишни хаёлига сира-сира келтирмасди. Шунинг учун ҳам Раана Сангаани жангда муваффакиятли маглуб этгач, касам ичиш пайтида берган ваддасига мувофиқ у ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламади. Кимки кетмоқчи бўлса руҳсат берди. Хумоюн навқарларининг кўпчилиги Бадахшон ва ўша тарафлардан келган кишилар эди. Улар ҳеч қачон бир ой-икки ойга аскарликка ёлланмаган одамлар эди. Урушдан олдинроқ улар бетоқат бўли бошлашганди. Бу ҳолатни кўриб, ҳамма нарсани сезиб турган подшоҳ уларга берган ваддаси уқидан чиқди. Қолаверса, Қобул бўш эди. Шунинг учун уларга жавоб берди ва Хумоюнни Қобулга жўнатишга қарор қилди.

Шу ўринда бир озгина мавзуга янада аниқлик киритиш мақсидида, Бобурнинг Хиндистон ҳақида ёзганларига бир оз батафсил тўхталиб ўтсак. Подшоҳ хазратлари ўзи қадам босиб борган ларойиб юрт ҳақида ёзarkan, ҳамма икир-чикирларгача баён этишга интиланган. Хиндистонда ой, кунларнинг номланишидан тортиб, у ерда отирлик ўлчовлари қандай белгилангани, вақтларни ҳисоблаш, номланишлари, халқнинг нима иш қилишию, яшаш тарзи — ҳаммасини бир-бир айтиб ўтади. Ёзганда ҳам рўй-роқ, ҳаққоний ёзади. Фаслларнинг инжиқликлари дейсизми, одамларнинг юриш-туриши, кийинишларигача бирор ҳол назаридан четда қолмайди. Бир жойда у ердаги шаҳарсозлик устидан қўлганнамо шундай дейди:

“Элнинг хисоби йўқдир. Бир тўдаси йиғилса — битта хонур, ё битта қудук қазади. Уй қуриш, ёки девор қўтариш деган тиннинг ўзи йўқ. Ҳас ва дарактлар саноқсиз. Чайлағар қурдиларини дарҳол шаҳар, ёки кишлоқ тайёр бўлди деверинг.”

Энди юқориди тасвирлаганимиз, Хожя Калон ва унга эргашган тезроқ Хиндистонни тарк этиб кетишга ошқанлар ҳолатини тушуниш учун ушбу тасвирларга бир эътибор қаратсак:

“Хиндистон у қадар чиройли ўлка эмас. Элида ҳам хусн йўқ Муомала маданияти, ўзаро мулоқот, борди-келди деган нарсалар

ни билмайдишлар. Таъби, идроки ва адаби йўқ, қарам ва мурувватини билмайди, хунар ва ишларида хисоб-китоб, тартиб, режа ва рўйи (тўғри бурчак) йўқ. Яхши от ва яхши ит учрамайди. Яхши ушум, яхши қовун ва яхши мевалари йўқ, муз ва совук сув йўқ, бозорларида яхши овқат ва яхши нон, ҳаммом йўқ, мадраса йўқ, машағла йўқ, шам йўқ. Шамдон йўқ. Шам ва машағла ўрнига кўп чиркин кишилари бор. Уларни “дивтий” дейдилар, чап кўлларида уч оёқли қора чирокни ушлаб турадилар...” дейди-да уни бағрифели ёзиб ўтади ва шундай хулосалайди:

“Подшоҳ ва беқларининг кечалари шамга эҳтиёжи бўлса, мана шу кир-чир дивтийлар бу чирокни келтириб, уларнинг тешида ушлаб турадилар”.

Шундай экан таъбида назмга мойиллиги бор, доимо Бобурни маслаҳатчи бўлган доно инсон Хожя Калон жаноблари Хиндистондан подшоҳдан руҳсат олиб кетар чоғида Деҳлидаги уйи деборига: “Хиндистонни яна ҳавас қилсам, қозим қаро бўлсин”, деб ёзмай яна нималар деб ёзин эди. Бобур бу сўзлардан бир оз инжиқган бўлса-да, бағрикенглиги боис, Хожя Калонни тушуниш ҳам эди.

Ўша вақтларда Бобур Ағрани кўлга киритганида жуда ҳам несиқ пайтлар эди. Ўша йили ёз қалдан зиёд несиқ келганди. Кўнлаб одамлар даҳшатли каттик гармсел таъсирдан таг-тин йиқилиб, ўла бошлаганди. Подшоҳ вилоят ва жойларга ўз ишончли кишиларини тайин қилишга уштурумаган эди. Итоат-ишқлик, душманлик авжиди эди. Шароитнинг ёмонлиги, иқлимнинг “жон олувчи” бу ишлари, тартибсизлик кўпгина беқларни сира йиғитларнинг руҳини тушириб юборади. Улар Хиндистонда қоллишга кўнмай, кета бошлайдилар. Ҳамма отирликлар Бобур ва унинг сабр-қаноатли, чидамли одамлари зиммасига қолди. Улар ҳамжихатликда, подшоҳнинг ақл-идроки ва тадбиркорлигига суянган ҳолда душманларга қарши бирин-кетин курашиб уларни енгизишти ва Хиндистонда ўз мавқеларини инқилитмоқда. Раана Сангаанинг маглуб қилиниши мавқени яна бир бор тиклангани эди. Аммо ҳали олдинда яна баргараф қи-

линиши зарур бўлган говлар бор эдики, яна жанглар бўлиши муқаррар эди.

Дехли, Агра кўлга киритилганда катта хазина подшоҳ иҳтиёрига ўтиши билан бирга вилоят ва жойлар ҳам унинг мулкига айланганди. Бобур хазинани уруш бўлмасдан аввал улашиб улгурганди. Энди вилоят ва ерларни ҳам тақсимлайман деб турган эди, орада уруш зарур бўлиб қолди. Уруш ҳам тугади, душман кўл остидаги барча ерлар унинг қарамоғига ўтди. Ер ва вилоятлар тақсимланди. Пашакаал (ёмтир мавсуми) яқинлашиб қолган эди. “Хар ким ўз ерига бориб, пашакаалга хозирлик кўрсин, яъни ерини эжинга тайёрлаб ёмтир мавсумини яхши ўтказсин, мавсум тугагач, подшоҳ олдинга келсин”, деган қарор қабул қилинди.

Ер ва вилоятлар тақсимланаётган пайтда Хумоюн Дехлига боради. Фарзандида, отасига эркалик қилган чоғи, Дехлидаги хазина сақланадиган уйлاردан бир нечасини очиб кўради. Уларни отасидан сўрамай ўз иҳтиёрига олади. Бу хабар, албатта, подшоҳга етди боради. Бобур бундай ҳолатни фарзандидан кутмагач эди. Унинг бу ўзбошимчалиги кўнглига оғир ботади. Хумоюннинг олдинга чакириб, каттик-кўпол сўзлар билан насиҳатлар қилади. Ота, қолаверса, подшоҳлик хурматини жойига қўйиши кераклигини тушунирган бўлади. Хумоюн айбига иқрор бўлиб отасидан бош эжкан ҳолда, тазым қилиб туриб, кечирим сўрайди. Билмай, ёнидагилар гапига кириб шу ишни қилганини отасидан яширади. Барча айбни ўз бўйинига олади. Бобур ўглини кечиради.

Турдибек Хоксор (Хоксор тахаллусини подшоҳнинг ўзи берган) Бобурнинг яқин кишиларидан. Уни ўзи яқин олининини сабаби, тўғрисиўз, кичик кўнгли, ўрни келганда жасорат кўрсата оладиган, шoir бўлмаса ҳам шoir қалб инсон эди. Қачон сайрга чиқса, суҳбат уюштирса уни йўқлар, доим даврада бўлишини хоҳларди. Турдибек ҳам подшоҳнинг кўнглини хурсанд қилишга интилар, бирор хизмат бўлса жону-дили билан ўз хизматкорларини ишга солиб бажарарди. Турдибек аввал дарвеш эди. Бобур ўзига яқин олиб юрмоқчи бўлди чоғи уни дарвешликдан чиқишга ундади. Уни дарвешликдан чиқариб си-

ноҳийликка олди. Бир неча йил сипоҳий бўлиб хизмат қилиб борди. Подшоҳга жангларда ҳамроҳ бўлди. Жасорат кўрсатганини уни тақдирлаб вилоятлар инъом қилди. Ичкиликни ман қилиб касам ичиганда ҳам биринчилар қаторида касам ичган ҳам шу эди. Шундан кейин яна унинг майли дарвешликка қучайган эди. Бобур буни сезарди. Дарвешликка руҳсат сўровдики, руҳсат берди ва уни Комрон Мирзонинг олдинга элчи бўлиб боришга тайин қилди.

Подшоҳ ўтган йили Хиндистонни ташлаб кетиб қолганларни бағишлаб, уларнинг ҳолатини тасвирлаб бир китъа ёзган эди. Шунга Алихон ўқиса деб ўйлаб қўйган эди. Китъани Турдибекка бераркан:

— Аввал саломлар айттинг, сўнг шу китъани Алихонга беринг, — дея уқтирган бўлди. Турдибекка йўлларда беҳатарлик Тангридан олиб уни жўнагди. Китъада шу сатрлар бор эди:

*Эй аларким, бу Хинд кишваридин,
Бордигиз англаб ўзга рангсў алим.*

*Биздаги ўлмадорк, бихимдиглох,
Гарчи кўн ранж эдию, беҳад гам.*

Рамазон ойи кириб қолди. Бу кутлуғ ойни Бобур тоат-ибодат билан “Ҳашт бихишт” боғида ўтказди. Ўн бир ёшдан бери подшоҳ икки Рамазон хайитини кетма-кет бир жойда ўтказмаган эди. Бобур ҳаётидаги битилган тақдир кўнимсизлиги ана шу қадар эди. Унинг учун Аллоҳга мингдан-минг шукрлар бўлсинки, ўтган Рамазон хайити Аграда қилинганди. Мана энди “Боғи фатҳ” да қурилган тошқупа устига ок уй тикилиб, шу ерда хайит қилинган. Бобур тақдирнинг шу инъомидан мамнун эди.

ПОДШОХНИНГ ТУРДИБЕК ЁҚТИРГАН ЧАШМАСИ

Ўн икки ёшда Андижонга подшоҳ бўлган Бобур Мирзонини болалиги Андижонда ўтди. Андижон аркидан сал нарида жойлашган Кўтактегирмон манзилдаги хушхаво бог-роғлар унини болалиги кечган маскан бўлди. Олислардан кўзга ташланиб турган адирлар, кенг мовий осмон, нарида шаркираб оқиб турган Андижон сойи, сайхонлик отушидаги ям-яшил ўтлоқлар, албатта унинг болалик хис-туйғуларини нафислашида, идрокининг тевранлашишида муҳим омил бўлган. Кейинчалик ташқи муҳитдаги тузалликдан баҳра олиш, уни томоша қилиб хузурланиш завқи болалик хосиласи эди.

Қолаверса, ёш шахзода тарбияси билан улғу одамлар машгул бўлишган. Шунингдек, тиришқок, идрокли бўлган Бобурнинг ўзи ҳам, ўқиб ўрганаш, билишдан умри бўйи ҳеч тўхтамаган.

Бобур тарбиясида Хожа Мавловий Қози (асл исми Абдулло бўлган)нинг хизматлари катта эди. Бобур Мирзони ҳамма томонлама берилган билим шу киши, яна онасининг онаси — бувииси Эсандавлат бегимдек оқила аёл орқали берилган.

Хожа Мавловий Қози Фарғона вилоятида қадимдан жуда ҳам машхур бўлган табақа вақилларидан эди. Ота тарафдан насабин Шайх Бурхониддин Қиличча тутанарди. Она тарафдан Султон Илик Мозийга боғланарди. Шайх Бурхониддин Қилич хазратлари ўзлари ўзганда қарор тошган бўлиб, бу мўътабар зотнинг авлодлари Фарғона вилоятида элбоши ва шайх ул-ислом, ҳамда қози бўлиб келганлар. Ана шундай улғу зотнинг авлоди Хожа Мавловий Қози хазрати Хожа Убайдуллохнинг муриди ҳам эдилар. Улардан тарбият тошгандилар. Бобур Мирзо болалигидан шу кишининг ихтиёрида тарбия топди. Нимаики диний, дунёвий илмлар бўлса, шу одам орқали олганлиги сир эмас.

Бобур Мирзо Самарқанд шаҳрида юз кун хукмронлик қилиб, Андижон қалъаси муҳолифлар қўлига ўтганини эшитиб, Андижон сари йўлга чиқади. Тафсилоти шундай бўлади. Узун Ха-

ли навқарлари бориб, Андижон камал қилинган пайтда “Бобур Мирзо отир хасталанибди, тилдан қолди, оғзига пахта билан суя томизилипти”, деган гапни айтиб Али Дўст тағойи қошида ичди. Али Дўст бу сўздан бесаранжом бўлиб, муҳолифларни аҳд ва шарт билан ичкарига қўяди. Бўлмаса қалъани маҳкам қимов қилиб турса, Бобур Мирзо етиб келиши мумкин эди. У шулардан ҳам хаста бўлган эди. Узун Хасандан борган элига унинг оғзига пахтада суя томизаётганини кўрсатишган эди. Бобур тузалиб Хўжданга етиб келади. Муҳолифлар Андижонни олгандан сўнг, подшоҳнинг Хўжданга етиб келганини эшитиб, Хожа Мавловий Қозини арқ дарвозасига хурматсизларча осиб, панаҳид қиладилар.

Бобур бу ҳодисадан отир қайтуга тушади. Кейинчалик “Хожа Мавловий Қозининг валийлигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир”, деб ёзди. “Валийлигига бундан ҳам яхшироқ дағил бўладими”, — дейди. “Уларга қасд қилганлардан оз фурсатда ном ва нишон қолди. Хожа Мавловий Қози ажойиб киши эди. Ундайин юракли киши топилмайди. Бу сифат ҳам валийлик дағилидир. Оддий киши ҳар қанча баҳодир бўлсада, бир оз дағдағаси ва кўрқуви бўлади. Хожада асло дағдага ва кўрқув йўқ эди. Хожа воқеасидан сўнг Хожага мансуб кишилар навқар, хизматкор, қариндош, ақли оғлагарини бутунлай туттириб талатдилар. Менинг катта онамни ва ўз онамни, баъзи менинг билан бўлганларни кўчлари билан Хўжданга — менинг қошимга юбордилар”.

Ўшанда муҳолифлар Бобур Мирзо қариндош-уруғларини унинг олдига Али Дўст тағойи билан тузилган шартга биноян юборган эди. Бунда Узун Хасаннинг икки томонлама, ҳам ёш подшоҳ томонда туриб, ҳам Танбалдек ичи қора, китмир инсон томонида бўлиб қилаётган “ўйини” эди. Шу ўйинда шахзода Бобур тарбиячиси, маслаҳатчиси бўлган Бобур Мирзо ўзи айтганлик валий даражасига етиб қолган улғу инсон Хожа Мавловий Қозидан ўч олган эди. Уни Андижон қалъаси дарвозасига остириб, олга аъзоларини навқарларга талатиб, қачонлардир Хожа

Мавловий Қозидан эшитган танбехлари учун қасдини олган эди. Узун Ҳасан ана шундай кўрнамақлардан эди.

Ўшанда Самарқандни деб Андижон кўлдан кетади, Андижонни деб Самарқанд кўлдан кетади. Бобур Мирзо "гофил банди" у ердан қувилган ва бу ердан айрилган эди. Тўғриси, унинг учун уй йўқ бўлиб, у кўчада, дала-дашда қолиб кетади. Бир неча нақб очик кенгликларда, бепоян осмон остидаги улкан тоғлар, боғлар, ланг-паст адирликлар билан ўралган ҳал-ҳудудсиз воқий оғушнинг уйига айланиб қолади. У тунда осмон, юлдузларни томонини қилиб, қундузи сой, дарё, боғ-роғлар қучоғида, табиат отушини кезиб юраркан, ўсмирлик хиссиётлари билан лиммо-лим юрғинда табиатга-борликка бўлган мухаббати жўш уради. У тоғ отушда тоғ пиёда кезишни, тулпар, боғларни томоша қилишни, қушлар хонишига қулоқ тутишни, сой, дарёдаги сувларнинг жимирини оқипига кўз солишни хуш кўрарди.

Бу одаг унга доимий ҳамроҳ бўлиб қолди. Хोजа Мавловий Қози, қатта онаси доно аёл Эсандявлат бегим тарбияси воситасида синглирилган бу хислатни бир умр тарқ этмади. Қобул тақдирини подшоҳ бўлганда ҳам, Ҳиндистон мулки унинг ихтиёрига ўтганида ҳам сайр этиш, яқин-йироқни айланиб баҳра олиш, илҳом топшиш Бобурнинг доимий иши бўлиб қолди. Айниқса, оғир муномо ечимини тошгандан сўнг, яъни ҳар бир каттик жангдан кейин у бир, икки, ёки уч қушлаб кетма-кет сайрга чиқишни тарқ этмади. Бу билан руҳий ҳорлик олар, озурда қалбига таскин тошқини бир гал Бобур тун ярмида йўлга тушади. Қаякка кетаётганини ҳеч қимга айтмайди. Ўзига эргашган посбон ва отбоқарларнинг қолдириб яқини Турдибек олдига боради. Ўшанда Турдибек ёсти арити — қоризида хизматда эди.

Кейинчалик подшоҳнинг қистови билан лашкар сафиди қилиди. Лашкарда яхши хизматлар қилди. Панипат жангиди, кейин Раана Сангага қарши жангларда қатнашди. Бу жангларда охириги иштироки бўлди. Шундан сўнг подшоҳдан изи сўраб дарвешликка қайтгани ҳақида, Қобулга элчи бўлиб жўнатишнинг тўғрисида айтиб ўтилган эди.

Раана Сангаа жангидан сўнг Бобур олатича сайрга чиқади. Турдибек ҳам иштирок этади.

Бу галги сайр чашмалар ва кўл сайри бўлади. Бобур Пирўзнуар чинмаси ва Қотладаги қатта кўл таърифини эшитган бўлади. Уни кўриш, чашмалар атрофида сайр этиш иштиёқи дилда сақланиб қолганди. Хумоюнни қузатиш, у ерларни сайр этиш максасида ишқари ва яқин одамлари билан йўлга отланади. Чашма сувлари оқиб ўтаётган даранинг ҳамма ерида тулпар очилиб ётарди. Мангара гўзал эди. Қарда сув ёйилиб оқётган бўлса, ўша жой атрофига тарошланган, сулчачага айлантирилган тошларни қўйиндиларини буюради. Кетганлар шу тошларда ўтириб, айланиб оқётган сувларни бемавоғ томоша қилишсин, деган максасида буғилди қилдиради.

Сайрга чиққанлар кечани дарада ўтказди. Тонг ёришиб, кун шилдан кейин Қотла кўли томошаси бошланди. Кўлнинг ҳамма томони тоғ этаклари билан ўралганди. Айтишларича, Мана суви шу кўлга оқиб тушаркан. Кўл жуда қатта эди. Қатталани шу даражада эдики, бир қирғоғида турган киши иккинчи қирғоғини яхши кўролмади. Кўл қирғоғида қайиқлар чайқалиб турарди. Мабгум бўлишича, кўл атрофидаги тоғ ёнбағридаги эшикларнинг аҳолиси уруш бошланиб қолса, шу қайиқларга қорини ўзларини қутқаришарканлар. Мана, хозир ҳам улар йўқ эди. Бобур бошлиқ одамларнинг келаётганини кўришиб аллақандай кўл ичига сузиб кетиб бўлишганди. Қирғоқда фақат улардан қорин қолган қайиқлар қолганди, ҳолос.

Кўлни сайр қилиб бўлиб Хумоюн ўрдасига тушилди. Шу ердан олгинди ва овқатланишди. Бобур Мирзо ва унинг беқларини ерқоғлар қийдириш маросимини ўтказди. Хумоюн билан шу ерда хайралишди. Хуфтон намозидан сўнг яна йўлга тушилди. Яна бир оз ухлаб дам олинди. Яна йўл юриди. Тонг отганда қирғини ишловатидан ўтиди. Бир оз йўл босилгач, Савбар ва Чавоқнинг ўртасида — тоғнинг тумшүғида жойлашган чашманинг янада тўхталди. Подшоҳ буйруғига биноан шу ерда чодирлар қойилди. Шундай қилинишга сабаб, бу ерлардан ўтган са-

фар ўтиляётганда Турдибек хоксор подшоҳга чашмани мактабидан эди. Ҳанда Бобур отнинг устида бораркан, чашмани томонда қилиб ўтиб борганди. Чашма чинданла гўзал, мафтункор ва Чашмадан оқиб чиқатган сув ярим тегирмон сувича эди. Агар фи ям-яшил ўтлар билан қопланган бўлиб, тоғ орасидан қандай чиқарди. Оқар суви йўк Хиндистонда бундай жойнинг бўлиши камдан-кам ҳодиса эди. Шунданми Турдибек уни подшоҳга мактабидан. Чашма ҳам Бобурга ёққан эди. Шундан чашма устидан тарошланган тошлардан саккиз бурякки (мусамман шаклида) ховуз ясашларини буюради.

Дам олиб ўтирилган пайтда Турдибек турур билан суҳбатловчи дариға:

— Мен бу ерни мактабдан эдим, энди бу ерга ном берилш керек деди. Бу гапни айтаркан, подшоҳ бирор нарса дер деб ўйловчи чоғи зимдан унга назар солди. Бобур эса уни эшитмаганга олди. Бошқалардан ҳам садо чикмади. Ҳеч ким индамагач, бир оз ўнги Турдибек яна ўша гапини айтди. Бир-икки бор бу гап такрорланди гач, Абдуллох чидамади-да:

— “Подшоҳнинг Турдибек ёқтирган чашмаси,” деб ном берилш керак, — деб кўйди. Абдуллохнинг бу кочиримли гапига ҳамини бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бобур ҳам бу мутойибадан беихтиёр кулди. Шундан сўнг турунг янада жонланди. Турдибек эса тақлифи мутойибага сабаб бўлганидан ўзида йўк хурсанд, яқин атрофдаги яна бошқа чашмалар хақида билганларини сўзлар, ҳеч кимга гап бергиси келмасди.

Дўст эшикоға Байанадан келиб, “Подшоҳнинг Турдибек ёқтирган чашмаси” қошида туриб Бобурга илтифот кўрсатганидан кейин бу ердан кетилди. Бобур ҳамроҳлари билан Байанани сайр қилди. Сўнг Секрийга келиб, барпо этишлари тайин этилган боғ ёнида кўним тоғли. Ишларни назорат қилиш учун ўша ердан уч кун туриб қолди. Турдибек эса дарवेशликни ихтиёр қилиб, Комрон Мирзо ёнига элчи сифатида йўлга отланди.

САЙРЛАР ВА МЕҲМОНДОРЧИЛИКЛАР

Урушлардан сўнг сайр қилиш, ўзидати рухий толиқилдан хаво бўлиш Бобурнинг доимий одати эди. Юқоридаги хикояларидан ҳам биз бу ҳақда ёзиб ўтган эдик. Мана, яна подшоҳ хазиналари Дўштурни сайр қилишга хозирлик кўриш хақида бўйрук берди.

Милҳумки, анча бўлди Секрийда “Боғи фатҳ”ни, яъни “Ғабба боғи”ни барпо қилишга амр этилганди. Бобурга “Ғабба боғи” куриб битказилганлиги, унинг ғарби-шимолий тарафидан қилинган тошсўла фойдаланишга шай эканлиги хақида хабар қилишди. Бобур яхши ниёт билан (Рамазон ойи тугаб, хайит вақти яқинлашиб қолган эди) хайит намозини шу сўла устига оқиб тиктириб ўша жойда ўқишни мақсад қилди. Хайит намози шу ерда ўқилади.

Қурангки, хайит ўтгандан кейин Бобурнинг томоғи оғриб қолди. Бу энди ифторликдан сўнг совуқ сув кўп ичилганлиги сабабидан эканлигини айтиб, табиби Ҳозик Муҳаммад подшоҳга муолажалар олишни айтди. Бир неча кун муолажа қилингач, мана шундан буюн оғрик қолгандай эди. Шунинг учун Бобурнинг қай-қайиғи ҳам анчайин яхши. Шунинг учун Дўштурга сайрга отланган эди.

Дўштур ҳам анча олисдаги манзил эди. Кун бўйи йўл юрилди. Шом, хуфтон намозлари орасида овқатланилди. Сўнг йўлда давом этилди. Кечаси бир маҳалда бир жойда ухлаб дам олишга тўғри қолди. Подшоҳга махусе чодир тикилди. Атрофда ҳамроҳларидек ва амирлар, шунингдек Бобурнинг мунтазам ёнида бўлувчи махусе соқчилар.

Бобур чодирга кириб тўшакака чўзилди. Ухламоқчи бўлди, лекин негадир уйкуси келмас эди. У ёнига, бу ёнига ағдарилиб анча отди. Ҳандан туриб ташқарига чиқди. Чодир ёнида турган соқчил подшоҳни кўрдида, ўзини ёнбошга олди. Кундузлари иссиқ бўлган Хиндистон хавоси тунда бир оз салқин эди. У осмонга қаради. Юлдузлар боши узра жимирлар, бу жойда қолдузлар-

Кечкурун Бобур кечки овқатдан кейин лўлаболишни бикинига тортиб тўшакака чўзларкан, кундузги рухий тарангликлардан кутилганига шукр айтиб, бутунги жанг ҳолатларини фикрдан муҳокама қилади, хагота йўл кўйилмаганидан анча мамнун бўлади. Бирдан унинг хаёлига ўтган йили сешанба – Наврўз кунини Секрейдан Сангага қарши урушга отланиб, шанба кунини душманни яқсон қилгани келиб қолди. У бу йил яна Наврўзда навбатдаги душманга урушга отланганини ўйларкан, Сангага қарши урушда уни тўртинчи кунини яқсон қилганини эслади. Ҳақиқат “сешанбада бошланган уруш шанбага яқун тошганди. Энди урушга чоршанбада отландик, яқшанбада душман устидан ғалаба қозонсақ яхши бўларди”, дея мулоҳаза юритаркан, “бу ҳам тўрт кунда яқун тошган бўларди”, деб кўйди.

Бобур бу урушга киришдан олдин анча йўл босиб келди. Бенгал хони Нусратхон Махмуд Дўдий бошчилигидагиларни кўлгаётгани унинг ғашига тежкан эди. Йўлда давом этиб келаркан, Нусратхонни урушга жалб қилмади, аммо бундан кейин ҳеч қачон афғон қабилаларига бошпана бермасликка шарт қўйди. Ҳақиқат Нусратхон шартга амал қилганини инобатга олиб, яна вақтдан ютишни ўйлаб Бенгалга тегмай ўтиб кетди ва Гатар дарёси бўйларига бориб жойлашди. Махмуд Дўдийнинг афғонлардан иборат аскарлари шу дарё бўйида энди Бобурнинг қатта қучта эга кўшинини билан юзма-юз жанг қилишга мажбур бўлиб турганди.

Асосий жанг яқшанба кунга мўлжалланди. Шанба кунини икки тараф ҳам сукут сақлаган бўлди. Аммо Бобур кўшинини кўприкдан эртаси кунини ўтди. Яқшанба эрталаб кўприкдан ўтаётган аравалар, тўшлар, милтиқчилар, камончилар узоқда душман кўшинларини саф тортиб турганини кўриб туришар, бўлалитган жанг албатта, қаттиқ бўлиши мумкинлигини яхши хис этишарди. Кўприкдан кўшин ўтиб бораркан, нотора қалинини буйруқ берилди. Нотора қалина бошланди. Бу нотора Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларига Сайид Барака ҳазратлари томонидан Маккадан

қилиб келиб берилган нотора эди. Унинг садолари энди Ҳинд ўлимида Бобур амри билан жарангламоқда эди. Бу ғолиблик садоларини эди. Бу садолар узоқ-узоқларга жаранглаб бормоқда эди. Унинг жарангидан подшоҳнинг кўнгли ғурур ва ифтихорларга қилиб тошмоқда эди.

Нотора қалиниб, атроф жаранглаб бораркан қоровулдан хабер келдики, “Душман жангга кирмай қочиб кетди” деб. Подшоҳнинг Чин Темур Султонга ўз кўшинини билан душман ортидан қучиб бориш тўғрисида буйруқ берди. Бундан ташқари Муҳаммад Али жанг-жанг, Ҳисомиддин Али халифа, Муҳиб Али халифа, Кўкчи Бобо Қашқа, Дўст Муҳаммад Бобо Қашқа, Боки Тошканди, Ваги Қизилларга ҳам ўз йилитлари билан Чин Темур Султон билан бирга бўлишни буюрди. Душман олис-олисларга қучиб борилди. Деярли қатта тағофатли уруш бўлмади. Аммо у баргаришроқ этилди. Бобур подшоҳ энди ғарбда Син дарёсидан шарқда Бехор воқийсига, шимолда эса Ҳимолдай тоғларидан жанубда то Галийар ва Чандерий қалъалари ёйилган улкан худудга ҳукмдор эди. Энди унинг салтанатига даъво қилаётган бу атрофда ҳеч ким қолмаган эди.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ИШЛАР

Душман шу қочганча Сару дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб кетди. Унинг ортидан қучиб борган Чин Темур Султон аскарлари эса дарёнинг бериги бетида тўхташди. Чин Темур Султон вазиинини тахлил қилиб подшоҳга одам юбориб кўмак сўрайди. Бобур мингта йилитини марказ кўшиндан ажратиб кўмакка юборарди. Ҳақиқат Гатар ва Сару дарёларининг кўшилиш жойида тўхтайдилар. Бир неча кун шу ерда туриб, ов билан шугулланарди ва дам олган бўларди.

У Чандерийга юришдан олдин Мўлтондаги ишларни биллиш учун Аскаринини чақиртирган эди. У келарди. Тегилли масалалар муҳокама қилинарди. Эртаси кунини подшоҳ Ҳисомидда яшаш учун

Хиротдан йўлга чиққан тарихчи Хондамир, Мавлоно Шихаб Муаммой, Мир Иброҳимлар Бобур қабулида бўлдилар. Подшоҳ уларга илтифот кўрсатиб, шу ерда яшаб ижод қилишларини тавсия этади. Кейин хамроҳлари билан Гвалийарни сайр этади, шундан кунча жойларда обдонлаштириш, қурилиш ишларини бошлаб қўйган эди. Шуларни текшириб кўриш, тезлаштиришни ҳам мақсад қилган бўлади.

Бобур Аграга, Қобулга кетингга отланаётган Фахрийахон бошим ва Хадича Султон бегимлар билан хайрлашиб, Гвалийарга қараб йўлга тушди. Йўлда бир-икки кун Дўштурда туриб қолди. Илтари бу ерда боғ ва иморатлар соқилларни буюрган эди. Ушбу ерда тўхтаб ишларни кўриб чиқди. Бобур буюриб қурдираётган боғ ва иморат тоғнинг тумшугида жойлашган эди. Тоғ тумшугининг учини яхлит қизил бўлиб иморатбоғ эди. Агар ундан иморат қуриш иложи бўлса иморат қуришларини, бунинг учун ернинг казиб тушишларини, бағанд бўлмасга тош устини текислаб ховуқ уйишларини буюрган эди.

Тоғ иморатга ярайдиган даражада эмас экан. Подшоҳ Шох Муҳаммад сангтарошни чақириб саккиз бурчакли ўлчамда ховуқни қуришни режалаштиришни тайинлаганди. Шуларни кўрди. Кейин ховуқни сув билан таъминловчи қудук казип ишларини кўрди. Қудук казип ишлари ниҳоятга етай деб қолган эди. Ховуқ казипни тезлаштиришни тайинлади.

Эрғаси пешиндан кейин отланиб Гвалийар тепалигиданги намозгоҳни сайр қилиб келди. Келар экан Гвалийардаги Рақиб Ман Сингнинг иморатларига тугташиб кетган Хаатий Пўл дегани дарвозадан кириб, Бикрамажит иморатларини томоша қилишга киришди. Бикрамажит қурдирган бу иморатлар тартибсиз бўлисада, ажойиб эди. Тарошланган тошдан қурилган бу бинолар хашамадлиги билан киши диққатини ўзига тортарди. Биноларнинг сирти ганж билан оқартирилган. Пастки қаватларининг ичи қоронғу. Озгина ёруғлик бу ерда бирпас ўтирилгандан кейин биллинади.

Бобур хали қалъага кириб боргани Хаатий Пўл дарвозасидан кўтириб чиқаркан, дарвоза олдида тошдан ўйиб ясалган фил хайкали қолишида бир зум тўхтаб, унга эътиборини қаратди. Устида икки филбони ўтирган фил хайкалининг ким ясаган бўлсада, жуда уюнга ўхшатган эди. Хиндлар филни “хаатий”, дарвозани “пўл” деб аташгани учун қалъага кириш мумкин бўлган дарвоза фил хайкали шарафига шундай номланган эди.

Хозирги ҳукмронлик қилиб турган Раҳимдод подшоҳ хозир турган жойдан сал нарида чорбоғ қурдирган эди. У шу чорбоққа кириб юрди. Чунки Раҳимдод подшоҳ ташифи шарафига шу чорбоғда зиёфат хозирлаб қўйганди.

Чорбоққа кириб борилди. Вақт энди шомга яқинлашиб қолганди. Шом намози ўқилиб зиёфат дастурхонига ўтирилди. Ноз-неъматлар танаввул қилинди. Ош тортилди. Ошдан сўнг совғалар улашилди. Раҳимдоднинг совғалари анча салмоқли эди. Бобур бу чорбоғдан жўнаб, кечқурун ўз чорбоғига қайтди.

Гвалийар сайрига отланишдан бир кун аввал Бикрамажитдан подшоҳ хузурига одам келган эди. Бу одам Асўк исмли хинди бўлиб, у Бобур хизматига кириш учун изн сўраб келганди. Шу билан бирга тирикчилик учун етмиш лакля даромади бор ер беришини ҳам илтимос қилган эди. Асўк Бикрамажитнинг онаси Палмаватийга яқин қариндош эди. Шунинг учун у шу илтимосга ботина олганди.

Хўш Бикрамажит ўзи ким? Бикрамажит Раана Санганинг Рантабур қалъасида ўз онаси Палмаватий билан яшаб турган иккинчи ўғли эди. Унинг исми Раана Санганинг катта бобоси Бикрамажит хурматига қўйилган бўлиб, Раана Санга маътубиятидан кейин Бобур подшоҳ уларга яшаётган жойларида тинч-хотиржам яшанинга шароит яратиб берганди. Асўк уларга қариндош бўлганлиги учун аввал ўз ахволини она ва ўғлига баён қилди ва подшоҳ хизматида бўлишга изн сўраб келиши шундан эди. Бобур бир оғиз сўз билан унинг илтимосини рўёбга чиқартирди.

Эртаси Гвалийардан анча узокда жойланган шаршарани томоша кишиш учун олганди. Йўлга кеч чиқилгани учун шаршарага пешин намозидан кейин етиб келинди. Шаршара бир аркон бўйи баландликлари қолган оқиб тушаётган бир тепирмон суви эди. Суви тушаётган ердан пастроқда катта кўл ястаниб ётарди. Юқоридан оқётган суви шаршарагача яхлит қотлош бўйлаб оқиб келади. Сувнинг ости яхлит тошдан иборат. Ҳар жойи, ҳар жойи суви туғланиб кўл ҳосил қилган. Сувнинг киргоғида ўтирса бўлган хулди биров олиб келиб шу суви ёнида ўтирсин деб кўнилгандек бўлак-бўлак тошлар кўйилган кўрсилардек сочиниб ётарди. Манзара жуда чиройли эди. Подшоҳ бир тош устига бориб ўтирди-да, сувнинг юқоридан оқиб туғилишини томоша қилди. Бир неча сония ўтирғач, ўрнидан туриб юқорига суви бўйлаб қорди. Сувнинг бошланғич жойигача юриб борди. Қайтишда бир баланд қотлош устига чиқиб ўтирди. Атроф чиройли кўринишда эди. Пастда шаршара ёнида қолган олларга назар солди. Ҳали унга Андижон, Хўжаобод ва Бултоқбонни қишлоқлари оралиғини жойлашган Қоровултоғ тегалиғида ўтириб, Андижон томонига қараб узок-узок ўйга толган ўсмирлик дамларини эслагди. Ўзини фикрларқан “ўшандан бери қанча йиллар ўтиб кетди-я”, деб кўнди. “Бу йиллар ичида нима воқеалар бўлиб ўтмади. Мана энди уни тақдир Қоровултоғдан жуда олмасда, Ҳинднинг Гвалийар дотан жойидаги баланд бир қотлош устига олиб келиб кўйгани қизиқ эди”.

Подшоҳ қотлош устида ўз ўйларига ўзи фарқ бўлиб ўтираркан, сайрга бирга олиб келинган созандалар соз чалишга киришдилар. Кўпикчилар эса бир нималарни айтдилар. Бобур амри билан мулозимлардан бири пастда ўсиб ётган хиндлар “тинду” деб атайдиган обнус дарахтидан намуна сндириб келди. У ёнида бирга бу дарахтни илғари кўрмаган ҳамроҳларига унинг обнус дарахти эканлигини айтиб кўрсатган бўлди. Кейин тоғдан тушиб, ортага қайтишди, олларга минилди. Вақт бу фурсатда шом ва хуфтон намози оралиғида эди. Йўл юрилди. Туннинг иккинчи ярмида Чанбал дарёсидан ўтиб, Дўлшур кўрғонига кириб боришди.

Эртасига подшоҳ турли ишлар буюрилган ерларни айланишга киришди. Ишлар суғат кетаётган жойларни кўриб иш юритувчиларга танбехлар берди. Айниса, соябонли ховуз қуриляётган жойга кўшимча усталадар жалб қилинишини қаттиқ уқтирди. Шунинг сўнг Атрага келиди. Қалъага Ҳалича Султон бегим ва Фаҳридон бегимлар келган эди. Бориб уларни кўрди.

ШОҲ ҚОСИМ ПИЁДА (ТЕЗЮРА)НИНГ ЯҲШИ ХАБАРЛАРИ-Ю, ИСИГМА ИЗТИРОБЛАРИ

Уша замонларда тезюра почтачилар бўлар эди. Хат ташувчи қобуларлардан ташқари, одамлар, албатта бой-бадавлат қишлоқлар, подшоҳлар ана шундай тез юришни касб қилиб олган одамлар қизматидан ҳам фойдаланишар, бошқа мамлакат, шаҳарларга фирмон, хат-хабарларни юборишда уларни ишга солишарди.

Султон Муҳаммад бахшнинг тезюрари – пиёдеси Шох Қосим бу ишда катта тажрибага эга эди. Бобур подшоҳ ундан Қобулдан, Ҳиротга ўз фармонларини етказишда ишлатиб кўрган, хизматидан кўнгли тулган эди. Мана, ҳозир ҳам уни хузурига чорлаб мулозими тутказган фармонни Ҳиротга етказиб беришини тайинлагди. Фармоннинг – тўтрироғи хатнинг қисқача мазмуни шу эди: “Тангри кўмаги билан Ҳиндистоннинг шарқ ва фарбидаги душман ва кофирлардан (нарсата сиғинувчилар назарда тутилмоқда) кўнчилар тинчиди. Худо хоҳласа шу йили ёзда нима қилиб бўлса ҳам сизларни кўришга борамиз”.

Подшоҳ Ҳиндистондаги ишлар билан андармон бўлиб, қанидош-уруғлари, жигар-бағирларини соғинган эди. Улар тез-тез кўз олдидан ўтар, хотиржамликда улар билан бўлишни кўнгли жуда-жуда истар, аммо бувнинг иложи йўқ эди. Негаки, у ўз ихтиёрини юрт сўрашликка, атрофида унга ишонч билан ҳамроҳлик қилаётган, яшаш иштикёлида тирикчилик деб атаган, қипини нимисиз ортидан “савалаб” турган ҳолатга ўз инон-ихтиёрини топшириб кўйган фидойи инсонларнинг унга доимо илҳом

бағишлаб турувчи майилларига бериб бўлган эди. Колаверса, Самарканд, Андижон агрофида содир бўлаётган бесаранжомликлардан безиб, сокин бир тўша орзусида бу ерларга келиб қолгани эди. Энди, мана шу бошлаб кўйган ишларини ниҳоятга етказиш, шу масканда ўзи барто эттираётган салтанат деб аталгани мухташам бино ичига умргузаронлик этиш эди. Аммо солтин хислари ҳамон унга тинчлик бермас, шунинг учун гоҳо юкоридати мактубларни юбориш билан ўз кўнглига ўзи таскин беради.

Тезорар мактубларни манзилларга зудлик билан етказиб ортита тез кайтди. Кайтишда подшоҳни хурсанд қиладиган хабарлар келтирди. Хумон Ёлдор тоғанинг қизидан ўтиб кўрган эди. Ундан келган мактубда шу ҳақда ёзилганди. Комрон эса Қобулда, тоғаси Султон Али Мирзонинг қизига уйланаётганини баён этганди.

Бобур мактубларни бир-бир шопилмай ўқир экан, худди фирзандлари билан улар даврасида туриб, уларнинг суҳбатларини тингладандек бўлди. Мактубларни ёзаётган китоби варакларни ичига жойлаб кўяркан, бу мактубларга жавоб ёзиш кераклигини кўнглидан ўтказиб, мулозимга Саййид Дақний Шерозийни чорлашни буюрди. Бир ишни шунга қилдиришни кўнглидан ўтказиб кўйганди. Бу иш фақат шу курул ясовчининг кўлидан келишини биларди.

Саййид Шерозий яхши курул қилувчи эди. Фикрли, билимли яхши инсон эди. У келиб Бобур қаршисида тавзим қилди. Бобур унга сарпо кийдиришларини буюрди. Шерозийга зар тўн кийдиришди. У яна подшоҳга миннатдорчилик изхор этди.

— Бир иш бор, — деди Бобур унга қараб туриб. — Бу иш сизнинг кўлингиздан келади. Негаки, сиз яхши курул ишловчи инсонсиз. Энди ўз билганингизча, билимларни ишга солган ҳолда фавворали кудук қурсангиз. Тилатимиз фавворали кудукни ҳам кўриниш Саййид Шерозий:

— Подшоҳим, ишончлари учун мингдан минг раҳмат. Топпинрикни бажаришга Тангридан мадад сўрайман. Иншаоллох бажарамиз!

Орадан икки кун ўтгач, Бобурнинг харорати бирдан кўтарилди. Жума намозини ўқиш учун шу харорат ичиде масжидга борди, аммо масжидда зўрға намоз ўқиб олди. Кайтиб-ю тушакка ўзини ташлади. Кейинги кун пешин намозини ўз китобхонасида анча вақт ўтказиб ўқиди. Ҳамма ёти оғриқ, турнишга, юришга имжолли йўқ эди. Китобхонада кунни китобларни вараклаб бир нарсга қилиб ўтказди. Индинга — яқпанба кунни харорати анча кўтарилди, титроқ боса бошлади. Табиб буюрган дорилар негадир таъсир этмас, иситма пасаймас эди.

Бундай ҳол илгари ҳам бир бўлганди. Унда ўсмир эди. Самарканддан Андижон кўлдан кетганини эшитиб йўлга олганганда шундай иситма кирган эди. Ўзини билмай бир неча кун ётганди. Ҳагто оғзинга суя ҳам томизишиб турганди. Узун Ҳасандан келган одамга “Мана подшоҳнинг ахволи шундай,” дейишганди. Али Дўст тағойи бу хабарни эшитиб, Танбалга Андижон қалъаси дарвозасини очиб берганди.

Подшоҳ шуларни бир-бир эсларкан “ҳар ҳолда сал тузукману, ушчаллик эмасман. Шукрки, оғзимга суя томизишмайпти,” деб ҳақилдан ўтказди. Кейин Хожа Убайдуллоҳнинг “Волидия” рисолаини кўлига олди. Кўнглида шунини назмда битиши иштиёқи пайдо бўлди. “Агар бу манзума Ҳазратга (Хожа Убайдуллоҳга демокчи) макбул бўлса, — деди ўзига ўзи “Қасидан Бурда” соҳибни ёзган қасидаси Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга макбул бўлиб, фалаж касалидан ҳалос бўлгани каби мен ҳам Тангри буюрса, бу хасталиқдан қутилгайман ва бу назмининг қабулига далил бўлгай”. Шу ўйлар билан подшоҳ рисолаини “рамали мусалдаси Махуби махзуд” вазнида назм этишга киришди.

Бобур ҳар тун ярмида туриб асарни назмга солар, Мавлоно Абдурахмон Жомий ўз “Суҳбат ул абдор” асарини ёзган вазнда ёзилган, тўғриси назмга тушаётган “Волидия” асари ўн байтдан кам ёзилмас, Тангри подшоҳга ўз илҳомини ховучлаб берилгандай эди. Ҳар тун ўн байтдан кам ёзилмади. Ўн байт, ўн икки байт ёзилди. Ўтган йили ва авваллари ҳам иситма хаста-

лиги Бобурда бошланса камиди бир ой, кирк кун давом этарди. Тангри инояти билан подшоҳ бир оз руҳсизланиб, аммо хасталикдан халос бўлди. Сешанба бошланган назмга солиш иштигики шанба нихосига етказилди. Охириг кеча бирданига эллик некин байт битилди. Подшоҳнинг хасталикдан кутилиши назмий шининг кабул қилинганига далил эди. Шундан Бобур ўзага келиб, кўнглига ёруғлик тушди.

Ойнинг бошида Бобур амма бетимларини бориб кўрган эди. Уларнинг кўнглиларини овлаб қариндошлик бурчини адо этганди. Улар Тўхтадан ўтиб шахар ташқарисидати дарё бўйида кўним топишган эди. Ям-яшил ўтлар устига ўрнатилган чодир олдида подшоҳни Гавҳаршод бетим, Бадилжамол бетим, Ок бетим, кичик бетимлардан: Хонзода бетим, Султон Масъуд Мирзонинг кизи, Султонбахт бетим, Зайнаб Султон бетимлар кутиб олишган, подшоҳ уларнинг хар бирига зътиборли бўлган холди қариндошларининг хол-ахволларини сўраган эди. Қолаверса, Моҳим бетимнинг келаетгани хақидаги яхши хабарлар унинг тез соғайишига тавсир этган бўлиши ҳам мумкин. Бобур энди ўзини бошқача сеза бошлаганди.

МОҲИМ БЕГИМ

Моҳим бетим Бобурнинг энг сулокли хотинларидан бири. Подшоҳ уни ўзгача бир меҳр билан севарди. У бу гўзал хилкатни доно фаришта каби кўрарди. Бошқа аёлларига у канча меҳр-мухаббат бағишлаётган бўлса, мана шуларнинг барини жамлаб у Моҳим бетимга изхор қилишга интиларди. Каерда ва қайси жангтоҳди юрмасин, Моҳим бетим унинг хаёл кўзгусида жонланар, ойдин нигоҳларини унга тикиб Бобурни доим зафарга ундарди тўё. Фаритгалар фаритгаси бўлмиш Моҳим бетим подшоҳга илҳом, ғайрат-шижоат, завқ-шавқ, тафаккур манбан эди.

Ҳиндистонни забт этиш режасини ҳам подшоҳ дастлаб Қобулда узун тун кечаларида, тотли висол онларида Моҳим бетим би-

лини бўлган суҳбатларида пишилтганди. Ҳиндни забт этишга бетим бемосита хайрихоҳ эканлигини хар суҳбатда айтарди. Ана шу шот ортида Бобур авлодлари учун бу гап истиқбол турванлигини у Моҳим бетим тўфайли аниқлаганди ҳам.

Қолаверса, Моҳим бетим, Бобур ойдин кечаларда суюб эркаланган мохитоби Қобулда подшоҳликни кўлга киритганида, Бобур кетилида озгина бўлсада хотиржамлик бошлаган бир кутлуғ дамларда мана шу дамларни муборақбод этган маънода тахт ворисини ҳам ҳада этган эди. Подшоҳ унвонини валяҳд ўғилнинг дунда келиши унинг учун порлоқ истиқболдан дарақ эди.

Бобур раҳматли онасининг қистови билан уйланган хотинларига Моҳим бетимга кўйган меҳрчалик меҳр кўёлмади. Лекин у барча аёлларини, хатто холалари, оналари, аммалари, қизларининг барини бирдай ардоқлади. Уларни тез-тез зиёрат қилиб турди. Вақти-вақти билан уларга совғалар улашди. Емак-ичмак, илаш учун шароитдан ҳеч бирини кам қилмади. Хар канака қолатда аёлларга, биринчи навбатда оилаларига яшашлари учун қулайлик яратиб берди.

Тўри, тақдир Бобур қалбини жароҳатлаган дамлар ҳам йўқ эмас эди. Онасининг қистови билан болалигида унаштирилгани Самарқанд султони Аҳмад Мирзонинг кизи Ойша Султон бетим унинг дилига анчайин озор берди. Бобур хали-хануз бу озорларни унутолгани йўқ. Ўшанда омад ундан юз ўйирган пайтлар эди. Унинг хаёти йўқчилиқка юз тутган дамлар эди. Подшоҳзода бўлсада у камбағал эди. Хатто отларига едиргани ем ҳам тополмай қолган қўнлар кўп бўлган. Юртма-юрт изғиб юришлар, йўқ омад ортидан изғиш, баъзан оч, баъзан тўқ хаёт Бобурнинг профиди юрган ҳамманинг жонига текканди. Егани олдида, егани кетида, осойишта хаёт бағрида, тўғрироғи фаровон турмуш кучоғида улгайган Ойша Султон бетим эса бунга чидамасди. Тақдир ўйинига бош эгишни сира-сира хоҳламас, тох олда, тох яёв, чўл-даштларда эри ортидан кезиш уни безор қилганди. Бобур Мирзо ортидан судралиб юришга бардоши етмай қолганди. Шунинг учун у ёстикдоши Бобур юзига тик боқиб

жавобини беришини — талок қилишини талаб қилганди. Бу мисомадсиз Мирзога оғир боғтанди ўшанда. У тарчи Ойша Султон бегимни уйланишда суймаган бўлсада, етар, бас. Жавобинини бering, Мирзо, деганда унинг бу гапи дилга отрик бўлиб боғтанди. Бир ёстикка биринчи бош кўйгани, тўнғич аёли хурманни сакламаганига карамай кийналган бу аёлга ичидан аччиқонунга бор-йўти икки оғиз сўз айта олган, талок демагану бор кетакол, дея олганди, холос.

У шунни унутмасди. Моҳим бегимни соғинганида, тивик, ондек сулув, чўзинчоқ юзларини кўз олдига келтираркан, албатта мава шу ҳолатни эсларди ва аёллар оламнинг бу қадар рангини бўлиши моҳияти сир-асрорларини ҳеч тушуниб етолмасди.

Моҳим бегим подшоҳ ўн чандон севса арзийдиган маликалардан эди. Тўлчадан келган, гавдалги, тик қадди-қомати, юзларининг очиклиги, тим қора кўзлари, тақимга тегиб турган тонлиқ нувчан қора сочлари унга ёқарди. Гавда тузлигиши, юриш-туруши, мулоҳазақорлиги жиҳатидан қатта бўвиси Эсандавлат бегимнинг худди ўзинаси эди. Доно кампининг аллақайсидир бир кўринишлари унда намён бўлиб турарди.

Бобур ўз хонадонидagi аёлларининг ўта тарбиялигини учун ҳам ёқтирарди. Бу тарбиявийлик қатта бўвиси Эсандавлат бегимдан мерос эди уларга. Онаси раҳматли Нигор бегим ҳам ўша кекса бўвисига ўхшашга интилиб яшаган. Унинг кўп дуоларини олганди. Аёллардаги ўзаро хурмат-эҳтиромнинг бош илдизи ҳам ўша мўътабар онахондан эди. Жанжал-қашлик, галва чиқариш бу қатта хонадондаги аёлларнинг баричасига бегона эди. Шунинг учун уларни жазолаш, камситиш сингари одатлар Бобурийлар хонадонида умуман бўлмаган. Бобур улғайиб ўсган муҳитда эрлар аёлларни ҳар жиҳатдан эҳтиромда саклаганлар.

Бобур Хиндистонни забт этганда хинд арьёнларининг хондонларида жанжалкаш аёлларни қамайдиган камокхоналар ҳам борлигини кўриб хайрон қолганди. Наҳотки аёллар учун камокхона бўлса, улар қамалса, дея бу ҳолатни ҳеч ўзига сингдирма ол-

маганди. Бир хинд арьённинг жанжалкаш хотинини кўтарган қилиши кўриб туриб эса, беихтиёр Ё қодирни худованда этам, мумин-муслмонларининг бу қайи хотинларга эр бўлишдан ўзинг асрагин, деганди ва бундай аёлларга роҳатлан ҳам камокхоналар зарурга ўхшайди-я, деган ўйга борганди.

Бобур Хиндни кўлга олгач, Қобулда қолган хонадонига хат ёниб, тезроқ Аграга келишларини тайинлади. Ҳаммадан аввал Қобулдан йўлга чиққан Моҳим бегим қарвони бўлди. Қарвон ёқор ўрталарига бориб, Хинд дарёси қирғоқларига етиб келди. Бу ҳақда чопарлар Бобурга маълум қилишиб турди. Лекин Моҳим бегимнинг ҳали Аграга етиб келишига анча бор эди. Йўл юриш оғирлашганди. Юк ортилган отлар ва бошқа жониворлар, қажва ва маҳофазарни кўтариб юрувчи хизматкорлар ҳолдан юлганди. Қолаверса, иссиқ ҳаво тафти, баъзида кўтариладиган кўз очирмас тупроқли куюнлар йўл юришни кийинлаштирар, пардалар билан ўралган маҳофада ўтирган Моҳим бегимни ҳам анча кийнади. Дим ҳавода нафас олиш кийин эди. Отлар ва одамлардан иссиқ ҳавода анкиётган аччиқ тер хидини бегимнинг атир-ушлари бартараф етолмасди. У бундан изтиробланарди ҳам.

Ана шундай оғир шароитда келаётган қарвон ёз ойи ўрталарида Аграга яқинлашди. Кўл шаҳрига яқинлашганларида Бобур уларнинг етиб келаётганидан хабар топди. Моҳим бегим қарвонини қарши олишга дарҳол уч отли икки қажавани юборди. Бобур рафикасини Кўли Жамолдйда кўтиб олмоқчи эди. Лекин Моҳим бегимнинг яқинлашиб қолгани уни оҳанграбодек ўзига юртарди. У тезроқ моҳитобини кўришни истарди. Юраги ҳапқирар, худди ёш ошпақдек ўзини беқарор сезар, неча фурсатдан бери айрилиқка ташлаб кўйгани маълумқаси билан бўладиган висол дамларини хаёллаб, гоҳо ўзини осмони фалакда учиб юргандек ҳис қиларди. Бобурга хабарчи Бегим жуда яқинлашиб қолдилар, деганда ўзини тўтиб туролмади. У отини этарлаб беришларига ҳам сабри чидамади. Қаддини тик тутган холда бошини ади кўтариб, пиёда йўлга тушди. Тупроқ сўймоқ йўлдан юриб бориб,

кайрилишда Мохим бетимга пешвоз чикди. Мохим Бобурни кўри-ди-да, отдан тушмоқчи бўлди. Бобур шошиб маликанинг оти жинловидан ушлади ва:

— Безовта бўлманг, маликам, — деди, — хуш келдингиз, — деб кўшиб кўйди.

Харир никоб ичида кулимсираб:

— Ассалому алайкум, — деди. Кейин — Соғ-омонмисиз, шохим, — деркан кўшиб кўйди. — Хушвакт бўлинг!

Сўнг севглиси юзига назар солди. Юрати ўртангандай эди унинг ҳам. Бобур ростдан ҳам Мохим бетимни соғинганди. Агар шу атрофда хозир юрган мулозимлар, кажавва кўтариб келатгани хизматкорлар бўлмаганда эди. Бобур Мохим бетимни бағрити босган, ойдек сулув юзларидан, нафис лабларидан, кулимсириб турган ўйноки, шу билан бирга босик, теран кўзларидан тўйиб бўса олган бўларди. У шу ернинг ўзида мохитобини эркалагани, жоним, жуда соғинтирдингиз деган бўларди. Хизматкорлар, бетим ҳамроҳлари аёллар, мулозимлар аслида Бобур амри-иншо-расига кўз тикиб турган кимсалар эсада, улар барибир одамлар эди. Қолаверса, Бобур подшоҳ эди. Унинг хар бир хатги-хараки-ти, юриш-туриши ва хатто ўз никоҳидаги жуфти-халогли билан бўладиган хозирги кутиб олиш маросими ҳам маълум маънода атроф учун сиёсат эди. Буни Бобур ҳам, суюкги ёри Мохим бетим ҳам яхши билишарди. Шунинг учун бир-бирларига факат сирли суқланиб боқишдилар. Боқишлар заминида эса, одам-одам маъно жамул-жам эди.

Бобур от жинловини ушлаб тарғил пешонасини сглаб кўйди. Олдинга караб бир қадам ташларкан ёнбошдан бетимга ана қаради. Кўзлар сирли тўкнашдилар. Мохим бетим ёндан қаратган подшоҳининг хиёг чўзинчоқ юзига назар соларди. Ияк суякларни бироз бўрттиб чиққан, кўриниши катъиятли, бақувват, шу билан бирга нозиктаъб подшоҳининг окка мойил тиник чеҳраси энди Хиндининг жазирама куёши тафтидан бироз қорайибди. Каттик, дағал икшим Бобурга ўз таъсирини ўтказибди. Бетим буни бир қарашда билди.

Бобур отни илдам етаклаб кетди. Юмшоқ тушрок унинг тонилари остида эриб тургандек эди. Неча фурсатлардан бери отдан отга миниб ҳеч яёв юрмаган Бобурга бу юриш бир пайтлар ёмаржанд атрофларида тахт даввосида тиканзор, юлгунзорларнинг неча кунглаб ялангоёқ юрганларини эслатди. У буни эсла-ди, хозир Хинд мулки подшоҳи эканлигини, оёқларида энди лиммабобахо чармдан қилинган шохона этиклинги, подшоҳ бўлса-ди, малика минган тулпорни етаклаб келатгани унга ғалати туюлди. Ўзича кулимсиради. Ва Маликалар маликаси фариптага етовчилиқка арзийман-а, дея хайга борди. Кейин бейхтиёр хазрат Алишер Навоийнинг рўбойсини ёдга олди:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,

Сондин сени, кўп севармен, эй умри азиз.

Хар неки сегомқлик ондин орниқ бўлмас,

Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Сағрларни ичида такрорларкан, бейхтиёр у яна Мохим бетимга қаради. Бу билан тўё Эй мохитобим, биласизми, ана шундай севаман сизни, демокчи эди тўё.

Юзлаб хизматкорлар, байрамларда безатилгандек отлари безатилган соқчи суворийлар, аёллар ва ёш болалардан иборат қарвон Мохим бетим харамидигилар кўп қийинчиликларни ортдан қолдириб, манзилга етиб келишган эди. Бетим ўтирган отни Бобур етаклаб бораркан, Мохим бетим нариги отда кажавада ўтирган қизи Гўлбаданга караб шундай деди:

— Кундузи келиб отанг — подшоҳ хазратлари билан кўришгин.

Хўшми, қизим. Албатта шундай қил.

Бу пайт энди кеч кирган эди. Шом намозини қарортоҳда адо қилишга қарор қилинди. Бобур ва Мохим шунга опинқилар. Етти яшар Гўлбадан эса қарвон кўнган жойда энгалари билан бирга қолди.

ЯХШИ ХУШХАБАР ВА БОБУРНИНГ ЎҒЛИ ХУМОЮНГА МАҚТУБИ

Тонг ёришган пайт. Осмоннинг бир бурчи ёришиб, тун пардасини олам сахнида суриб, ташлаган қадим дунёга яна ёруғини бераётган дақиқалар.

Икки навқар энди, ёнма-ён туриб бомдод намозини адо этишди. Ҳар иккиси ўз жойнамозларини ердан олди-да, уни ён томонга қараб қоқишган бўлишди ва тахлаб нарида турган отлари устидаги хуржунга жойладилар. Иккиси ҳам отларига миндиларда, отлари жиловини тортган ҳолда тонг ёришаётган томонга қараб бир зум тек қотган ҳолда суҳбатлашган бўлишди. Барвасти гавдали қора кош Беккина Вайс Лотарий яқтали ёқасини тортиб тўғриларқан, шериги ўрта бўй, оқ сарикдан келган Баёншайхга деди:

— Подшоҳ хазратлари набиралик бўлганликларидан хабар тошгач, беҳад қувонсалар керак-а?!

— Албатта, — деди Баёншайх энгашиб оти ёлини тартибга келтираркан.

— Набира боболар қувончқу. Ҳар қандай ота набиралик бўлгач, бобо бўлганидан янада қувонади. Подшоҳ хазратларининг химмати баланд. Қараб турасиз, хали. Суюнчи совға ҳам қатти бўлиши турган гап.

— Айтганингиздек бўлсин, — деди Беккина Вайс ва давом этди, — Ҳўп энди. Шу ерда ажралишамиз экан. Сиз у йўлга, биз бу йўлга. Қани, бир дуо қилсинлар!

Шайх авлодидан бўлган Баёншайх кўлини дуога очиб, сафарлар бехатар бўлишини Аллоҳдан сўраб кафтини юзига сурди. Беккина Вайс ҳам “Аллоҳу акбар” деб тақрорлаган бўлди. Ҳар иккиси икки томонга қараб отнинг жиловини силтадилар. Улар икки нуқта бўлиб кенгликлар бағрида бир-биридан узоқлашиб бордилар.

Илдам бу сипоҳийлар Хумоюн Мирзонинг навқарлари бўлиб, кеча жума кўни жума намозидан кейин, Кишим деган жойини

пасткида Душанба деган ерда подшоҳзодадан ажралишган эди. Улар шу ерғача бирга келишди. Шу ердан икки тарафга от жиловини буриб шаҳзодаларнинг отасига йўллаган мактубини тезроқ отқазиб макседида илдамлаб кетдилар.

Баёншайх анча тезкор эди. У Беккина Вайсга қараганда подшоҳ хузурига тез етиб борди. Хумоюн ўтиг кўрганлиги ва унинг исминини Алъамон деб кўйганлиги хабарини билиб қувонди. Уни подшоҳлик сарофати канча бўлса, шунча химмат билан сийлади. Бир кун кейин етиб келган Беккина Вайс ҳам шу даражада сийланди.

Ўзи шунақа. Баёншайх жуда ҳам тезкор хабарчилардан эди. Бир пайт қалъаи Зафардан чиқиб, Қандахорга ўн бир кунда етиб борган эди. Бу гап ҳам мана у бир ярим ойлик йўлни ўн уч кунда босиб етиб келди ва подшоҳ хурматига янада сазовор бўлди.

Ўша даврларда шунақа эди. Хафталаб эмас, ҳатто ойнаб йўл юриларди. Олис ўлкалардан бир хабар келгунча, икки-уч ой ўтиб кетар эди...

Подшоҳ Хумоюндан ҳар икки навқар орқали келган мактубларни олгач, тездан жавоб хати ёзишга киришди.

Хумоюнга битилган мактубнинг кораламаси куйидагича эди: Хумоюнга муштокликлар билан соғиниб сазом дегач, сўзим ушбуки, Беккина билан Баёншайх етиб келишди. Ҳар ва арзлардан тоғнинг у ва бу тарафидаги ахвол қандай эканлигини билиб олдим.

Шукр, бермиш сенга ҳақ фарзанде, Сенга фарзанду, менга дилбанде.

Тантри таоло бундай севинчларни менга ва сенга ҳамипша ва-сиб этсин, омин ё рабиг-оламин. Исминини Алъомон кўйибсан. Тантри муборақ қилсин. Аммо шундай бўлсада, ўзинг ёзганингдек, рофиллик қилибсанки, бу исмини кўп кўллаганда, Авом Алъомо ёки Эл Амон дейдилар, “алфиф” “лом” нинг бундай кўпилиб келиши исмда кам учрайди. Тантри ота ва зотини қуттуғ ва мубо-

рак килсин. Менга ва сента узок умр берсин. Алъамон кўп асрлар давлат ва саодатли бўлсин.

Тангри таоло ўз фазлгу қарами билан бизнинг ишларимизни ўнглади. Бундай омад ва зафар юз йилларда ҳам топилмас...

Яна Комронга ва Қобулдаги Бекларга кўшилишга ва ундан Хисорга ёки Самарқандга, умуман, давлат осойишталиги қасрини тиласа, ўша ерга жўнайсизлар деган фармон бўлди.

Ҳа, Бобурнинг шикаста қалби бир умр “Давлат осойишталиги” бор жойни кўмсаб ўтди. Афрус ва минг афруски у бу осойишталикни топа олмади. Атрофида, яқин-йироқларда бу осойишталик йўқ эди. Ҳамма жойда ва ҳар тарафда хиёнат, душманлик, хоқимият учун, мол-дунё учун тинимсиз жангу жадаллар давом этарди. Соқинлик истаган қалбга осойишталик берилмас, қандайдир ақлсизлик, жаҳолат, киргин ҳукмрон бўлиб олган ўшн замонда “Ҳа, бўл! Ҳа, бўл!” мавжуд эдики, подшоҳнинг покити руҳияти бу ҳолдан ҳар лаҳза иштироб чекиб яшарди. Ва лекин ўшн ярлакаган Тангри таоло у ўзи ёзганидек, “ўз фазлгу қарами билан” унинг ишларини ўнглаб турарди. У мактубни донишманд ота сифатида ўз ўғлига ёзаётган эди, шу мавнода...

“... Тангри инояти билан душманни енгиб, ҳудло хоҳласа илоқларни кўлга олиб, дўстларни шод ва душманларни ости-устин (хор) қилгайсизлар. Сизларнинг жонни тикиб, қилч содалиган пайтингиз келди. Омадингиз келганда уни бой бериб кўйманг. Бепарволик ва суस्तқашлик билан подшоҳлик мувофиқ келмайди...”

Агар Тангрининг марҳамати билан Балх ва Хисор вилоятларини кўлга киритиш насиб этса, Хисорга сен ўз одамингни кўй, Балхда Комроннинг одами турсин. Агар Тангрининг инояти билан Самарқанд ва Андижон ҳам фатҳ этилса, Самарқандда ўзининг ўтир, Андижон вилоятини, Ҳудло хоҳласа, ўз ихтиёрида қолдираман. Агар Комрон Балхни оз деб билса, хабар бер, бу камчиликни, Ҳудло хоҳласа, ўша ердаги кўшни вилоятлар билан тўлдирамиз. Сента мавлумки, ҳар доим бир қойдага амал қилшарди олти хисса сента бўлса, беш хисса Комронга тегарди. Ҳамини

ўшбу қойдага амал қилгин, ундан четга чиқманглар. Уканг билиш яхши яшагин. Катталар кўтаримли бўлишлари керак, сенинг кам у билан яхши муомалада бўлишингга умид қиламан. У кам-инонли ва яхши йилит, хизмат ва ҳамжиҳатликда унинг ҳам камчилиги йўқ.

Бу сўзлар фақатгина подшоҳнинг ўз кўл остидаги хизматчинга кўрсатмалари эмас, балки оқил, кўп ишни бошидан ўтказган отанинг фарзандига кейинги хаётларида амалга ошириши зарур бўлган ва оқилгона белгилаб берилаётган дастурлари эди. Бобур подшоҳ фарзандлари ақил яшашларини жуда-жуда истаган эди. Улар ақил яшаб ўтсалар, унинг ўз номи ҳам бир неча асрлар яшаб-боришга ишонар эди. Тангри таоло унинг дилига шу ниятларни ҳам жо қилиб кўйган эди. Аҳилликда, бир-бирига мурувват қилишда кўп хикмат борлигини у биларди. Шунинг учун ҳам у ўнгладики бу сўзларни чуқур мулоҳаза ва теран фикрларга асосланган ҳолда, содда, раван ифодаларда ёзар эдики, мактубда айланган ҳамма гаплар Ҳумоюн Мирзо қорагига бир умр муҳрданиб қолган эди.

“Сендан бир оз тинам бор, — деб ёзди у. (Отада, тина қилишда юз фоиз ҳақли) Икки, уч йилдан бери бирорга одаминг келмади. Мен юборган одам ҳам рошпа-роса бир йилдан кейин қайтди. Шундай ҳам бўладими?!”

Бунинг устига хатларингда ёлғизлик, ёлғизлик деб ёзибсан. Подшоҳликда бундай дейиш айбдир...

...Ҳеч бир банд подшоҳлик бандича бўлмас. Подшоҳлик билан ёлғизлик мувофиқ келмас...”

Кўринадики Бобур фарзандини ҳар дақиқа ёдда тутган. Унинг ишлари қандай кечаётганини ўйлаган. Бир оқил ота қанчалар ўз боласи учун қайнурган бўлса, Бобур ундан ўн чандон ортироқ қайнурган. Сабабикки, Ҳумоюн ҳали ёш эди. Подшоҳликда ҳукмронлик масаласида болам ёшлик қилиб қолмаётганимиздан дестан ташвиш бор эди. Чунки ўзи ўн икки ёшида тахтга ўтириб, кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган эди. Ҳумоюн ҳам ўн уч

Рубойда шоир тилга олаётган Гудрух бегим Аскарининг онаси бўлиб, у ҳам Бобур учун Моҳим бегим даражасида суоқли эди. Ундан тугилган фарзандлар ҳам подшоҳ учун жулда-жулда суоқли эди. Шунинг учун ҳам суоқликда Хумоюн даражасида бўлган Комронга Қобулни бошқариб туриш бериб қўйилганди. Бобурнинг кўнглида Аскаринини ҳам ўша даражага кўтариб қўйиш нияти бор эдики, (1529 йил) ёш Аскаринга раби-ул аввал оинининг йигирма тўққизинчисида унинг хали ёш бўлишига қараман илтифот кўрсатди ва масъулиятли ишларни зиммасига юксатини қаришти. Бобур аввал Гангининг нариги юзидати барча султон ва амирларга Аскарини қошида йиғилиб, Пураб томонга Гангри инюяти билан отланиш тўғрисида фармон берди ва ундан сўнг Аскаринга подшоҳзода эканини билдириб, янада эл-улуста уқтириб қўйиш учун кимматбаҳо тошлар қадалган камар ханжар билан шохона сарпо кийдириб, байрок, ногора, бир отхона от, ўнта фид, бир қарвон туя, бир қарвон хачир ва шохона асбоб-анжомлар инъом қилди. Унга Бобур томонидан девонда бош ўринда ўтираш хукм қилинди. Мулласига, яъни унга илм берувчи ўқитувачиси ва икки тарбиячисига тутмалик чакмонлар, яна бир қатор навқарларига тўққизтадан уч марта тўн инъом қилдириди. Бу билан подшоҳ хазратлари худди Хумоюн, Комрон, Хиндлол сингари фарзанди Аскаринини халти ёш бўлишига қарамай давлат ишларига аралашшиш, давлат бошқарувини ёшлигидан пухта ўргатиниборишига эл-улус олдиди йўл очиб берган эди.

Южорида тавқиллаганимиздек, Хиндистонга Қобулдан биринчи бўлиб Бобур аёлларидан Моҳим бегим келди. Моҳим бегимдан сўнг бутун харам Қобулдан Хиндистонга кўчиб келди. Албатта, Бобур хохиши билан шундай қилинди. Чунки Бобур бутун қариндош-уруғи, оида аъзолари билан бутунлай хиндистонлик бўлишга қарор қилган эди. Лекин юртни сўраб туриш, йигирма йилдан ортиқ хукмронлик қилиб шу юрт, шу мамлакат туйфайли дунёда яхшиликларга эришгани боис ҳам уни бошқариб туриш ва Қобул атрофидаги худудларда ўз фарзандлари хукмронлик қилиб туришини тўла тавминлашни йўлга қўйиш

мақсадиди бир қанча ишларни амалга ошириши керак эди. Шундан бири Агра билан Қобул алоқаларини доимийликка айланттириб қўйиш эди.

Бобур раби-ул-охир ойининг тўртинчи куни девон йиғилишини чақирди. Бу сафарти девон йиғилишида ёш Аскарини биринчи бор катта амалдорлар каторида бош ўринда ўтирди. Подшоҳ йиғилишида Аградан Қобулга қадар масофани ўлчаб чиқиб қимда маълум масофаларга чордара, яъни қузатув пунктларини қурдириш, шунингдек бу қузатув пункт (манзил)ларига ём отини боғлаб қўйиш, ёмчи (от алмаштирувчи) ва сайис (отга қаровчи сингил)ларга уллуфа (маош ва озиқ-овқатлар) харажатлар давлат томонидан белгиланиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорда бу ишга Чакмоқбек билан Шохий тамғачилар бош қотиб қилиб тайинланди. Шунингдек, ўлчовлари ҳам қатъий белгиланган бўлиди.

Белгиланган ўлчовларга асосан Аградан Қобулгача бўлган масофада хар тўққиз гуруҳда, яъни йигирма беш километру 200 метрда бағандлиги 9 метр (ўн икки қари) бўлган минора ва бу минора устига чордара – қузатув пункти қуришга келтишиб олинди.

Ўлчаш учун бир қурух 44 минг қадам бўлгани боис узунлиги 44 қадам бўлган арқондан фойдаланиладиган бўлинди. Чакмоқбек ва Шохий тамғачи бошлик мутахассислар ишга киришдилар. Ўлчовчилар ўлчаш, минора қурувчилар қурилиш ишларини бошлаб юборишди.

Бундай қилишдан мақсад Агра билан Қобул ўртасидаги йўлда назоратни қучайтиришу бориб-кегувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш эди. Подшоҳ учун бу ишни амалга ошириш муҳим эди.

Орадан икки кун ўтди. Тўй қилишга тараддуд бор эди. Шанба кунни тўй қилинди. Тўй қимга қилинди? Қанака тўй? Бу ҳақда “Вакоънома”да айтилмаган. Фақат “шанба кунни тўй қилинди” дейилган, холос. Аммо тўй ҳақида ёзилганлардан шу нарса маълум бўладики, у жулда ҳам дабдабали бўлган. Тўйга чопарлар

жўнатилиб, хатлар оркали Самарқанд, Андижон, Тошкент, Тошкентнинг Паркентидан, шунингдек Хушёр кишлоғидан, Қобул, Қандаҳор, Бадахшонлардан меҳмонлар тақлиф қилинди. Улар тайинланган одамлар орқали кутиб олинди.

Бобур: “Қизилбош, ўзбак ва хиндўларнинг элчилари бу тўнда катнашдилар”, деб ёзади. Кейин беklarнинг бу элчиларни қараш, уларни меҳмон қилиш бўйича масъул этиб тайин қилинганни айтади. Уларга, яъни меҳмонларга шомиёна-нозин чодир қурилади. Қизилбошларга Юнус Алибек, ўзбакларга Абдуллоҳбек тайин этилади. Ўнг қўлга қизилбошлар, чап томонга ўзбаклар ўтказилади. Ўзи саккиз қиррали янги солнинган айвоннинг шимол томонида икки ёнида султонлар, хонлар, улўғлар, амирлар даврасида ўтирди. Подшоҳ олдига лиламчи солишди. Лиламча устига алоҳида-алоҳида қилиб олтин, кумуш, мис пулларини тўкишди. Ёнига матола, кийимликлар, олтин, кумуш акча солинган бадаллар – халтачаларни ўзи ёзганидек тўдлаб кўйишди.

Ошдан олдин совға тақдим этиш маросими бошланди. Шу билан бирга тўй бўлаётган саҳннинг рўпарасида меҳмонлар шарафига чор атрофи сув билан ўрабган оролда маст тунлар ва филларни уриштириши кўрсатилди. Шунинг давоминда кўчкор уриштириш бўлиб ўтди. Кейин полвонлар кураши давом этди.

Катта ош тортилгандан кейин Хожа Абдушаҳид билан Хожикалонга авраси туя жўнидан қилинган матодан бўлган кундуз тўндлар муносиб сарполар кийдирилди. Мулла Фаррух ҳам, шохфиз бошчилигида келган меҳмонларга чакмонлар кийдирилди. Кўчимхоннинг элчиси ва Хасан Чалабийнинг укасига ҳам инак, бош кийим, тўгмалик кундуз тўндлар ва шунга яраша сарполар берилди. Абусаид Султон, Меҳрибон хоним, унинг ўгли Пўлод Султоннинг элчиларига ва Шоҳ Хасаннинг элчисига турмалик чакмонлар, инак тўндлар инъом этилди. Икки хожига ҳамлик икки катта элчи Кўчимхоннинг навқари ва Хасан Чалабийнинг укасига кумуш тоши билан (эътибор қилинг) олтин ва олтин

тоши билан кумуш тортилиб инъом қилинди. Олтин тоши (ўша ширдлати ўлчов булар) беш юз мисколга тенг бўлиб, Қобул тоши билан бир сер келади, кумуш тоши эса икки юз эллик мисколга тенг келиб, Қобулнинг ярим серига тенг келади. Бир мискол 4,6 граммга тенг отирлик ўлчови. Энди подшоҳ хазраларнинг совға сифатида бераётган олтин ва кумушларининг қимматини бир ўйлаб кўринг.

Мухтарам ўқувчи! Бизнинг бу совғаларни бағафсил ёзишдан мисқадимиз Бобурнинг бобоси Темурбек хазратлари сингари сикховатпеша хукмдор бўлганлигини айтишдир. У қўлга киритган мол-дунёларини ўзимда турсин демади. Аввал қариндош-ўруғлари, сўнг атрофидати одамлари ва шунинг каторида барча бева-бечораларга улашди. Имкони борича мол-дунёдан, бу бойликлардан одамларга наф етишини ўйлади.

Бир ўринда бу тўй маросимида ўзига ҳам совғалар берилганини шундай ёзиб ўтади: “... мен билан Андижондан келиб, жойсиз, илгансиз юрганларга, Сўх ва Хушёрдан келганларга ҳам чакмонлар ҳам инак сарполар, олтин, кумуш, кийимлик ва бошқа нарсалардан инъомлар бўлди”.

Бобур Хиндистондек юртни қўлга киритиб, унинг хукмдорлиги айланган бўлсада ўзини жойсиз, ватансиз деб хис этган. Андижонда бўлганганидан ўқинган. Юрт соғинчи, диёр мухаббати ҳаминша унинг юрагини ўрлаган. Ватанга бўлган ишғиёк, Андижонни сезиш туйғулари Бобурнинг қалбида то ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача сақланганлигини юқоридаги сағрлардан билиб оласак бўлади.

Хўй, Бобур подшоҳ Андижонни бунчалар яхши кўришининг босиси нимада? Нега у хар икки гапда бу юрт хақида соғинч билан сўзлади? Ўйлаб қарасак, Бобур боғалик таассуротларида Андижон ўчмас из қолдирган эди. Ўн икки ёшда отаси Умаршайх Мирзо вафот этди. У тахтга ўтиришга мажбур эди. Отасининг рақибларидан бири Султон Аҳмад Мирзо Самарқанддан лашкар тортиб Андижон томонга бостириб кела бошлади. Улар Қувага етиб келганларида кўп ёгингарчиликлар бўлди. Сияҳоб

дарёсидан ўтаётганда от ва туялар ботқоқка ботиб ўла бошлили Иккинчиси шўки, тарихчи Хондамирнинг ёзишича, самаркандликлар лашкаргоҳида от вабоси – ўлаг таркайди. Учинчиси, Андижон халқининг катта-ю кичиги Умаршайх Мирзони сенир эди. Унга нисбатан ихлоси бағанд бўлиб, унинг юртига келибган ёв билан жанг қилишга хозирлик кўра бошлайди. Шу ҳолатлар боис Султон Аҳмад Мирзо ёш Захриддин Муҳаммад Бобур севган халқни ва юртни Бобур подшоҳнинг бу қадар севиши пиншундан эди.

Тўйда ош тортиб, тақдирлашлар ўтиб бўлгач, Ҳиндистон боғизарлари (ўйинчи ва масҳарабозлар) келиб ўйин кўрсатишга киришдилар. Улар Ҳиндистон лўлилари бўлиб, уларнинг ўйинлари Андижондаги лўлиларнинг ўйинларидан фарқ қилар эди. Бобур юкорида ўтирган ҳолда бу ўйинларни фарқ қилар эди. Бобур фарқларни таҳлил қиларкан, халқларнинг айланлишлари, тову жориш усуллари, “пойи Чубин” (ёғочёёк) қилиб юришда Ҳиндистон лўлилари анча ҷаққон ва ўзига хослигини кўриб туриб, улар томондагилардан пешқадам эканлигини билди. Айниқса, бир-бирларининг устига ҷикиб кўрсатган ўйинлари умуман боинкача эди. У томондагиларга қараганда буларники анча мураккаб эди. Лўлиларнинг ўйинларидан кейин раққосалар келиб раққо тушдилар, куй, кўшиқлар янгради.

Шом намозигача олтин, кумуш ва мис тангаларидан соҷкилар сочилиди. Буларнинг бари подшоҳнинг амри билан амалга оширилди. Шом ва хуфтон намозлари оралиғида подшоҳ беш-олти яқин кишиларини олиб “Ҳишт беҳишт” деган хилватхонасида то тонгга қадар суҳбатни давом эттирди.

БОБУРНИНГ ТЎЙДАН КЕЙИНГИ ИШЛАРИ, КЕМАЛАРГА НОМ БЕРИШИ ВА ПОДШОХНИНГ КЕМАДАЛИК ПАЙТИДА СОДИР БЎЛГАН ТҶНГИ ВОҚЕАЛАР

Тўй Бобур култанидан зиёда ўтди. Белгиланган яқин кишилари тўйда яхши хизмат қилдилар. Узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг барчаси мартабасига яраша сийланди. Уларнинг келишидан тортиб, кетишигача бўлган ҳамма амаллар ўз ўрнида бажарилди. Берилган совға сийловлар ҳали бу атрофда ҳеч қайси тўйда бунчалик бўлмаган эди. Тангрининг инояти билан кўлга киритган мол-мулкларнинг яхшилик – тўйда сарф қилинишидан подшоҳнинг кўнгли қониқиб қолган тўйда ва бундан мамнунлик топиб Ярагганга мингданминг шўқроналар айтди.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб, Бобур хузурига Аскаррий келди. Унда у отаси берган байроқ ва ногорага эга эди. Истом йўлида жанг қилишга рамз ҳисобланган бу неъматлар эгаси бўлган Аскаррий отасининг кўрсатмасига асосан Шарққа қараб отганини керак эди. Шунинг учун ҳам у ота хузурига ижозат олиш учун кетди. Бу вақтда подшоҳ ҳаммомда эди. Юкорида айтилганидек, Ҳиндистоннинг ҷанг-тўзонларидан, иссиқ иқлимидан Бобур фақат ҳаммомда ўтириш орқали ўзи айтганидек панох толарди. У ҳаммомда Аскаррий юришига дуо берди. Ўғил кўшинни ортидан эрташтириб Шарққа қараб кетди.

Сешанба кунни Бобур ўз бўйруғига бинван курилиши бўлаётган манзиллари кўргани отланди. Шу кунни тошқудуқни бориб кўриди. Йитирма олтига тоштарнов, тошустун, қизил қолдан қилинган ариқтар тайёр ҳолига келибди. Ўша вақтда қудуқдан сув тортиш бошланди. Қудуқ сувига қандайдир бадбўй хид бор эди. Бобур сувни кафтида тутиб туриб дарҳол седи ва ўн беш кеча-кундуз то сув хиди йўқ бўлгунча ҷарҳни тўхатмай иштирокини буюрди. Шу билан бирга шу ерда ишпаган сантарош ва дурагторларга совғалар инъом қилди.

Юкорида ёзганимиздек, Хиндистонда дарёлар кўп. Шу билан бирга дарёлардан ўттиш ёки бошқа манзилларга бориш юзасидан магар орқали ҳам амалга оширилади. Бобур ҳам тох отда, тох кемада юришни ўзига аллақачон одат қилиб улгурган эди. У Сун, Гўйи, Кармунас, Жўншур каби ва албатта Ганг дарёларидан кемада юрганилигини ўз асари “Бобурнома”да бағайиб баён қилиб ўтган жойлари бор. Бу дарёларнинг ўзига хос жаҳатларини алоҳида ёзиб ўтган. Масалан, Кармунас ҳақида шундай дейди: “Урду Кармунас дарёсининг кирғоғига тушган эди. Хиндистонликлар ушбу Кармунас дарёсининг сувидан кўп сакланарканлар, Парҳезкор хиндулар бу дарёдан ўтмай, кемада унинг этагидан Гангдан сузиб ўтадилар. Уларнинг эътиқодларича, бу дарё сувини кишига тегса, унинг барча ибодатлари зое кетармиш. Дарёнинг бундай номланиш сабабини ҳам шунга боғлаб тушунирдилар. Кемада Кармунас дарёси бўйлаб юкорига сузиб, яна ортга қайтиш дик ва Гангнинг шимолий томонига кечиб ўтиб, кемаларни дарё кирғоғига кўйдик”.

Подшоҳ Аграда Раана Сангага қарши урушдан олдин кема курдиртирган эди. У кема анча катта эди. Синанш учун қурилган бу кемага “Осойиш” деб от қўйди. Уша йили жангга тайёрланаётган пайтда Бобурга султонлардан Оройишхон бир кема ясашиб тортиқ қилди. Подшоҳ унга бир оз ўзгартириш киритиб, кемага тахтасула ўрнаттиради. Номини “Осойиш” деб аташлар, дея уқтиради. Султон Жалолиддин тақдим этган кемага эса “Тунжойиш” деб ном беради. Ўзи устларга яна бир кичикрок кема ясаптиради. Хужрали бу кемага “Фармойиш” деб ном берди.

Харам, яъни аёллар хонадони Қобулдан Аграга Моҳим бетим келганидан кейин, ундан сўнг тўла кўчиб келди. Бобур харам ахлига яшашлари учун тўла шароит яратиб берди. Улар учун қулай шароитларга эга уйлар қурдирди. Аёллар, фарзандлар, ёши улуг барча қариндош-уруғлар, подшоҳта яқин жангар-бағирларнинг ҳаммаси янги маконда — Хиндистонда хотиржам яшай бошлашди.

Албатта инсон ҳаминша хотиржам яшай олмайди. У шоду хуррамликлар ичида бўлмасин, барибир уни қандайдир ғам-Ташвиш, изтиробларга солиши бор нарса.

Дилдор бетим подшоҳнинг учинчи хотини Қобулдалигидан навбатдаги ўғил фарзанд — Ашвор Мирзони кўрган эди. Тўрт ёшли шахзода Хиндистонга келгач қорин оғриғи касаллигига чалинди. Табиблар қанча муолажа қилмасин у тузалмайди. У шу касалликдан вафот этади. Бу подшоҳ учун ҳам, Дилдор бетим учун ҳам отир мусибат эди. Бобур қайтуга бошган Дилдор бетим кўнглини кўтариш, ўзи ҳам бир оз дам олиш мақсадига дарё бўйлаб Дулпурга сайр уюштиради. Бунинг учун аввал кемаларни жуда ҳам хашаматли қилиб безаттиради. Аёллар ўтирадиган хос хоналар чодирга айланттирилади. Чодирлар ичига атлас, баҳмаи тўшаклар солиниб, ёнбоштаб олиш учун парестиклар қўйилади. Кемаларга ўрнатилган алвон ранг елканлар подшоҳлик тимсолини ифода қилаётган эди. Харир пардага қалбларга завқ-шавқ бағишлар, махсус хонанда ва созандалар тушган кемалардан янграётган кўшиқлар дарё узра янграганда борлик худди эртақларда тасвирланган Эрам бетининг ўзига айлангандек тасаввур ҳосил қиларди. Бобур кемалардан фақатгина жанговар ҳолатларда эмас, худди мана шу ҳолатда сайру-саёҳатларда ҳам яхши фойдаланарди. Ўшанда подшоҳнинг ўзи ҳам, харамдаги аёллару фарзанд дотида қайтуга бошган Дилдор бетим анчайин дам олгандек бўлган эди. Атрофга таралаётган ашула оҳанги, сув юзидан бир маромда сузилиш, мўътадил хаво ҳамманинг қайфиятини кўтариш билан бир каторда Дилдор бетим ва подшоҳ хавратлари дилинга таскин бергандек эди.

Давлат ишларининг тўлиб-топиб ётиши, атрофдаги хар турли ҳуқумдорлар билан музокарага олиб бориш, мамлакатнинг шимол, шарқ, ғарб, жануб тарафларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга хар дақиқа кўз-қулоқ бўлиб туриш ва шунга ўхшаш юмушлардан вақт орттириб, Бобур ахли аёлларининг кўнглини овлаш учун ҳам фурсат топарди.

Бир гал шундай қарор қилинди. Гангнинг шимол қисмида турган кўшинни тўрт қисмга бўлдириди. Бир қисмини Аскарини бошлиқ Халдий кечигига юборди. Иккинчи қисмини Султон Жаиди қилиди, яна бир қисмда ўзбек султонлари, тўртинчи қисмда Мусо Султон ва Султон Жўнайдлар бошчилигида жами йигирми минг киши ҳали таслим бўлмаган ёв томонга қараб отлангирилган эди. Подшоҳ эса ўз гурухи билан кемага тушиб Гангдан кечиб ўтади. Сўнг жанг майдони яқинига бориб, Устод Алиқулнинг фарангий куруллари ва зарбзан отишларини назорат қилади. Кузатувда Устод Алиқулнинг фарангий тоши иккита кемани яқсон қилади. Кемалар сувга чўкиб кетади. Мустафо ҳам иккита душман кемасини сувга чўқтиришга жуваффақ бўлади. Бу орада кеч қиради. Бобур бир неча чақкон йигитлар бошлиқ, Мулло Фуломни назоратчиликка тайинлаб, ўз кемасига қайтиб тушни ўша ерда ўтказди.

Кечаси галати воқеа содир бўлади. Кечанинг учинчи қисмида тўп олон бошланиб кетади. Подшоҳ “Осойиш” кемасида ётган эди. “Осойиш” “Фармойиш” кемаси ёнида эди. Хар бир кемани соқчилар бўлиб, “Фармойиш” кемасидаги тулғи қоровул “Осойиш” – Бобур ётган кемага ён томондан қимдир осилиб чиқаётганини сезиб қолади. Дарҳол шовкин кўтариб, ур-ур деб қичқиради ва ўзини ўша тирмашиб чиқаётган қимса устига ташлайди. Икковлон сувга шаллолаб тушиб кетипади. Сувдан шўнғиб чиқаётганда ётганда халиги шарпа қоровулнинг бошига қилич билан солади. Қоровул бир оз жароҳатланади, аммо омон қолади. Шарпа эса қочади. Бошқа соқчилар уни ушлашга ва қочиб ташлашга муваффақ бўладилар. Аниқланишича, у душманнинг сув орқали сузиб келган айтоқчиси экан. Шовкин-сурон шундан содир бўлганди. Бундан аввалги ўтган ҳафтада ҳам шунанга воқеа бўлиб ўтганди. Ушанда ҳам тунда қилич кўтариб кемага яқинлашган Хиндистонликлардан бир-иккитаси кўлга туширилиб, нариги дунёга соқчилар боис жўнатиб юборилганди. Бу тун ҳам худди шундай бўлди. Тангри таоло подшоҳ хазратларини тулғи бадоғлардан ўзи асрамоқда эди.

Эртаси куни эрталаб Бобур “Тунжойиш” кемасига тушиб, тоштар куруллар жойлашган ерга борди. Мақсади, кема жангиданиш бераётган бу курулларни бир бошидан кўриб чиқиш ва уларни жангга доимо шай туришини назорат қилиш эди. Негаки, банголлар билан бўлалган жанг хали ниҳоятга етмаган эди. Душман хали тўталғича даф қилинмаганди. Аскарини ҳам қатнашаётган ва тажриба йиғалган бу жангга подшоҳнинг сара саркардалари, амир ҳамда беқлари шунингдек, бевосита ўзи ҳам қатнашмоқда эди. Хали Хиндистон учун жанг давом этарди.

ХИНДИНИҒ ЎЖАР ИҚЛИМИ, БИБАН ВА ШАЙХ БОЯЗИДЛАРНИ ДАФ ҚИЛИШ ХАРАКАТЛАРИ, ХИНДИСТОНДА ЕТИШТИРИЛГАН КОВУН ВА УЗУМЛАР

Бобурнинг ҳаёти хали хотиржамликка кечмас эди. Атрофда хали кучеиз бўлсада душманлар бор эди. Албатта, уларни даф қилиш, тинчликни сақлаш, ўзини ва барча яқинлари, қариндош-урутию, давлат ходимлари ҳаёти хотиржамликка бўлишини таъминлаш унинг тўлақонли зиммасида эди. Шунинг учун ҳам доим кўшинни ҳаракатда сақлашга интилар, хар бир кун хушёрликда, атрофта мунтазам кўз-қулоқ бўлиб туришда ўтарди. Аммо у ўз кўлига киритган худудларнинг ободончилигини амалга ошириш борасида бир он бўлсада тинч турмас, шу билан бирга ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолган ижодни ҳам унутмас эди.

Бихар, Бангола тарафлардан энди хотиржамлик бўлган кунлар эди. Кўшин Сару дарёси қирғоғида эди. Кундаби яқинида жойлашган пайт эди. Бибан ва Боязининг (хали улар таслим қилинмаган эди) Сару билан Гагардан ўтиб Лақнавага қараб бораётганликлари ҳақида кетма-кет хабарлар кела бошлаганди.

Рўза ойи эди. Оғиз очиб, шомни ўқиб, хуфтон, таровех намозлари ўқилаётган фурусатлар эди. Атрофда бирдан шамол кўтарилди. Халитгина ёришиб турган осмонни тезда қора булут қоплай

бошлади. Шамол тўфонтга айланганди. Чунки самони лапакави булутлари (Хиндистонда ёмғир мавсумидати булутлар) коллиб улгурган эди. Каттик шамол натижасида йиқилмаган чодир кол майди. Бобур хазратлари ҳам энди намоздан кайтиб чодир ичиди эди. Шамни ёкиб, бошлаб кўйган китобини ёзишга хозиргина киришувди. У коғоз ва кўлёмаларини йиғиштиришга ҳам улгурмай колди. Шамол зарбилан чодир эшиги олдидаги парда подшоҳ бошга келиб тушди. Чодир тепасидати китиз эса бўлак-бўлак бўлиб кетди. Тангри сакладики яхши ҳеч қандай зиён етмади. Шарос куяётган ёмғирдан ёзилган ва хали ёзилмаган коғозлар жикки хўл бўлди. Шамолда ҳар томонга учириб ташланган коғозларини хизматдагилар кийинчилиги билан йиғиштиришиб, Бобур кўлинта олиб келиб берипшди. Йиғиштирилган кўлёмалар тезда жушполчага ўради. Кейин тўшаклар катига кўйилиб устига тилгаларни ёпишди. Бўрон анча муддатдан сўнг тинди. Тезда йиғма чодир тикдилар. Ичига тиллам, тўшаклар солиниб, шам ёқилди. Ўт ёқилиб, хўл бўлган саҳифаларни куритишга киришиллар. Бобур ҳам бу ишда тонгчаца иштирок этди. Шу кеча уйку бўлмади. Хиндининг ўжар икитими одамларнинг оромини бўзган эди.

Орадан бир неча кунлар ўтди. Ўзларича тимирилаб бош кўтариб колган душман Шайх Бозид билан Бибанни бир ёқтик килишга жўнатилган бир неча саркардалар бошлик кўшин қандай натижаларга эришганлиги тўғрисида хали подшоҳга хабарлар келмаган эди. Бобур хабар келишини кутар, бўш вақтларида сайр қилар, атрофларни айланиб томошца қилиб бўлгач, чодирга кирар, ижодий иштини давом эттирарди. Нихот Божикбекдан навкар келди. У Бозид билан Бибанга етказилган зарарлар хақида, илгор қисмининг бораётганидан хабар тошган Бозид билан Бибан лашкарини ортидан эргаштириб Махўба вилоятидан қочанлиқларини айтаркан, вазият хақида аниқ маълумот берди.

Бу маълумотлардан Бобур бироз хотиравжам турди. Турган жойи Фатхпурдан жўнаб ўн олти курух йўл юриб, яъни кирк километрдан зиёд масофани босиб ўтиб, Аградаги “Хишт бехишт” ботиға кайтди.

Эртаси кунни Бобур хузурига Муҳаммад Баҳши ва яна баъзи кишилар келиб илтифот кўрсатилди. Ўз навбатида подшоҳ уларни ҳам сийлаган бўлди.

Ўша пайтларда ҳам одамлар хозиртидек тинч қоринмас эдилар. Бир-бирининг устидан иғво тарқатиш, эл-қорт ичиди обрў тошган кишиларни камситиш, уларни кўпчилиқка ёмон кўрсатиш, шу йўллар билан ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга интилар эдики, хапто Бобурдек подшоҳ ҳам улкан бир лашкарни шакллантириб, катта мамлакат бўлган Хиндини ўзига бўйсундириб, уни бошқаришга киришган бўлсада, ўшандай иғвогар, фасодчилар фитналаридан четда қолмаётган эди. У ҳақда ёмон гап тарқатувчилар тулкилардек думларини кишиш, подшоҳни ёмонотлиг қилиш нияти билан ён атрофда изғиб қоришарди.

Ава шундайлардан бири Шайх Шариф Қорабоғий Абдулазиз эди. У ўта иғвогар эди. Қобулдан келган кишилар, соф кўнгли одамлар у ҳақда подшоҳга нисбатан кўзгаган фитналарини айтишганда, Бобур унинг қимлигини яна билиб олди. Илгари подшоҳ бир неча ишлар тоширганда у бажармаган эди. Энди эса уни золим, ноҳақ ишлар қилипти, мол-мулкларимизни тортиб олган, уларни қайтарсин дея даъво хатлари ёздириб, остига Лахўр имомларидан бир нечасининг номларини ёзиб, уларга дўқ-дўлпаса билан кўл кўйдириб, ёлгон бу ариваларнинг нусхаларини шахарларга тарқатиб, жанжал чикариш мақсадида эканлиги Бобурга маълум бўлди. Подшоҳ оғир босиқлик билан иш қўришга киришди.

Яқшанба кунни Бобур ўз хузурига Қамбар Али артувни чақирди. У тавзим ила подшоҳ хузуринида хозир бўлди.

— Сизга топширик шуки, — деди подшоҳ Лахўр имомларини қодимлари билан Абдулазиз бошчилигида хузуринида келтирасиз.

Шунга ўз одамларинингиз билан ишга киришингиз.
Бобур мақсадини баён қилиб ўтирмади. Қамбар Али хузуриндан чиқиб бораркан, “факаг тезроқ” деб кўйди. Қамбар Али Артув бош эгиб тавзим қилган бўлди.

Полшоҳ мана шундай фитналарни бартараф этиш ўйида юрган худди шу кунларда ўзи тайин этган хукмдорлардан бири Рахимдод душманлик ишларини кўзгаётгани хақидаги хабарлар ҳам унга етиб кела бошлаган эди. У Рахимдодга насихатомуз мактуб ёзди. Ёзган мактубини маслаҳатчиси халифанинг навкарлари Шохмухаммад мухрдор оркали унга жўнатди. Шох Мухаммад бориб бир неча кундан кейин қайтди. Келишда у Рахимдоднинг ўғлини ўзи билан бирга олиб келди. Ўгли полшоҳ хузурига отасини учун кечирим сўраб келган бўлсада, Рахимдоднинг бош этиб келиш нияти йўқ эди. Кўркув унга йўл бермаётган эди. Бобур унинг кўркувини таркаттиш ниятида энди Гвалийарга энг ишончли кишилардан бири Нурбекни жўнатди. Нурбек қайтиб келиб, Рахимдод гуноҳини кечиршини сўраб ялиниб ёлворанглигини айтди, аммо ўзи келмайдди. Шу кунни эртасига ундан бир навкар келиб “мени ўғлини олиб кочиш учун юборди”, деб айтди. Бобурнинг жаҳли чикади: Гвалийарга ўзи отланмоқчи бўлади. Халифа подшоҳта: “яна бир хат ёзиб юборайлик, шодки инсофта келса”, дейди. Подшоҳ “ёзиб жўнатинг” дейди. Халифа бу ишга Шихобиддин Хусравни жалб этади ва уни хат билан Рахимдод хузурига жўнатади.

Бир неча кундан кейин Шихобиддин Хусрав Рахимдоднинг якин одами Шайх Мухаммад Фавс билан бирга Гвалийардан келди. Улар подшоҳдан Рахимдодни авф этишларини сўрашди. Бобур дарвеш сифат инсон Шайх Мухаммад Фавсини сўзларини инобатга олиб Рахимдоднинг гуноҳларини кечирган бўлади ва юртни бошқаришдаги масъулиятни уларга юклайди. Шу билан бирга бу ерни назорат қилиб туришни Шайх Туран билан Нурбекка тошириб, уларни Гвалийарга Шайх Мухаммад Фавс билан бирга жўнатади.

Мана шундай ишлар кўп бўлишига карамай полшоҳ Хиндис-тонда амалга ошираётган ишларини назардан четда қолдирмади. Уларни доим текшириб турди.

Шундай ишлардан бири шу эдики, бир пайт бағлиқ бир деҳқонни хузурига чорлаб қовун экиб кўришини тайинлаган эди.

Савдогарлар оркали олиб келинган қовун уруғини унга ўзи берганди. Уша деҳқон етиштирган қовундан бир нечасини тортиқ қилиб подшоҳта олиб келади. Бобур чиройли етиштирилган қовунларни кўриб хурсанд бўлади. У бундан икки йил аввал она юртдан келтирилган қовундан бир тилик тоғиб туриб беихтиёр йиғлаб қоборганини эслади. Қовунни ушлаб туриб деҳқонга бош-оёқ сарпо кийдиришни ва бир товоқ олтин танга ҳади қилишларини буюрди. “Хишт беҳишт” ботида етиштирилган ушум ва қовунлар Хиндистонда ҳам қовун, ушум етиштириш мумкинлигининг исботи эди. Бобур бундан беҳад хурсанд эди. Бу наъмашлар унинг она диёрига бўлган соғинчининг рамзи сифатида етиштирилган эди.

СЎНГИ ЖАНГЛАР, ЧАНДЕРИЙНИНГ ТЎЛА КЎЛГА КИРИТИЛИШИ, АЖАЛ РААНА САНГААНИ ЖАХАННАМГА ЮБОРГАНИ ҲАҚИДА

“Бобурнома” да бир минг беш юз йилгирма тўққизинчи (хижрий тўққиз юз ўттиз олтинчи) йил воқеалари баёнида шу нарса маълум бўладики, Бобур ғарбдан шарқкача қатта хулудни кўлга киритган, мамлакат четрағаларини мустаҳкамлашга характерни бошлаган бўлсада, хали хаётида хотиржамлик қарор топмаган эди. Энг кучли душманлар хали ҳамон атрофда мавжуд эди. Улар икки дарё оралиғидан келган йўлбарсни ўзлари талон-торож қилиб яшаётган манзилдан батамом қувиб чиқариш ниятидан хали кечмаган эдилар.

Баян бир китобларда муаллифлар Бобур подшоҳ Раана Сангаани енгди, Чандерийни кўлга осонгина киритгандай қилиб ёзди. Иброҳим Лўдийдан сўнг Бобур Раана Сангаани енгди, Чандерийни эгаллаб, унга Мединий Равни ҳоким этиб қўйган бўлсада, хали Раана Сангаа тирик эди. Мединий Рав пинҳона у билан тил бириктириб, Бобурга хужум қилиш ниятида эди.

Бобурга Чандерий хокими Мединий Рав ва Раана Сангаа яни лашкар йиғатгани хакидати хабар келади. Подшоҳ тезда хушёр тортиб, жангга хозирлик кўришга қаршилади. Одатдагидек илвал кичик-даханаки жанглар бошланади, кейин хакикий урушга ўтилади. Подшоҳнинг жбба (совут) кийиб, отларга кежим солиб, тўла куролланиб жангга отланиши бу энди катта ва каттин жангдан хабар эди.

“Хиндистон одати бўйича юз мингги бир лак ва юз лакки карур деб айтадилар”, деб ёзди у кейинчалик, ўша дастлабки жангда мағлуб бўлган Раана Сангаанинг навбатдаги жанг олди-дан кудрати қандай эканлигини билдириш учун. “Унинг жангчидари ва лашкари икки мингта, ылюэти ўн карурга етган эдики, унга бир лак отлик жойлашиб яшаши мумкин эди. Бундан ташқари у аввапти урушда қилмаган, яъни бошқаларни ўзига қўшмаган бўлса, энди бошқаларни ҳам ўзига қўшган эди. “Унинг лашкари тафсилоти мана бундай”, дея Раана Сангаага қўшишган кофирлар армияси хисоботини келтириб ўтади, Раай Синг ва Сарангпур хукумати эгаси Салоҳиддинда ўттиз минг отликка етган ер ва сув бор эди. Равал Удай Синг Батарий ўн икки минг отликка эди эди. Меват хокимлиги кўлида бўлган Хасанхон Меватий кўлида ўн икки минг, Баходир Хамлойдарийнинг тўрт минг, Сагравин Кейчийнинг олти минг, Жармаш Парам Дев ва Меват хокимининг тўрт минг, Биро Синг Дев Чавханнинг тўрт минг отликка етган ер, суви бор эди. Султон Искандарнинг ўгли Махмулхоннинг тарчи ылюэти бўлмаса ҳам сардорликни хавас қилиб ўн икки минг отликни саклар эди”.

Буларни санаб келтиришдан мақсад душманнинг кучи ўшинда қандай эканлигини айтиб ўтиш эди. Бобур ава шундай катта кўшпигга қарши ўз имкониятини ишга солиши ва шунга муносиб тарзда жангга хозирланиши зарур эди. У шундай қилди ҳам. Атрофдаги ўзига қаршли барча хукмдорлар қарамоғида бўлган ҳамма лашкарни ёвга қарши йўналтиришга қирришди. Хатто подшоҳлик девонидати ходимларгача ҳамма-хаммаси кўлига курули олиб жанг майдонига отландилар. Бундан ташқари, олов отади-

ган куруллар, тошотар куруллар, милтикли киём, камончилар гуруҳлари, найзабозлар, тошотар замбаракли киёмлар, тўпачама усулга мослаштирилган жанговар арваларни жой-жойига жойлаштириш, уларга ўз вақтида буйрук бериб туриш Бобурнинг зиммасидаги вазифа эди. У жангда ғалаба қозониш тартиб саклашга, вазиятни хисобга олиб туриб ҳаракат қилишга боғлиқ эканлигини яхши тушунарди. Бу уруш ҳам Раана Сангаанинг саксон минглик армиясига қарши олиб боришган, кирк мингги қириб ташланган хов ўша урушдагидек уруш бўлишини аниглаб етган эдики, ўзининг яна бу урушда ҳам ғалаба қозонишини билиб турарди.

Бобур хақида ёзган қалам соҳиблари негадир мана шу уруш хақида кам ёзишган. Деярли ёзишмаган десак ҳам бўлаверарди. Нета ундай, бунинг сабабини тушуниб етмадик. Биз эса уни ба-тафсил ёзиб, Бобур ҳаётида у ҳам муҳим ҳодиса бўлиб қолганини таъкидламоқчимиз. Чунки умри ниҳоясига етаётган бўлсада, (албатта, ўзи ҳали буни сезмайдди, яна қанча яшаши унга мавлум эмас. Чунки у ҳали соғлом, дейиш мумкинки йилгит ёшидагидек қувватга эга. Қиркнинг тепасидаги кишида йилглик қувватлари ҳали сакланган бўлади. Эллик ёшдан тепада бўлinsa бошқа масала) ғайрат-шижоати, куч-қуввати, қолаверса идрокни тажриба орттира-орттира тўлишган эди.

“Душманнинг келишини сезиб”, деб ёзди Бобур кейинчалик (қаранг, “сезиб” деляпти. Демак, подшоҳнинг нафақат идрокки, хаттоки сезилари ҳам ишлаган ўша пайтларда) қатъий қарор қабул қилиб ўз лашкарини сафлашга қирришди. Марказга, яъни ўзи бошлик бўлган асосий киём, хос отлик аскарларни қўйди. Марказнинг ўнг қанотига Чин Темур Султон бошлик ва бошқа бир қанча амирлар бошчилигидаги лашкарлар қўйилди. Чап қанотда султон Баҳовуддин Бахлул Лудийнинг ўгли Алоруддин, Шайх Зайн Хавофий шунга ўхшаш подшоҳнинг хос қишлари сафланди. Ўнг қанотга ўзи раҳбарлик қиладиган бўлди. Хиндистон амирларидан Диловархон, Маликлод, Шайх Гуран қаби кишиларни ҳам ушлаб турди. Шунингдек, мўғул баходир-

Орадан бир неча кун ўтди. Бобурнинг хабарчилари яна Хинд-таг-тути билан бартараф қилинмаган Мединий Рав ва Раана Сангаалар лашкар йиғаетгани тўғрисида маълумотлар келтиришди. Бу хабар етиб келиши биланок подшоҳ минг йитгани Чин Темур Султон ихтиёрига бериб, уни Қалаший хулудидан Чандерий томонга юборади. Макссад хали душманлари кўлида бўлган Чиндерийни забт этиш, шу билан улар юрагига гулгула солиш эди. Чандерий забт этилгач, подшоҳ уни бошқаришни Султон Носридин набираси Аҳмадшоҳга топшириб, инъом қилиб юборди. Катта кўшинга кўл остида Хиндистоннинг ғарбий хулудидан шарқигача бўлган жойларни ушлаб турган Бобур билан олишиб хумори босилмаган Раана Сангаа яна кўшинини тартибга келтириб Ирижга келиб, уни камал қилмоқчи бўлади. Бобур унга қарши яна ўзи ҳам бормоқчи бўлиб турганди. Раана Сангаа тушита ўша кеча улуглардан бири қиради ва “бу юришинг хосингиз” деб уни кўрқитади. У уйқусидан сесканиб уйғониб кетгани Тўшини мулозимларига айтиб беради. Бир неча соат ичйда унга иситма қиради. Харорати ошгандан ошиб боради. Ўша иситма да лашкарга ортга қайтишни буюради. Йўлда ўзи вафот этади. Ажал уни жаханнамга (Бобур подшоҳ айтмоқчи) олиб кетган эди.

Раана Сангаа ўлими хақидаги хабар Бобур кўшини билан Бурхонпур дарёсидан ўтаётган пайтда келган эди. Бу пайтда Марриф, Бибан ва Боязидлар куч билан Шамсобод қалъасини эгаллаган эди. Подшоҳ кўшинни ўша томонга бурган ҳам эдики, улар қочипта тушиб қолди.

ХУМОЮН МИРЗОНИНГ ХАСТАДАНИШИ, БОБУР ПОДШОХНИНГ ВАФОТИ

Бир минг беш юз йипирма тўққизинчи йил Бобур хастада инчаин муваффақиятлар йили бўлди десак хаго қилмаган бўлмас. Агроф вилоятларнинг бир нечаси подшоҳ химоёсига ўтди. Энг хавфли рақиб бўлган Мединий Рав, Раана Сангаалар тор-мор

қилинди. Бибан ва Боязидлар ўзини ўнглаб ололмайдиган даражага тушиб, анча узок масофаларга улоқтириб ташланди. Жумладан, Бобур Меват хоқимлиги жойлашган Ашварни осонлик билан кўлга қиритиб, бу вилоятни ҳам ўз мамлакатлари қаторига қўшиб олиш билан бирга қаттагина хизинани ҳам кўлга қиритди. Бу билан подшоҳ хумронлик қилаётган ўлкаларда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий барқарорлик хукм сура бошлади.

Бобур Ашварни олгач, пойтахтга қараб йўл олади. Подшоҳ учун бу вақтда пойтахт Агра эди. Аграги дорул хилофа деб ҳам атайдилар. Чунки Мохим бегим боллик харам аҳли аёллар, болалар ҳам шу ерда эди.

Шу кунларда Бобур учун яхши хушхабарлар келаётган эди. Бу хушхабарни Мухаммад Хумоюннинг элчилари келтиришган эди. Хумоюн қирқ-элик минг аскар йиниб Султон Вайхонни ўзига йўлдош қилиб, Самарқандга бориш ниятини отасига ёзган мактубида баён қилган эди. Бобур мактубни ўқиб жуда хурсанд бўлиб кетди. Чунки Самарқанд кўлга қиритилса подшоҳ Хиндистондаги ишларини йўлга солиб қўйиб, хайрихоҳ ва муносиб кишиларни шу ер хукмронлигига тайинлаб қўйиб, ота мерос ўлкасига бориш ниятида эди. Бу илтиёқ ҳамон унинг қалбини тарқетмаган эди.

Подшоҳ суюкли ўғли Хумоюнга жавоб хатини ёзар экан, унда жумладан шундай деди: “Тангри Таолодан умидвормизки, ҳадемай Хиндистондаги ишларимиз якунига боради. Яхши одамларимизни бу ерга тайин этиб қўйиб, ўзимизга ота мерос ўлкаларимизга борамиз. Бу кутлуғ юришда бутун халқимиз, жоним ўғлим, албатта сизга йўлдош бўлиб, ихлос кўрсатадилар. Биз эса сизни бу борада насиб этсун қўллаб-қувватлаймиз. Аллоҳ ҳаминша ҳамрохингиз бўлсин!”

Бобур бу сатрларни ёзиб тутатар экан, Хумоюннинг онаси Мохим бегим билан унинг исмини тилга олиб сўзлашиб турган фурсатни беихтиёр эслади. Ўшанда Хумоюн Мирзо ҳам отаси, ҳам онасини жуда соғинган эди. Кўришмаганларига бир йилдан ошиб кетгани учун у укаси Хиндотни Бадахшонга қўйиб, тезда

Аграга караб йўл олган эди. Подпох фарзанди онаси билан суҳбатлашиб ўтириб:

— Хумоюн келиб қолса — худди шу дақиқада, — деб ўтиришни эди ҳамки, — “Хумоюн Мирзо келдилар”, деган хабар эшитилди. У отаси, онаси ўтирган хонага тавзим қилиб кириб келаркан, жигар-бағирларининг кўзлари чароғдай чарақлаб, юзларида хурсандчилик табассумлари балкиди. Аввал ота, сўнг она соғингани ўттини бағирларига бирма-бир узоқ босган ҳолда кўришдилар. Хурсандчилик шарофатига саройда тўй берилди. Ушанда бир неча кун зиёфат кетидан зиёфат бўлди. Ота, она, фарзанд суҳбатлари узоқ давом этди. Хумоюн Бобур подпох фарзандлари ичюнда суҳбатлашишда тенги йўқ инсон эди. Шунинг учун ҳам отаси кейинчалик ўз асарига “атар қомил инсон дейиш мумкин бўлса, у ўша эди”, деб ёзганди. Хумоюн ана шунанга йитит эди.

Хумоюн Мирзо отасининг бўйруғи билан кўп юришлардан иштирок этар, шу билан бирга ўн икки ёшдан бери Бадахшонни ҳокимлик қиларди. Отани, онани соғиниш унга ҳеч тинчлик бермасди. Шунинг учун у Бадахшонни қолдириб отаси, онаси хушроғига Хиндистонга караб йўлга чиққан эди. Унинг ортидан бир оғнохушлиқлар бўлиб ўтади. Бадахшонни Қошғар хонларидан илбевоСИТА Бобура қариндошлиги бор Рашидхонни Ёрқентга ҳоким қилиб қўйиб, Султон Саидхон Бадахшонга юриш бошлайди, Султон Саидхон асли Юнусхоннинг набираси. Бобурнинг яқин қариндоши. Шунга қарамасдан ўша замон одатига амал қилиб, қариндошчилиқни бир томонга суриб қўйиб, Бобур подпохга дахлдор жойларни эгаллашга интилади.

Бу хабар Бобурага етиб келади. Шунда подпох Хожа Халифани Бадахшонга бориб кўлидан нима келса қилишини айтиб фармон беради. Лекин у фаҳмсизлик қилиб ҳеч иш қилмайди. Шунда подпох ўзига:

— Сен ўзинг борсанг қандай бўларкин? — дейди.

Хумоюн:
— Фармонга чора йўқ, лекин ўз ихтиёрим билан дийдордан айрилмайман, деб аҳд қилганман, — дейди. Подпох фарзандининг

ички хиссиётларини яхши тушунади. Шунинг учун фақат қўлим-сараб қўяди, холос.

Бу вақт Мирзо Хиндон Қалъани Зафарга кириб улгурган эди. Султон Саидхон қалъани уч ой камал қилиб, кўлидан ҳеч иш келмай ортга қайтишга мажбур бўлади. Бадахшон нима бўлсада Мирзо Хиндон қўлида қолади. Нима бўлганда ҳам юрт Бобурийлар қўлида эди.

Орадан бир йиллар чамаси ўтди. Бобур Хумоюнга ўзи аввал жойлаган ер — Санбалга кетишга изн берди. Хумоюн Санбалга жўнади. Олти ойлар чамаси ўша жойда яшади. Икким унинг мижозига тўғри келмади. Сузданми, хаводанми унга тез-тез иситма қирадиган бўлиб қолди. Табиблар қанчалик куйиб-пишиб даволашмасин иситма бора-бора мунтазам тус ола бошлади. Фарзандининг беморлиги ҳақидаги хабар подпохга етиб келди. Бобур тезда Хумоюнни Деҳлига олиб келишларини, у ерда кемага солиб, Аграга келтиришларини, йўл-йўлаккай зийрак ҳокимлар кўриб, дардига даво қилишларини буюрди.

Базми манбаларда уни “Санбалга эмас, Деҳлига боришга руҳсат берди”, деб ёзилади. Аслида “Бобурнома”да Санбалга кетишга руҳсат берилди деб ёзилган. Қолаверса, Гулбадан “Хумоюннома” асарида онаси Моҳим бетим ўғли Хумоюннинг бевотоб бўлишдан қаттиқ изтироога тулганини жуда ҳам аниқ ва дунда қилиб тасвирлайдики, беихтиёр онанинг қалб дардлари китобхонни ўша дақиқадаги воқеаларни чуқур англашига ёрдам қилади.

“Подпох ҳазратлари, — деб ёзади Гулбадан, — келиб беморни кўришлари биланок нуруний чеҳраларини қайту ва алам тўйгулари камраб олди”. Бу тўйгу албатта Хумоюн онаси бўлган Моҳим бетимда ҳам бўлгани аниқ. Ота ичидан қайғурса, оналар ўз изтиробларини ҳеч қачон яшира олмаганлар. Ичидаги дардларини очик, ошқор этишида ҳеч қачон тортинмаганликлари оналаримиз тимсолида кўринганку ахир. Шунинг учун ўғли тақдирини учун қуюнган ва доимо ташвиш тортган Моҳим бетим Бобур подпохга қарата алам билан: “Сиз менинг фарзандим тақдирини

Бепарвосиз, чунки сиз подпохсиз, сизнинг бошқа ўтигларингиз бор, нима гамингиз бор! Мен ҳам чекмай нима қилай, ахир у менинг яккаю ягона фарзандим.” – деганларини Гулбадан эслатиб ўтганда ҳақ эди.

Хумоюннинг касал ҳолатини кўриб отаси Бобур подшоҳ ўн марта адоий тамом бўлган бўлса, Мохим бетим юз баробар ундан ортик адоий тамом бўлганди. Табиблар дори-дармон қилинганга киришиб кетдилар. Соғайиш ўрнига у кундан-кунга оғирлаша бошлагди. Иситманинг тасайишидан дарак йўқ эди. У тобора сўлиб борарди. Оқариб бораётган юзида эт қолмаган, борлиги суякка айланиб қолганди. Уни кўрган одам унда тириклик нишоналари охиригаб қолганини дарҳол англай оларди. Табиблар дориларидан ташқари дам солишлар ҳам қор қилмасди. Унинг сари подпохнинг безовталити ошиб борар, ўзини кўярга жой тополмасди. У атрофидаги оқил-дониш кишиларга илтижолни боқар, қарашларида фақат битта савол бор эди. “Нажот борму бу дардга” деган сўрокни унга қайтуриб туриб қараётган кишилар билиб туришарди.

Подшоҳ ёнидаги улуг кишилардан бири Мир Абдулқосим бир кунни секин сўзлаган бўлди:

– Бундай дардларга бирор яхши нарсани садака қилиб бериши керак, шунда Тангри таоло шифо беради.

Орага оғир жимлик чўкди. Ўтирганлар узоқ ўйга ботдилар. Бутани эшитган подпохнинг кўнглига “Муҳаммад Хумоюннинг менадан бошқа яхши нарсаси йўқму? Мен унга тасаддуқ бўлайин, Худо қабул қилсин”, деган ўй келади.

Бу тап очик айтилмаган бўлсада Бобур подшоҳ қалбидан кетган эди. У кейин бир йўталиб олиб, хозир кўнглидан ўтган танини айтди. Ҳамма ўтирганлар бир-бирларига тез қараб олдилар. Кейин Хожа Халифа:

– Хуждюрим, Муҳаммад Хумоюн шифо топади, сиз бу сўзини тилингизга олдирингиз. Ундок деманг, кўнглингиздан буни чиқариб ташланг, – деди.

Хожа Халифа ёнида ўтирган Турдибек хоксор:

– Мақсад, атар садака туфайли шифо топадиган бўлса, дунё молидан бирор нарсани садака қилиш керак, деб қўшилди.

Мир Абдулқосим энди асосий гапни айтган бўлди:

– Ўша Иброҳим билан бўлган урушда кўлга қиритилган олмос борку, шунга садака қилиш керак. Шу энг яхши садака бўлади.

– Тангри берадиган шифо эвазига дунё молини бериш, менимча озлик қилса керак. Яхшиси мен унга ўзимни фидо қилайки, шу Тангри таолога арзиғулик садака бўлсин.

Подшоҳ шундай деб ўрнидан турди. У Хумоюн ётган кўшкка қараб юрди. Ўтирганлар бўлаётган ходисадан қарахт ҳолга тушиб қолишганди. Бир отиз сўз бу ҳолатга ситмас даражада эди. Бобур Хумоюн тепасига бориб пешонасига кўлини қўйди ва деди:

– Фарзандим мушкул аҳволга тушиб қолди. Унда нима бор бўлса ўзимга оламан. Унинг кучига куч, бардошига бардош бўлман. Эй Танрим, бу гапларни менадан ўзинг қабул қилиб олгин. Муҳаммад Хумоюн учун дунё моли эмас, ўзим садака.

У бу сўзларни айтиб туриб Хумоюн атрофидан уч марта айланиб ўтди. Унинг боши тарафида бир он тўхтаб туриб ҳар гал “Муҳаммад Хумоюн учун дунё моли эмас, ўзим садака” сўзларини уч бор такрорлаган бўлди. Кейин “ҳар қандай дардинг бўлса мен олдим” деб уч бор айтди.

Маросим туталди. Уч кун ўтар-ўтмас, Аллохнинг қарами кенг, қудрати улуг Муҳаммад Хумоюн ўрнидан турди. Бир ҳафта ичда у соғайди. Аммо... аммо Бобур подшоҳ ўзини ноҳуш сеза бошдади. Энди унда иситма хурражи бошланганди.

Йиғилганларнинг дуоларини, отанинг дил илтижоларини Яратган ўз даргоҳида қабул қилганди. Сешанба кунга бошланган бағишлов маросими чоршанба, пайшанба кунга давом этди. Муттасил Куръон тиловат қилиб турилди. Ана шу дуолар, кўшларнинг сўровлари, айнакеса отанинг дилдан қилган илтижоларини Тангри таоло инобатга олганди. Энди иситма Бобур подшоҳ вужудини ўртар эди. У икки-уч ой дард билан олишиб ётди. Илгари ҳам, ёдингизда бўлса керак, Бобур иситмагаб оғриган эди. Оғзи-

га пахтага сув томизилган у пайтларда Андижон кўлдан кетган эди. Ундан кейин ҳам яна қайсидир бир юртларда иситма кирган эди. У иситмаларни енга олган подшоҳ вужуди энди буни енга олмаётган эди. Қолаверса, ўзида ҳам бунга хоҳиш йўқ эди. Чунки у ўз ўғлининг соғайиши йўлида ўзини садака қилган эди. Авёнлар, мулозимлар эса Бобур подшоҳнинг соғайиб кетишига умид қилишарди. Улар бу иситма ҳам аввалтидай иситмалардан бири деб ўйлашарди. Лекин подшоҳнинг ўз жонини фарзанди йўлида садака қилганидан кўнглилари хижил эди.

Чўзиқрок юзги, ёнок суяклари бир оз бўртиб чиққан, бутун умри отнинг устида ўтган, қанчадан-қанча жанглари кўрган, бобоси Темурбек сингари отир вазиятларда жангнинг ўртасида бўлган жасур ва ҳаминша шижоатли бу инсон, мана неча ойдирки, тўшакда михланиб ётибди. У юзини девор томонга ўтирганча сукутга чўмган. Ўн йиллар давомида Шайбонийнинг таъкибида, талай-талай беқларнинг ҳам жасоратини, ҳам хиёнатини кўрган, отир вазиятлардан омон чиққан Бобур сукутга чўмиб ётаркан, сагланат ва хужмдорлардан кўнгли қолганини Зарафшон боғида дам олаётганда Моҳим бегимга “Менинг хизматимга Тоҳир офтобчи ҳам етиб ортади” деганларини эслади ва мийинида кулиб кўйди. Тўғрида, бир одам хизматига бир киши етиб ортадида аслида. Унча... одам ўзини ҳеч ерта сиздир олмас экан”.

Бобурнинг ахволи кундан-кунга заифлашди. У отирлашиб борарди. Дехлига жўнаб кетган Хумоюнга мактуб йўллашди. У тезда етиб келди. Қиблагоҳи билан кўришиб, отасининг ҳолсиз ахволига чидай олмади. Бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Табиблардан “мен отамни соғлом ҳолда қолдириб кетган эдим, не ҳол юз берди, — дея сўради. Улар дард отир эканлигини айтишган бўлди.

Подшоҳ бемажол ҳолда буюрди: — Ҳамма давлат авёнлари, мамлакат арбобларини чорлангиз! Хожа Халифа, Камбар Алибек, Турлибек, Хиндубек ва бошқалар хозир бўлишлар:

— Кўп йиллардан бери Хумоюн Мирзога подшоҳликни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагида истиколат қил-

сам деган фикрим бор эди. Аллоҳнинг марҳамати билан ҳамма нарсага муяссар бўлдим. (Унинг овози анчайин ҳазинлашган бўлиб, энтикиб-энтикиб гапирар эди). Фақат биргина мана шу орзумим рўёбга чиқмай турган эди. Шу ниятимни вужудим соғ пайтда рўёбга чиқарсам, деган ниятим бор эди, бўлмади. Дард мандан фолиб келди, қолаверса атрофдаги тапвишлар ҳам бунга ён бермади. Сизларга айтдиغان васиятим шунки, барчангиз Хумоюн Мирзони менинг валяҳдим деб билингиз. Унга садақат билан хизмат қилингиз. У билан бир тан, бир жон бўлингиз. Сиз мамлакат арбоблари байъат (ахд-таймон) қўлларингизни Хумоюн кўлларига топишингиз ва унинг валяҳд эканлигини тан олингиз. Ўз навбатида Хумоюн ҳам сизларга нисбатан яхши муомалада бўлади. Хумоюн ўғлим, укаларингизни, қариндош-уруғларини, барча яқинларни сenga, сени эса (шу ерда подшоҳнинг товуши титраб чиқди) ёлғиз Худога топишдирим. Тангрим ҳаммаларингизни ўз паноҳида асрасин!!!

Вазиятни кузатиб турган бу ҳолатни кўриб барча-барчаси кўзларига ёш олди. Хумоюн ва бошқа фарзандлар эса дод солиб йиғлашга тушдилар. Бу йиғиларнинг ичида Хумоюннинг йиғиси ҳам бағанд, ҳам аламлироқ эди...

Бобур подшоҳ ўз кўли билан барпо этган Чахорбоғда 1530 йилнинг 25 декабрь куни ахволи оғирлашиб, ёруғ олам билан видолашди. Замоннинг доно кишилари унинг вафотига тарих, марсия, қасида ва таркиблар битдилар. Жумладан, Мавлоно Шихоб Муаммоий шу мисраларда таърих толдди:

“Хумоюн бул вориси мулки вай”. Хумоюн унинг мулкининг вориси эди.

ХОТИМА

“Темурхон наслидан” Мирзо Захриддин Мухаммад Бобур подшоҳ ижоди ва ҳаётини ўрганиш давомида шу нарсасага амин бўлдим яъни, уни яратган Тангри таоло суюб яратган экан-да, деган хулосасага келдим. Бобоси Ҳазрат Соҳибкирон Темурбек айтади: “Аллоҳнинг кўлида икки нарсая бор, тугъдириш ва ўлдирishi. Қолгани инсоннинг ўзида. У яратиб, барча имкониятларни бандасининг ўзига бериб қўйган.” Шунга қўшимча қилиб “Яратган Эгам сўйган бандасига хайрли ўлимни ҳам насиб этади.” дейилса хаго бўлмаса керак.

Бобур подшоҳ хайрли ўлим топди. Андижоннинг жануб тарафида, Хокон аригидан ўтилганда жойлашган Работи Рўзак кишидоғида текис майдонда саҳар патла ракиби Танбал билан қилич солинган пайтида бошига қилич еганда ўлиб кетмади. Ёки Самарканд камалида ёв қўлига тушай-тушай деганда ўлим топмади. Яна канчадан-канча жангларни кўрди. Бобоси Темурбек сингари жангларда энг оғир нуқтаalarda жанг қилди, ёвнинг қуршовида қолган дақиқалар ҳаётида кўп бўлди. Ҳаммасида Аллоҳ уни асради. У яратган Эгамнинг суюқли бандаси эди. Шунинг учун уни асраб-авайлаб бориб, фарзандлари даврасида, аҳли аёллари қуршовида ўзи насиб этган осуда дамда-тўшақда унга ўлим шаробини насиб этди. Хўп нега шундай бўлди? Назаримизда, Аллоҳга маскан бўлган унинг қалби ўзи Яратган сўйганидек тоза ва пок эди. Уни Худо бир бандаси сифатида эзгулик билан сийлаган эди. Мана шу эзгулик у қаерда юрмасин ва қаерда бўлмасин уни тарқ этмади. Ёмон хулқлардан, ёмон одатлардан у нафратланди. Буни очик-ойдин ўз асарларида ҳам ифодалади ва ўзи ҳам бунга қаттиқ амал қилди. Айниқса, киши қалбини ардоқлади. Бировга

ноҳақ озор бермади. Унга — ўзига озор берганларни кечирди. Инсон қалби унинг учун бир гўзал ҷаман эдики, у ўзи айтганидек: **“Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусинир”** эди.

У ўн йиллар давомида тавқиб этган энг қатта рақибининг фоживий ажал тошганини эслаб эканмиз, “Ў Раббий, ўзинг улғусан ва ўзинг билгувчисан,” деймиз беихтиёр. Ёки бўлмасам, Раана Сангаанинг туш кўришино ва тушида кўрқиб кетишига нима дейсиз. Бобур билан жанг қилман деб турган саркарда-та бирдан иситма кириб қолиб ўлишида ҳам Яратганининг ўзига маълум бўлган сир-асрорлар қаршисида дол қоламиз, холос.

Ўз олатимизга содиқ қолган холда биз “Бобурнома” даги қуйидаги сўзлар билан фикримизга яқун ясашни маъқул деб билдик: “Варақларни қораловчи — қотиб айтадики, тўққиз юз ўттиз еттинчи йили, жумод-ул-аввал ойининг олтинчисида ўша подшоҳ ўз қўли билан обод қилган Чахорбоғда аҳволи ўзгариб, бу бевафо оламни тарқ этди”.

Тангри таоло ул подшоҳи азимни раҳматига олган бўлсун, жойларини жаннат боғчаларидан этсун!

“Валлоҳу би қулли шайн алим.” (Ҳамма нарсани билгувчи Аллоҳдир). Омин!



МУНДАРИЖА

Мукаддима ўрнида	3
Янги Аҳси учун жанг ва биринчи марғубият	6
Туш	15
Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Махмудхон лашкарларининг қайтиши	23
Эли турк юрт ишқи	27
Тангри битиги	31
Арининг уяси	34
Хурросон хукмдори Хусайн Бойқаронинг баръзи ишлари хусусида	37
Бобур Самарқандда	39
Кенгликларда янграган кўшик	42
Омад яна Бобурга юз бурмоқда	44
Узун Хасанга омонлик берилди	48
Довонмисан – довон!	50
Мушпоира ёки Биноийнинг Бобурни қувонтирган рубойиси	54
Ёш Бобур Мирзонинг тажрибали подшоҳ	
Хусайн Бойқарога ўзини тенглаши холатлари	57
Ғалабадан кейинги марғубиятлар	60
Қамағ қийинчиликлари ортда қолди	63
Нўён кўкалдошнинг қиличи	66
Бобурнинг тушқун қайфияти ва қичик хон тоғаси билан кўришиш тафсилотлари	71
Шахзодаининг ярадор бўлиши ёки ўз қиличи ўз бошига тушгани	74

Шайбонийхоннинг “Боралиман” деган сўзи, Тавбалнинг хонларни тавқиб этиши	79
Йўлтусарларга жавоб жанги	84
Султон Хусайн Мирзонинг Шайбонийхонга қарши юриш таралдули ва бу юриш насиб этмай Тангри раҳматига бориши	88
Бобурни Ҳиротнинг энг улуғларидан яна бири – Алишер Навоийни улугʻлаганлиги	92
Бобурнинг шоир Биноий ва Алишер Навоий муносабатларига чизгилари	95
Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий агрофига уюшган олим, шоир ва санъат аҳли хусусида	100
Хусайн Бойқаро фарзандлари ва Бобур	103
Бобур подшоҳ Ҳиротда	106
Қорли йўл	111
Қобулга хужум	117
Шайбонийхоннинг Ҳиротни олиши	120
Бобурнинг жанг тайёрарлигини кўриши ва Қандахорга хужуми	124
Қобулдан Ҳиндистон сари	127
Сарик ва қизил гуллар юрти	131
Шайбонийхон	137
Мирзохондан келган мактуб	143
Бобурнинг яна итво ва фитна-фасоллар тирлобида қолгани, оила ва бола-чақаларини олиб Самарқандни ташлаб чиқиб кетиши	149
Синган бармоқ азоби	153
Дўстбекнинг вафоти	157
Ҳиндистонни забот этишга тайёрарлик	161
Уч иш мувофиқлиги ва уч вақт бирлиги хақидаги ўйлар	166

“Улуслик тинмалим умримда харгиз лакзе”171
Темурбек, Хиндистон ва Бобур175
Оламхон, Давлатхон ва Ғозихон билан боғлиқ воқеалар180
Арўпар ёмғирлари, Турдибек хоксор мактаган жойлар184
Хужумга хозирлик кўриш187
Панипат жанги ва Султон Иброҳимнинг ўлдирилиши192
Кўлга киритилган бойликлар ва уларнинг тақсироти197
Хожа Калоннинг ўз уйи деворига ёзиб қолдирган
истехзоли байти ва ундан Бобурнинг ранжиши201
Яна жанг ташвиши, шу билан бирга боғ-роғ,
бино барпо этиш ишгиёки205
Устод Аллиқулнинг ёмон ахволга тушиб қолиши
ва содир бўлган катга бир воқеа209
Жантовар вазият, кўркув ҳолатлари ва
рўй берган икки буюк воқеа214
Шайх Зайн томонидан битилган “Ғатхнома” ва
ортикча сўз, камчиликларсиз “Бобурнома”да
унинг кайд этилиши218
“Биздаги ўлмадук, бихамдигиллоҳ”,
ёки Турдибекдан жўнатилган китъа225
Подшоҳнинг Турдибек ёқтирган чашмаси230
Сайрлар ва меҳмондорчиликлар235
Чандерийни заёт этиш ва урушнинг давомы238
Подшоҳнинг ўтган йилги Наврўз кунини эслаши242
Урушдан кейинги ишлар245
Шоҳ Қосим пиёда (тезюорар)нинг яхши хабарларини,
иситма изтирооблари249
Моҳим бегим252
Яхши хушхабар ва Бобурнинг ўғли Хумоюнга мактуби258
Фарзанди Аскарий масъулиятини орттириш ва
яна тўй тантаналари263

Бобурнинг тўйдан кейинги ишлари, кемааларга ном
берилиши ва подшоҳнинг кемадалик пайтида содир
бўлган тунги воқеалар269
Хинднинг ўржар иқлими, Бибан ва Шайх Бозидларни
даф қилиш ҳаракатлари, Хиндистонда етиштирилган
ковун ва узумлар273
Сўнгги жанглар, Чандерийнинг тўла кўлга киритилиши,
ажал Раана Сангаани жаҳаннамга юборгани хақида277
Хумоюн Мирзонинг хасталаниши,
Бобур подшоҳнинг вафоти282
Хотима290

1865 -

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIG VA O'YGA VAHXOVA TALIY VAZIRLIGI
TOSHKENT YILOVATI SHIHSIHO
DAVLAT REDAVOSGA INSTIYATI
AХВОРОТ RESURS MARKAZI

1865

Адабий-бадший нашр

Фарид УСМОН

БОБУР САЛТАНАТИ

Тарихий эссе

Мухаррир И. Аҳмедов
Техник муҳаррир Д. Аслинов
Мусаххих С. Саидмирова
Саҳифаловчилар О. Исмоилова

Нашриёт лицензияси АА № 0049. 18.03.2020.

Босишга 2020 йил 27 июлда рухсат этилди.

Бичими 60x84^{1/16}. Ҳажми 18,5 босма тобоқ.

Нашриёт тобоғи 11. Times New Roman гарнитураси.

Офсет коғози, офсет усулида чоп этилди.

Буғуртма № 05-20. Адагли 2000. (Биринчи завод 1000).

«Kamalak-PRESS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100129. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-41-90.